O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **15** декабрь, жума № **50** (2177).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **15** декабря, **2006** год, № **50** (2177).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 декабрь
№ ЎРҚ – 66

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

1. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта муддатда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури Концепциясини тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўлимларини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.

Бунда қуйидаги масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

– ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;

– амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни назарда тутган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш:

а) аҳоли ночор қатламларининг турли тоифаларига, биринчи галда ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган балоғатга етмаган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

б) кексалар ва ногиронлар уйларини, болалар уйларини ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;

в) 2 ёшгача болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла қўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

– «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

– аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш;

– жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она – соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишлар белгилаб олинсин;

– «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларининг ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш;

– ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш;

– ҳурматли фахрийлар ва пенсионерларнинг соғлом ва сермазмун ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёрдамга муҳтож одамларга бегараз ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик томонидан уларнинг кенг кўламда эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш.

3. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргаликда Концепция асосида 2007 йилнинг 20 январигача «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 декабрь.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Жанговар малака ошар машқларда

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БУЮК МОМОЛАРИМИЗ – СУЮК МОМОЛАРИМИЗ

Илм-маърифат ҳақида сўз кетганда улуғ аждодларимизни эсламай илож йўқ. Ўрхун битикларидаги сирли ёзувлардан тортиб Авестодек муқаддас китобга асос солган, тиб илмию осмон сирларини эгаллаган, қомусий билимлар сардори бўлмиш буюк боболаримизнинг авлоди эканлигимиз қанчалар фахрли. Агар эътибор қилсангиз Шарққа довруғ солган достонлару турли йўналишдаги минглаб тарихий асарларнинг деярли барчаси шеърий услубда битилганига, ҳар бир олиму уламоларимиз шеъриятдан яхшигина хабардорлигига гувоҳ бўласиз. Шундай экан, бизнинг элимизда энг иқтидорли шоир ва шоираларнинг етишиб чиққанига ажабланмаса ҳам бўлади. Тарих саҳифаларига асосан шоир бобокалонларимизнинг номлари муҳрланган. Ваҳоланки, уларнинг сафида камтарона қалам тебратиб, ўз иқтидори билан ҳатто улуғ шоирларни-да ҳайратга солган шоира момоларимиз ҳам борки, биз ушбу мақоламизда айнан улар ҳақида тўхталишни лозим топдик. Асрлар ортида ижод қилган бу ўзбек шоираларидан айримларининг номларини сиз мақоламиз орқали илк бора кашф қилсангиз, ажабмас.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



САЛОҲИЯТИМИЗ – ЮКСАК, ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ – КЕНГ

1995 йилдаёқ Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришди. Шу йилда юртимизда 7 миллион тоннага яқин нефть ва конденсат қазиб олинди. Агар истиқлолга эришган йиллардаги натижалар таҳлил қилинса, аниқроғи 1991–2003 йиллар мисолида олиб қараладиган бўлинса, Ўзбекистонда нефть ва газ конденсатини олиш 2,8 баробарга ўсганини кўриш мумкин. Қисқа муддат ичида энергетик мустақилликка эришишимиздек улкан ғалаба собиқ иттифоқ мамлакатларида иқтисодий инқироз давом этаётган, савдо ва иқтисодий алоқаларда парокандалик бўлаётган, нархлар ва инфляция даражаси ўсаётган бир мураккаб шароитда юз берганини ҳисобга оладиган бўлсак, бунинг ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийдиган ютуқ эканлигини англаймиз. Табийики, бунда Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритган сиёсати устувор аҳамият касб этмоқда.

Энергетик мустақилликка эришдик. Демак, ўзимизни-ўзимиз тўла бу хомашё билан таъминлай оламиз, бу борада ҳеч кимга қарам бўлмаймиз. Навбатдаги устувор вазифа эса ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, Ўзбекистоннинг нефть ва газ, уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларининг жаҳон бозорида фаол иштирок этиши учун кенг истиқболлар очиб бериш эди.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, кириб келаётган 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида номлашни таклиф қилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, мазкур таклиф жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлидаги навбатдаги одимимиз бўлажак. Амалга ошириб келинаётган эзгу ва хайрли ишларимизнинг узвий, мантиқий бир давоми бўлажак.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтиш даврида яратилган, мустақил тараққиётимизнинг ўзбек модели сифатида дунёда тан олинган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат сифатида белгиланганлигини яхши биламиз. Ҳа, шунинг ўзиёқ биз қураётган жамиятнинг инсон омилига асосий эътибор қаратишини кўрсатди. Барча ислоҳотлар – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар инсон манфаатларига йўналтирилди.

Узоқни кўзлаб юритилган бундайин оқилона ислоҳотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга, мамлакатимизда барқарорликни ва осойишталикни таъминлашга муваффақ бўлдик. Қолаверса, бу билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қатъий бир тизими вужудга келди, шаклланди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш учун янгича шароит ва имкониятлар яратилди. Юртбошимизнинг фикри билан айтганда: «Бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда».

Табиийки, янги йилда социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга янада кенг эътибор қаратилади. Мазкур йилдан кутилаётган умидларимиз, олдимизда турган мақсад ва вазифаларимиз Президентимизнинг қуйидаги гапларида ўз аксини топган: «...2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади».

Эркин ва фаровон ҳаёт, Ватан равнақи, юрт тинчлиги сингари устувор мақсадлар уйғунлаштирилган янги йилимиздан ҳам улкан умидларимиз бор. Ишончимиз комилки, мустақил тараққиёт йўлимиздаги бундайин эзгу ва хайрли ишларимиз турмушимизни, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага олиб чиқажак.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ИНСОНПАРВАР СИЁСАТ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баландпарвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Ислом Каримов

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз танлаган йўли ва тараққиётга мос тарздаги Ўзбек моделини яратди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар, кенг кўламли ўзгаришлар шу миллий тараққиёт моделининг босқичма-босқич олиб борилаётган амалдаги ифодасидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2007 йилни айнан Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилиниши давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, аввало, халқ турмушининг фаровонлиги, орзу ва интилишларининг тўлиқ юзага чиқишига ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган.

(Давоми 8-бетда).


2 КОНКУРС: РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ТУР
МЕСТО ВСТРЕЧИ – ПОЛИГОН


4 ИДЕТ ЗИМНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА
ПО СИГНАЛАМ БОЕВОЙ ГОТОВНОСТИ


11 ҚИСМ КУТУБХОНАСИДА
БЕБАҲО ХАЗИНА БУНДА ЖАМ


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
«ОНАМ АЛЛАСИДАЙ ҲАЗИН ВА МАЙИН...»

КОНКУРС НА ЗВАНИЕ ЛУЧШЕГО ПО ПРОФЕССИИ В ВООРУЖЕННЫХ СИЛАХ

15

МЕСТО ВСТРЕЧИ – ПОЛИГОН

Вот уже второй год подряд полигон Центрального военного округа становится местом проведения республиканского тура конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах нашей Родины. В течение недели претенденты на звание «Лучший командир батальона», «Лучший командир взвода», «Лучший командир группы» и «Лучший сержант», победившие в своих округах, Караульных войсках МВД, Пограничных войсках КОГГ СНБ, других подразделениях, имели возможность померяться силой интеллекта, воинской выучки и физической подготовленности.

НОВЫМ ТРАДИЦИЯМ – КРЕПНУТЬ И ПРИУМНОЖАТЬСЯ

Слова Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И.А.Каримова: «**Профессионализм армии заключается прежде всего в воспитании и укреплении у военнослужащих твердых жизненных позиций, а также патриотического мировоззрения и высокого военного мастерства и профессиональных навыков в обладании и использовании доверенного им оружия и техники**» – стали своего рода лейтмотивом данного конкурса. Лучшие из лучших военных профессионалов, безо всякого преувеличения, цвет нашей армии – эти люди были искренне рады возможности проверить себя в деле на самом высоком уровне. Не случайно оказался явным рост боевого мастерства участников данного этапа конкурса. Например, капитан Миразиз Мирахмедов два года назад победил среди командиров взводов, а сейчас уже спорил за первенство в числе командиров батальонов. Младший сержант Жасур Рашидов с завидным постоянством третий год подряд выходит в финал во многом благодаря тому, что должность инструктора по горной подготовке в школе подготовки сержантов не позволяет давать себе послаблений. Но здесь всегда немало и новых героев. Например, лейтенант Шерзод Рашидов стал в прошлом году открытием конкурса, с большим отрывом опередив соперников в споре за звание лучшего командира группы. Познавательно было понаблюдать и за реакцией представителей команд, которые не только горячо «болеют» за своих конкурсантов, но и активно изучают опыт лучших, чтобы на будущее внести свои коррективы в процесс боевой подготовки.

Выступивший на открытии перед конкурсантами первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор Виктор Махмудов подчеркнул: «Решающая роль в реализации задач реформирования Вооруженных Сил, обеспечения их высокой боевой готовности принадлежит военнослужащим по контракту офицерского и сержантского состава. От вас во многом будет зависеть будущее наших Вооруженных Сил и нашего государства. Ваш авторитет и способность руководить людьми во многом будут зависеть от того, насколько уверенно вы ориентируетесь в сложной обстановке, деловиты и внимательны к людям, опираетесь на коллектив в решении стоящих задач. На какой бы должности вы ни находились, вы должны смелее брать ответственность на себя, проявлять инициативу в каждом порученном деле, служить примером».

По словам командира танка младшего сержанта Хатама Нахалбаева, которому была оказана честь поднятия флага состязаний, эти напутствия стали и для него вдохновляющим руководством к действию. С добрыми пожеланиями обратились с трибуны к товарищам и командир батальона капитан Маъмур Ганиев, командир взвода капитан Эркин Ахмедов, командир группы лейтенант Жасур Сагдуллаев и младший сержант Жасур Рашидов.

– Участвую в республиканском финале второй год подряд, в прошлом году удалось одержать победу в номинации «Лучший командир батальона», – делится впечатлениями подполковник Дильшод Сулейманов. – Отрадно, что год от года престижность конкурса все возрастает, а также все упорнее становится соперничество.

Следует отметить и большую подготовительную работу, проделанную командованием ЦВО и личным составом воинской части, где служит офицер Фуркат Исмаилов. Помимо организации размещения, питания конкурсантов, оперативно решались и вопросы проведения всех испытаний.

АРМИЯ СИЛЬНА ИНТЕЛЛЕКТОМ

В справедливости этих слов еще раз можно было убедиться во время собеседований со всеми категориями участников, проведенных под руководством офицера Джалолитдина Атабуллаева. Например, выпускник Академии Вооруженных Сил подполковник Дильшод Олимов отвечал на целый ряд вопросов о главных задачах реформирования армии, о противодействии силам международного терроризма и экстремизма. Таково требование времени: офицер сегодня должен не только обладать прекрасными военными знаниями, но и быть всесторонне эрудирован, четко ориентироваться во внешнеполитической обстановке.

Вот и командирам взводов во время решения тестов попадались вопросы не только по специфике их службы, но и по истории Узбекистана, сегодняшней ситуации в мире и регионе. Принимавший тестовые задания офицер Муртаза Байрамов отметил высокий уровень подготовленности капитанов Акмальжона Рахимова и Акромжона Бердиева. А офицер Вахобжон Расулов, проверявший тактические задания командиров групп, высоко оценил лейтенантов Андрея Голышева, Ахрора Эргашева и Шавката Хусанова.

Высокий уровень интеллекта показали и представители караульных войск МВД. По отзыву члена комиссии, офицера Сергея Крюкова, среди командиров батальонов майор Одилжон Абдурахимов правильно ответил на все сто вопросов, а майор Хасан Абдукаюмов – на 99 из ста вопросов, причем оба затратили на ответы не более 45 минут вместо отведенных трех часов. По словам представителя комиссии офицера Мансура Муминова, отличные знания общественно-политической обстановки в мире, истории Узбекистана показали командир взвода из СЗВО старший лейтенант А.Газаров и младший сержант Д.Умурзаков из ТВО.

КРЕПНЕТ ВОЙСКОВОЕ БРАТСТВО

Помимо чисто технических результатов ежегодно проводимого республиканского финала конкурса на звание лучшего по профессии следует особо отметить и укрепление год от года сплоченности видов Вооруженных Сил. Состязания стали отличным поводом для отработки вопросов взаимодействия, понимания специфики служебно-боевой деятельности боевых товарищей из разных силовых ведомств.

Даже на состязаниях по военному троеборью, где участники показывали свое мастерство ведения огня из стрелкового оружия, в метании гранат, выполнении упражнений на перекладине и преодолении полосы препятствий, кроссе на 3 и 5 километров, явно ощущался командный дух. По поводу уровня судейства в стрелковых дисциплинах ни у кого не возникало сомнений, ведь руководили на этих местах мастера спорта международного класса по пулевой стрельбе капитаны Энвер Османов и Олег Морозов из МХСК. Чемпиону Азиатских игр 1994 года капитану Энверу Османову желающие могли задавать вопросы по стрельбе из пистолета, а капитан Олег Морозов был готов дать свои советы в стрельбе по движущимся целям.

Капитан Анвар Хамидов из ТВО быстрее всех пробежал кросс на три километра среди командиров взводов, а затем охотно делился секретами выработки скоростной выносливости со своими соперниками. Кстати, погода все же внесла свои коррективы в состязания: например, стрельбу не смогли провести в назначенное время по той причине, что густой туман скрыл мишени для стрельбы из автомата, да и пистолетные – просматривались с трудом. Вот и на кроссе туман повлиял на конечные результаты.

– Особенно порадовался за достижения сержантского корпуса, – говорит представитель пограничных войск КОГГ СНБ подполковник Дониер Уразов. – Например, на дистанции трехкилометрового кросса, как и в прошлом году, лучшее время показал наш представитель. Дело даже не в этом, во время собеседования с сержантами из разных видов наших Вооруженных Сил обратил внимание на то, как за этот год повысился уровень их интеллектуальной подготовки. А значит, в школах подготовки сержантов оперативно извлекли уроки из задач, поставленных в Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Абдуганиевича Каримова. Сержанты реально становятся первыми помощниками офицеров в воспитании и обучении личного состава.

Достойно проявили себя в ходе конкурса выпускники Академии Вооруженных Сил. Для майора Орифа Илмияминова защита задания тактической летучки стала еще одним поводом проявить на деле полученные знания и навыки. Не сплоховал офицер и на огневом рубеже в стрельбе из пистолета.

В ходе многочисленных бесед с представителями прибывших на конкурс команд они не раз подчеркивали, что полигон стал для них местом укрепления сплоченности видов Вооруженных Сил, боевого братства. Победители прошедшего республиканского тура скоро будут названы, однако одно ясно уже сейчас – здесь не было побежденных конкурсантов. Каждый участник, независимо от занятого им места в итоговом протоколе, увез с собой неоценимый багаж новых знаний и навыков, новое понимание задач по реформированию нашей армии в духе требований времени.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**















САМАРИН Николай Васильевич



11 декабря 2006 года на 53-м году жизни после тяжелой и продолжительной болезни скончался полковник в отставке Самарин Николай Васильевич. Безжалостная смерть вырвала из наших рядов достойного защитника Родины, который с первых дней Независимости принимал активное участие в процессе создания и формирования национальных Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Им внесен значительный вклад в процесс развития и внедрения современных компьютерных информационных технологий в систему оперативной подготовки органов управления и войск, развитие отечественного оперативного искусства и штабной культуры. Даже после ухода в отставку по состоянию здоровья в ноябре 2003 года, Самарин Н.В. не прервал связи с армией и продолжил свой трудовой путь в качестве служащего Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Его глубоко уважали за трудолюбие, широкую эрудицию, богатый жизненный опыт, профессионализм и ответственность, требовательное и доброжелательное отношение к подчиненным, проникнутое духом товарищества и взаимопонимания.

Руководство Министерства обороны и Объединенный штаб Вооруженных Сил Республики Узбекистан, генералы и офицеры, друзья, товарищи и сослуживцы с глубоким прискорбием выражают соболезнование родным и близким полковника в отставке Самарина Николая Васильевича.

Светлая память о нем навсегда останется в наших сердцах.

ДАДАБОЕВ Шердил Васижонович



Подполковник Шердил Дадабоев ўз билим ва маҳоратини Миллий Армиямизнинг тикланишига, нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшган офицерлардан эди. У умрининг сўнги кунларига қадар Қуролли Кучларимиз сафида хизматда бўлди.

1992 йилда Олий ҳарбий билим юртини битирган ёш офицер мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Ватан озодлиги, тинчлигини асраш учун бел боғлади. Исми жисмига монанд Шердил Дадабоев Ватан буюрган қайси гўшада хизмат қилмасин ўзбек йигитининг қай даражада матонатли ва жасоратли ишларга қодир эканлигини намоён эта олди. Касбий маҳоратда устунлиги, интеллектуал салоҳиятда устуворлиги сабаб бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Армиямизнинг профессионал шаклланувига, Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигига улкан ҳисса қўшди.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини муваффақиятли тугатган тажрибали офицер ҳақиқий командир, етакчилиги билан ҳам ажралиб турарди. Унинг қўл остидаги шахсий таркиб ҳар бир йўналишда олдинги сафларни эгаллаб келган.

Подполковник Шердил Дадабоевнинг ҳарбий маҳоратдаги устозлик қобилияти сабаб кўплаб ёш офицерлар Ватан ҳимоячилари сафидан муносиб ўрин топган.

Афсуски иқтидорли, забардаст офицер орамиздан эрта кетди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарияти, сафдош дўстлари подполковник Шердил Дадабоевнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради. Унинг ёрқин хотираси доимо қалбимизда.

ИНСОНИЙЛИК – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади». Бу фикрларнинг амалий ифодасини ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимиз халқимизнинг Асосий Қонуни сифатида ўзида демократик, одил тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик ғояларини ҳуқуқий кафолатлади. Қолаверса, унда истиқлолимиз шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиши кафолатланиши кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин.

Конституциямизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши таъкидланган. 22-моддада эса «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди», деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобида ҳар кимнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги келтириб ўтилган. Буларнинг бари қураётган жамиятимиз инсонпарварликка асосланганини кўрсатади.

Фикримизни Мудофаа вазирининг хайрли ва эзгу ишга йўғрилган буйруғи асосида давом эттирсак. Яъни мазкур буйруқ асосида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу Конституциямизда таъкидланганидек, инсонпарварликнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилганидир. Давлатимизнинг, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидандир.

Буйруқ ҳақида бироз тўхталиб ўтадиган бўлсак, унга кўра хизмат бурчини, Конституциявий бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинади. Ҳар бир байрамда, шу жумладан, Ватан ҳимоячилари кунида оталиққа олинган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Айтиш лозимки, буйруққа кўра бундайин оилаларни оталиққа олиши белгилаб қўйилган ҳарбий қисм, мудофаа ишлари бошқарма, бўлимлари вакиллари байрамларда моддий, маънавий ёрдам кўрсатишиб келишмоқда. Гап ёрдам ёки ижтимоий ҳимояда ҳам эмас. Муҳими Ватан, халқ учун жон фидо этган фарзандларнинг доимо хотирланиши, улар руҳларининг шод этилишида. Яъни юқорида таъкидлаганимиз, одамийлигимизда. Ўсиб келаётган ёш авлод бундайин қадриятларимиз таъсирида шаклланади. Маънавияти бойийди.

Таъкидлаш лозимки, Мудофаа вазирининг буйруғи асосида янада шакллантирилаётган бундайин эзгу, хайрли, саховатли ишлар ҳарбийларимиз ўртасида анъанага айланмоқда. Нафақат оталиққа олган ҳарбий қисм ва муассасалар вакиллари, балки сафдошлар ҳам ҳалок бўлган дўстларининг руҳларини шод этиш учун байрамларда уларнинг оилаларига ташриф буюришмоқда. Бош Қомусимизнинг 14 йиллик тўйи тантана қилинаётган шу кунларда ҳам Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган марду майдонлар хотирланади, руҳлари шод бўлади.

Майор Алижон САФАРОВ.

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги

ВАТАННИНГ ТИНЧЛИГИ – ЭЛНИНГ ТИНЧЛИГИ

Маълумки, ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни олдидан 14 декабрдан 14 январгача мамлакатимизда оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу йил ҳам ана шу анъанага мувофиқ, тадбирлар бошланиб кетди.

Ойликнинг илк анжумани шу йилнинг 14 декабрь куни пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди. Бу йилги тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки яна бир ойдан сўнг Қуролли Кучларимиз ташкил топганига ўн беш йил тўлади.

Анжуманда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М. Аҳмедов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотлар йўлида», Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси полковник А. Абдуқаҳҳоров «Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва ватанпарварлик тарбиясида Президент И. А. Каримовнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласининг тутган ўрни ва унда ташкилотнинг роли», Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар Бош бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник Х.Жуманазаров «Президент И. А. Каримовнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи – Қуролли Кучлар тарихини ўрганиш учун манба», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова «Ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясида ҳаракатнинг роли» деган мавзуларда маъруза қилишди.

Анжуманда юрт тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлашда Қуролли Кучларнинг роли беқиёс эканлиги таъкидланди.

Анжуман ишида давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари иштирок этишди.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҚОМУСИМИЗ – ИСТИҚБОЛИМИЗ

Изучаем доклад Президента

К ОБЩЕСТВУ, ДОСТОЙНОМУ НАШИХ ИДЕАЛОВ

В глубоко аргументированном программном докладе Президента страны Ислама Каримова, с которым он выступил на торжественном заседании, посвященном 14-летию Конституции Республики Узбекистан, всесторонне проанализированы стратегия наших реформ, процессы углубления демократии в обществе, обобщены достижения Года благотворительства и медицинских работников и намечены задачи на ближайшее будущее.

Доклад имеет прежде всего огромное теоретическое значение в деле строительства правового, демократического государства с развитой рыночной экономикой. Он своим научным обобщением и всесторонним анализом особо подчеркивает неразрывную связь разработанных и принятых законодательных актов с требованиями и нормами Основного закона государства, который выступает правовой гарантией демократического развития страны. Важно и то, что в докладе еще подтверждается конституционная стратегия, в центре которой личность, конкретный человек с его нуждами и интересами. Приоритетность конституционных норм и принятых в соответствии с Конституцией законов является той базой, на основе которой утверждаются мир, стабильность, гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие в стране.

Говоря о стратегии строительства нового общества, глава нашего государства формулирует два главных принципа:

«Первый – критический анализ всесторонне оправдавшего себя опыта развитых демократических государств и внедрение его в процесс построения нового общества в нашей стране.

Второй – учитывать древнюю и богатую историю нашего народа, его духовные ценности, традиции, обычаи, которые наши предки сохраняли и оберегали в течение многих столетий, которых сегодня придерживаемся и мы, всегда помня о том, что являемся обладателями великого наследия, не утрачивая самосознания в любых обстоятельствах и испытаниях, воспитывая своих детей в том же духе».

Здесь, думаю, уместно подчеркнуть, что подъем национального самосознания был вызван независимостью. А оно, в частности, выразилось и в усилении внимания к нашему прошлому, к нашей богатейшей истории, к обычаям и традициям народа, к нашему национальному достоянию.

Принципы, сформулированные Президентом страны, имеют принципиальное значение. Последовательное претворение их в жизнь является важнейшим условием нашего развития по пути обновления и прогресса.

Доклад главы государства имеет огромное политическое значение. Он наглядно показывает всему миру нашу приверженность эволюционному, поэтапному пути развития и, как следствие этого, дальнейшее углубление процессов демократизации общества и государства. Это нашло свое конкретное выражение в предложенном Президентом страны Законопроекте «Об усилении роли политических партий в обновлении и демократизации государственного управления и модернизации страны».

Важность этого законопроекта состоит в том, что он своевременен, его требует сама жизнь, необходимость дальнейшего продвижения по пути прогресса и демократического обновления общества. Вынесенный на всенародное обсуждение законопроект работает на гражданское общество. Он не только усиливает роль партий в жизни общества, но и создает условия для создания конструктивной оппозиции и, что особенно важно, наделяет более широкими полномочиями депутатов областных, городских советов по осуществлению контроля за деятельностью областного или городского руководителя. И в то же время депутаты будут более ответственными и подотчетными своему электорату.

Принятие этого законопроекта подтвердит наше поэтапное продвижение в деле строительства правового, демократического государства, гражданского общества, послужит превращению партий в реальную силу преобразования нашего общества и еще больше повысит политическую и деловую активность нашего народа.

Доклад Президента И.А.Каримова имеет огромное практическое значение. В нем подведены итоги Года благотворительства и медицинских работников. Они вдохновляющие. В документе четко сформулирована стратегия действий в 2007 году, который определен главой государства как **Год социальной защиты.** С практической точки зрения он подтверждает стратегическую линию государства, закрепленную в Конституции и ориентированную на личность, на конкретного человека, повышение его правового статуса, его роли в обществе и государстве и его благополучия.

> ПРИОРИТЕТНОСТЬ КОНСТИТУЦИОННЫХ НОРМ И ПРИНЯТЫХ В СООТВЕТСТВИИ С КОНСТИТУЦИЕЙ ЗАКОНОВ ЯВЛЯЕТСЯ ТОЙ БАЗОЙ, НА ОСНОВЕ КОТОРОЙ УТВЕРЖДАЮТСЯ МИР, СТАБИЛЬНОСТЬ, ГРАЖДАНСКОЕ, МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ И МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ В СТРАНЕ.

В условиях переходного периода, когда идет активный процесс формирования основ гражданского общества, вопросы социальной защиты приобретают, можно сказать, решающее значение как с точки зрения внутренней – идет непрерывный процесс повышения благополучия всех слоев населения, так и с точки зрения международной – он выбивает почву из под ног некоторых западных недоброжелателей. Но, пожалуй, самое главное достоинство этой политики состоит в том, что она является мощным стимулом повышения деловой активности населения, а значит – роста экономики, совершенствования всех сторон нашей общественной жизни.

Мы гордимся своей социальной политикой. Но, как заметил в своем докладе глава нашего государства, отмечая достижения в этой сфере, следует также признать и наличие актуальных вопросов, многих проблем, которые необходимо решать. Разрабатываемая правительством программа Года социальной защиты, основные приоритеты которой уже указаны Президентом, призвана учесть все эти проблемы в интересах наиболее полного удовлетворения потребностей наших людей.

Доклад главы государства имеет огромное духовно-нравственное значение. Он дает в руки органов воспитательной работы, идеологического, духовно-просветительского актива оружие огромной политической силы и воздействия. Возьмем для примера только один факт из доклада Президента страны. Он говорит: **«Если в 2006 году общие затраты государственного бюджета на социальную сферу и социальную поддержку населения составили 51 процент, то в предстоящем году этот показатель будет равен 54,1 процента. Объем затрат на социальные пособия семьям, включая имеющих детей, в бюджете 2007 года составляет 7 процентов».**

Предметом особого разговора должны стать правовые вопросы, поднятые в докладе. Конституция, провозглашая человека как высшую ценность, политически, законодательно оформляет сбалансированное решение вопроса взаимоотношений между гражданином, обществом и государством. И это находит свое дальнейшее, более демократическое решение вопроса в предложенном Президентом страны законопроекте о повышении роли политических партий. Несомненно, вся эта работа послужит дальнейшему повышению политической и деловой активности населения, укреплению в обществе мира и согласия, доброты и милосердия.

Доклад главы государства имеет и огромное мобилизующее значение. Каждый, кто ознакомился с его текстом, несомненно, почувствует гордость за нашу независимую Родину, нашу благодатную землю и наш талантливый, трудолюбивый народ и еще сильнее, обостреннее проникнется чувством единения, уважения и дружбы к каждому человеку. И тогда смехотворными и не имеющими реальной почвы предстанут утверждения госдепартамента США, причислившего Узбекистан к странам, вызывающим особую озабоченность в сфере соблюдения религиозных свобод.

В Узбекистане с первых дней независимости все делается для того, чтобы сохранять и развивать национальные традиции, возрождать родные языки и культуры проживающих в республике народов. Здесь создаются самые благоприятные условия для свободы вероисповедания. А толерантность исторически присуща народу Узбекистана. И доклад Президента, идя в русле этой вековой традиции, тем самым усиливает свою мобилизующую роль для всех населяющих Узбекистан наций и народностей, считающих себя узбекистанцами и кровно заинтересованных в дальнейшем поступательном продвижении Узбекистана по пути реформ, углубления демократии и конституционной защиты прав и свобод всех наших граждан, живущих единой, дружной и сплоченной семьей.

Воины-узбекистанцы с огромным вниманием и глубоким интересом изучают доклад главы нашего государства. Вновь и вновь обращаясь к его проникновенным строкам, они проникаются чувством гордости за свою независимую Родину и глубже осознают историческую роль и предназначение Вооруженных Сил. Это осознание существенно расширяет горизонты их видения, позволяет по-новому оценить все, что сделано и что предстоит сделать для укрепления обороноспособности страны, повышения боевой готовности Вооруженных Сил. И главное здесь – чувство личной ответственности за все, что тебе поручено – за безопасность страны, за мир и благополучие народа. Такой и должна быть позиция настоящего защитника нашей независимой Родины.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБЛАР

ЮТУҚЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаи барча юртдошларим сингари мен ҳам таъсирландим. Ҳақиқатдан ҳам, Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда ҳар қандай натижаларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир. Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда ҳар бир соҳада тубдан ўзгариш ва янгиланиш бўлди. Кўплаб ютуқларни қўлга киритдик. Биз эришаётган ушбу натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Қилинаётган ишларнинг барчаси ўзининг мазмун моҳияти ва аҳамиятига кўра ўзаро чамбарчас боғланиб, айнан аҳоли манфаатларини таъминлашдек мақсадга хизмат қилиб келаяпти. 2007 йили Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда инсон манфаатларининг устун эканлигини кўрсатади. Президентимиз ўз нутқида бу борада юртимизда амалга оширилаётган ана шу эзгу ишларимиз самараси ҳақида батафсил тўхталган. Мен маърузани тинглаб, мамлакатимиз бундан-да ривожланиб жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашига ишондим.

Катта лейтенант Баҳодир МЎМИНОВ. Фарғона шаҳри.

ЯШАМОҚ САОДАТДИР

Кўплаб юртдошларимиз қатори биз ҳам оила аъзоларимиз билан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир» деб номланган маърузасини гоят катта қизиқиш билан тингладик. Мазкур маърузани тинглар эканман, республикамиз ҳаётида амалга оширилган кўпдан кўп улкан ижобий ўзгаришларни бутун дунё тан олаётганидан шу юртнинг фарзанди сифатида кўнглим тоғ қадар юксалди.

Ёдимизда, эндигина мустақилликка эришган ёш давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашлар ҳам кўп бўлганди. Бугун Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти модели республиканинг буюк келажагига мустаҳкам асос солганини мисли сиз ютуқлари билан оламга намоён этди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номлаш таклифини тўла қўллаб-қувватлар эканман юртимизда инсон манфаатлари ҳамиша биринчи галдаги устувор вазифа бўлиб келганига яна бир бор амин бўлдим. Бундай юртда яшамоқ саодатдир, меҳнат қилиб эл ободлигига ҳисса қўшмоқ, эртасидан кўнгли тўқ фарзандлар тарбияламоқ саодатдир. Ўзбек элининг қудрати шу тариқа ошаверсин, байрамлари байрамларга улансин.

Истеъфодаги майор Ғайбулла ОЛИМОВ. Китоб шаҳри.

ДЕНГИЗ УЗРА СУЗАЁТГАН МАЁҚ

Биз ҳарбийларнинг севимли ва қадрли нашримиз бўлмиш «Ватанпарвар» газетасидан Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини ўқиб, жуда қувондим. Ва бу қувончимни сизлар билан баҳам кўришга қарор қилдим. Ўзимнинг хаёлимдан кечган фикрларни газетамиз орқали билдирмоқчиман.

Мустақилликка эришганимизга унча кўп бўлмаган бўлсада, барча соҳаларда катта-катта ютуқларга эришдик. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, шаҳар ва қишлоқларимиз обод. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларимиз учун барча эшиклар очиқ. Бунинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг оқилона ҳимоя қилинишида деб биламан. Ҳаётимиз қонуси ҳисобланмиш Конституциямизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган моддалар бугун ўз натижасини берди. Президентимиз томонидан 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам фуқароларимизнинг ҳаётини янада фаровон бўлишига, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда катта замин бўлади, десам муболага бўлмайди. Мамлакатимизда эркин ва фаровон жамият ҳукм сурар экан, Юртбошимиз бошчилигида ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришишимиз аниқ. Мен бунга ишонаман.

Кичик сержант Зоҳир ОЧИЛОВ. Тошкент шаҳри.

ИНСОН МАНФААТИ МУЖАССАМ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб ниҳоятда таъсирландим.

Чет эллардаги таниқли сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғишмай амал қилса, албатта келажаги буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг замирида халқ фаровонлиги. инсон манфаати мужассамдир. Масалан, йилларнинг ўзига хос тарзда номланишини олсак, қайси йилга қандай ном берилишдан қатъи назар – бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, соғлом авлод тарбияси, маҳаллаларимизни обод қилиш ёки қарияларни қадрлаш бўладими, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-мурувват, инсонпарварлик руҳини кучайтириш бўладими – буларнинг барчасини бирлаштирадиган ўзига хос мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини англаш, одамлар оғирини енгил қилишга қаратилган интилишлар яққол намоён бўлмоқда. Келгуси 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишида ҳам ўзига хос хислат бўлиб, аввалги йилларда бошланган ижобий ишларни давом эттиришга қаратилгандир.

Майор Даврон МАТЁҚУБОВ. Янгийўл шаҳри.

БАЙРАМ САДОЛАРИ

МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Офицер Олег Зокиров бошчилик қилаётган Тошкент гарнизони Офицерлар уйида Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондонлиги вакиллари, ҳарбий қисм шахсий таркиби ва ҳарбий шаҳарча аҳолиси, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирокидаги тантанали митингда нутқ сўзлаганлар давлатимизнинг Асосий Қонуни, унинг инсонпарварлик тамойиллари асосида тузилганлиги ва айнан инсон манфаатлари учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бош Қомусимиз қабул қилинган сана муносабати билан намунали хизмати ва фаолиятидаги муваффақиятлари, жанговар шайликни оширишдаги муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ҳарбийлар ва Қуролли Кучларимиз хизматчилари Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Маданият уйига қарашли «Тенгдош» ашула ва рақс ансамбли аъзоларининг чиқишлари тадбирга янада байрамона руҳ бағишлади.

Қуролли Кучлар хизматчиси Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

ДНЮ КОНСТИТУЦИИ ПОСВЯЩАЕТСЯ

В воинской части, где заместителем командира по воспитательной работе офицер Ахрор Абдурахманов, на торжественном построении был зачитан праздничный приказ о поощрении личного состава. На митинге, посвященном Дню Конституции, почетными грамотами были награждены младшие сержанты М.Тошев, Ш.Кашкабаев, рядовой срочной службы М.Саматов, благодарственные письма были отправлены родителям рядовых срочной службы А.Машарипова, У.Сапаева. Рядовым срочной службы С.Култураеву и Ф.Каримову были объявлены краткосрочные отпуска.

Затем состоялись соревнования на первенство воинской части по различным видам спортивных дисциплин. Переходящий Кубок части вновь остался во взводе, где командиром старший лейтенант Ф.Юлдашев. Успех команде принесли рядовые срочной службы А.Ахмедов, Д.Нурмуродов, А.Азизкулов, Ж.Тагаев, О.Туйчиев, Ж.Бобокулов и У.Юсупов.

После спортивно-массовых мероприятий состоялась интеллектуальная игра «Знаете ли свои права». Здесь более активными и грамотными оказались подчиненные капитана Б.Бекбаева, лейтенанта Х.Солиева.

Майор З.ХАЙРИТДИНОВ.

ФАЙЗЛИ ЎТГАН ТАНТАНА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан барча жойда бўлгани каби Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ҳам байрам шодиёналари бўлиб ўтди.

Жумладан, Тошкент гарнизонидаги офицер Толибжон Камолов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам байрамона тадбир уюштирилди. Қисм командири тадбирни кириш сўзи билан очар экан, клубни тўлдириб ўтирган шахсий таркибни бугунги тантана билан қизғин қутлади ва асосий қонунимиз бўлган Конституциянинг инсонпарварликка асосланган жамиятимизда нечоғлик муҳим ўрин тутишини алоҳида тилга олди. Шунингдек, унда иштирок этаётган Мудофаа вазирлиги ва Тошкент ҳарбий округи масъул офицерлари, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ҳамда ҳарбий қисм офицер, сержант ва муддатли хизмат оддий аскарларидан ҳам баъзилари сўзга чиқиб, бу куннинг аҳамияти, умуман, Конституция ҳаётимизда қанчалик асосий ўрин тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат эканини таъкидлашди.



Бир қатор ўз ишининг устаси бўлган илғор ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар хизматчиларига қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди. Байрам муносабати билан қисм миқёсида ўтказилган стол тенниси, волейбол, футбол ва енгил атлетика машғулотларидан иборат спорт мусобақаларида эса энг илғор гуруҳ деб, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ўрол Муродов сардорлигидаги посбонлар топилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга байрамона концерт дастури тақдим этилди.

Капитан Ғанишер ЯКУБОВ.

«КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Мамлакатимиз Бош Қомусининг 14 йиллик байрами Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ҳам кенг миқёсда нишонланди. Ноябрь ойининг охиридан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда адлия ходимлари, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Конституция сабоқлари», «Конституция ва миллий қадриятларимиз», «Ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати», «Келажагимизнинг мустаҳкам таянчи», «Аёл ва ҳуқуқ» каби мавзуларда суҳбат ва мунозаралар, семинарлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ранси Арзибике Жанибекова, «Маънавият тарғибот маркази» ранси Улмамбет Хўжаназаров, «Нуроний» жамғармаси ранси Жалил Муятдинов, ҳарбий прокуратура ходими офицер Ражабали Жўраевлар ва бошқалар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Асосий Қонунимиз, кўплаб ҳуқуқий масалалар таҳлили, шарҳи офицерлар, сержант ва аскарлар, Қуролли Кучлар хизматчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркиби орасида ўтказилган «Конституция – бахтимиз пойдевори» танлови, кутубхоналардаги байрамга бағишланган кўргазмалар ҳам посбонларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилди.

Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишланган байрам тантанасида ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Муроджон Гофуров, ҳарбий прокурор подполковник Пўлат Қурбанниязов, округ штаби офицерлари, маҳаллий ҳокимият ва муассасалар масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Йиғилиш сўнггида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, кўп сонли меҳмонлар учун Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳурлиман» ансамбли, Нукус давлат педагогика институтининг «Турон» ижодий жамоаси, 16 ўрта мактаб ва болалар боғчаси тарбияланувчилари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Подполковник Шуҳрат ТЎХТАЕВ.

УЛУҒ АЙЁМ ШОДИЁНАСИ

Ўзбекистон Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар офицер Назиржон Саидов хизмат қилаётган сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бўлиб ўтди.

Дастлаб барча шахсий таркиб Сержантлар тайёрлаш мактаби тарбиявий ишлар ва ўқув бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган амалий анжуманга таклиф этилдилар. Анжуман иштирокчилари офицерлар Б.Чориев, Ф.Худойназаров, Ш.Бобомуродовлар томонидан тайёрланган, Конституциямизнинг яратилиши ва қабул қилиниши тарихи унда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари, Қуролли Кучларимиз вазифаларининг ёритилиши хусусидаги маърузалардан баҳраманд бўлдилар.

Анжуманнинг кўтаринки руҳда ўтишида офицер С.Крутиков, кичик сержант Д.Каримов, кутубхона мудираси Л.Борисовалариинг ҳам хизматлари катта бўлди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Чирчиқ шаҳар кенгаши аъзолари, 26-ўрта мактабининг юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган бадиий ҳаваскорлик тўгараги иштирокчилари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари қатнашишди.

«Камолот» ЁИҲ Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Ж.Носиров сўзга чиқиб, жамиятимиз ҳаётида ёшларнинг муносиб ўрин эгаллашлари учун ташкилот томонидан олиб борилаётган ишлар, хусусан бу борада сержантлар тайёрлаш мактаби билан йўлга қўйилган кенг ҳамкорлик муносабатларининг ижобий натижалари ҳақида гапирди. Ва ташкилотнинг махсус байрам совғалари илғор курсантларга тантанали равишда топширилди.

Сержантлар тайёрлаш мактаби офицери Н.Воҳидов билан ўтказилган давра суҳбати ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Офицер якунда Президентимиз томонидан «Жасорат» медали билан тақдирланган эди. У бу мукофотни бутун жамоанинг қўллаб-қувватлаши билан қўлга киритдим деб таъкидлади, ўз сўзида.

Байрам тадбири спорт ўйинларига уланиб кетди. 26-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури эса байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Майор И.СОБИРОВ.

«Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!»

ЛОЧИНЛАРНИНГ ҚАНОТЛАРИ САДОҚАТДАН



Мусаффо осмонга, тинч-осойишта ўтаётган кунларимизга шукроналар қиламиз. Табиийки, бунда ҳаво сарҳадларимизни муносиб қўриқлашаётган ҳимоячиларимизнинг улкан ҳиссалари бор. Уларни шунқорлар деймиз, осмонимиз лочинларига менгзаймиз. Парвозларига маҳлиё бўлиб истиқлол сарлочинлари деймиз. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган, истиқлол меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини тугаллаб, сафларга қўшилган, қўшилаётган ўғлонларимизни баралла шундай дейишимиз мумкин. Улар маҳоратда, садоқатда, матонатда ҳеч кимдан кам эмасликларини, ҳеч кимдан кам бўлмасликларини намоён этишиб, миллий армиямизнинг шаклланишига, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларга улкан ҳисса қўшишмоқда.

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Маълумки, Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйи нишонланадиган мазкур ўқув йилида она юрт посбонлари ҳушёрлик ва сергакликни, малака ва маҳоратни янада ошириш, ҳар қандай шароитда ҳам Ватанни, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини кўз қорачиғидек асрашга шай туришни энг асосий вазифа қилиб белгилашган. Ҳа, ҳарбийликни касб қилган, тақдирини бу шарафли иш билан боғлаган мардларга ишонишимиз, таянишимиз мумкин.

Келинг яхшиси буни офицер Элмурод Машрапов хизмат қилаётган қисм мисолида кўриб ўтайлик. Таъкидлаш лозимки, мазкур жамоанинг ўзагини истиқлол меваси бўлган билим юртининг битирувчилари ташкил этади. Қолаверса, қисм ва муассасалар ўртасида ўтказилиб келинаётган танловда тилга олинаётган қисм шунқорлари тўрт маротаба ғолиблик довонини забт этишган. Бу ўз-ўзидан эмас. Бунинг замирида миллий армиямизнинг шаклланув йилларида ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳарбий маҳоратни ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовлардан шараф билан чиқиш, демакки юксак ақл-идрокни, интеллектуал салоҳиятни, маънавий-руҳий хусусиятларни шакллантириш каби устувор вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйганидир.

...Аэродромдаги машғулотлар хонасида командир тегишли хизмат бошлиқлари билан тезкор йиғилиш ўтказмоқда. Даставвал хизмат бошлиқларининг ҳар бири ўзларига тегишли маълумотларни беришди. Дейлик, кимдир намлик даражасини, яна кимдир вертолётнинг техник аҳволи билан боғлиқ ҳолатни, бошқа бирови метеорологик ҳолатни, учиш-қўниш йўлагининг қай даражада шайлигини айтиб командирга ҳисобот берди. Бу маълумотларни командир таҳлил қила туриб, кўнгли тўлган, тўлмаган жиҳатларни бир-бир айтди. Хуллас, машғулотлар хонасида мавжуд вазият обдон таҳлил қилинди. Жанговар вазифа – об-ҳавони разведка қилиш.

Метеорологик хизмат бошлиғи майор Наим Ҳолиқов метеокузатувчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Людмила Джеладзе билан аввало шамолнинг йўналиши, тезлиги, об-ҳаводаги намлик даражаси ва ҳоказоларни аниқлашди. Хуллас, улар берган маълумотга асосан экипаж парвозга тайёрланди.

«Вертолёт парвозга шайлансин!», буйруқ берди командир. Парвоз чамаси 30 минутлар давом этди. Экипаж ерга муваффақиятли қўнгач, яна зудлик билан машғулотлар хонасига командир, хизмат бошлиқлари, учувчилар йиғилишди. Улар орасида яқинда сафларга қўшилган учувчилар ҳам бор. «Демак, келажак давомчиларида шу зайлда тажриба тўплана боради, маҳорат шаклланади», деган фикр ўтди хаёлимдан.

Об-ҳаво разведкаси билан боғлиқ жанговар вазифа адо этилди. Энди командир қўл остидагиларга қандай об-ҳаво шароитида парвоз қилиш,лозимлиги борасида буйруқ, кўрсатмалар берди.

Жамоадаги учувчиларнинг – сарлочинларнинг кўпчилигини яхши танийман. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам парвоз қилиш ва мураккаб шароитларда қўниш ҳадисини олганлардан. Булутли, туманли, қор-ёмғирли об-ҳаводда, мураккаб тоғли шароитда ҳам улар жанговар вазифаларни аъло даражада уддалаб келишмоқда, ахир. Қиш фасли эмасми. Кўпинча ноқулай об-ҳаво ҳукмрон бўлади. Шунинг учун мавсум машғулотларида ана шундайин вазиятларда парвоз қилиш ва қўнишдек вазифаларни ўзлаштириш, бу борада янги-янги кўникмалар ҳосил қилиш керак.

Ниҳоят булутли ҳавода парвоз қилиш борасида буйруқ олинди. Учувчилар мазкур жанговар вазифани аъло даражада бажаришди. Парвозларни бошқариш марказидамиз. Унга подполковник Абдусаттор Маллабоев етакчилик қилмоқда. Унинг ёнида ёрдамчиси Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг битирувчиси катта лейтенант Муҳаммадюсуф Охунжонов. Экипажнинг ҳавога кўтарилиши ва қўнишини улар кузатиб туришибди. Катта лейтенант Охунжонов қўниш зонаси бошқарувини сифатли таъмин этиш учун узатилган маълумотларни таҳлил қилиб, вазифасига киришди. Қўниш майдончасига қанча қолгани, учиш-қўниш йўлагига вертолёт қанчалар тўғри келаётгани ва бошқаларини яна бир бор аниқлади. Яқин зонадаги бошқарувчи катта лейтенант Машраб Мирзаев вертолётнинг ҳаводаги координатлари, йўналишини мунтазам кузатмоқда. Навбатчи планшетчи кичик сержант Шодмон Турдиев эса вертолётнинг қандай баландликда, қандай йўналишда кетаётганини ҳар лаҳзада ҳисоблаб, парвозларни бошқарув марказига узатмоқда. Қуролли Кучларимизда 11 йилдан бери хизмат қилиб келаётган бу профессионал ўз касбининг ҳақиқий устаси.

Экипаж командири 3-тоифали учувчи капитан Ҳусниддин Нуриддинов истиқлол меваси бўлган билим юртининг битирувчиларидан. Ҳозиргача унинг парвозлари 400 соатдан ошган. Тажрибали учувчи ноқулай об-ҳаво шароитида – қорли, ёмғирли, туманли об-ҳавода ҳам вертолётни моҳирона бошқара олади. Биз унинг янги ўқув йилидаги мақсадлари ҳақида сўрадик.

– Мураккаб об-ҳаво шароитида парвозларни амалга оширишни пухта эгаллашни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бунинг учун аввало учувчи парвоз олдидан радиоприборларнинг ишлашини яна бир бор текшириб кўриши лозим. Масалан, компас, навигациявий мосламаларни кўздан кечирамиз. Метеорологик шароитни аниқ ва ўз вақтида баҳолай билишимиз керак. Мана шу сингари билим ва тажрибаларни пухта эгалласам, айни ўқув мавсумида мураккаб об-ҳаво шароитида бемалол парвоз қиламан, жанговар вазифаларни сифатли адо этаман. Ҳа,касбий маҳоратни тобора оширишни мазкур жамоада ҳар бир посбон ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ниҳоят капитан бошчилигидаги экипаж жанговар вазифани бажариш учун самони қучишга шайланган лочинлардек кўкка интилишди. Хизмат жараёни, ўқув машғулотларида вертолётчиларнинг юксак касбий маҳорати, малакасини яна бир бор ҳис қилдик. Янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўришганини, юрт ҳимоясини муқаддас бурч деб билишларини англадик. Энг муҳими уларда Ўзбекистонидан, истиқлолидан, миллий армиямиздан фахрланиш, ғурурланиш ҳисси юксаклигини билдим. Садоқат, матонат, жасорат каби улуғвор туйғулар лочинларимизнинг қаноти эканлигини англадим. Бу мустаҳкам қанотлар билан эса ҳали юксак-юксакликлар забт этилажак.

Майор Сафар АЛИЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ҲАРБ ИЛМИНИ ЎРГАТАР УСТОЗ

Офицер Орзумурод Содиқов ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан тақдирланган ватандошларимиз сирасидан. Қуролли Кучларимиз сафларидаги кўп йиллик намунали хизмати, ибратли фаолияти сабаб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

...Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Шароф» маҳалласида истиқомат қилувчи Халил ака ва Дилором опалар ҳозирда қарилик гаштини суришмоқда. Фарзандларидан кўнгли тўқ, хотиржам ота-она уларнинг ҳар бири билан фахрланади.

Ҳар нарсага қизиқувчан, илмга чанқоқ Орзумурод ўқувчилик пайтларидаёқ касб танлаш борасида ҳеч иккиланмаган. География ҳамда чақириққача ёшларни тайёрлаш дарсларини ниҳоятда севиб, ҳарбийлик ва ҳарбийлар билан боғлиқ ҳар қандай маълумот, янгиликни бутун танаси «қулоқ»ка айланган ҳолда тинглар экан, ўзини фақат ўша касб вакили сифатида тасаввур қиларди. Қад-қоматлари келишган, савлатли, қадамлари шахдам ва ҳаракатлари дадил офицер кўз ўнгида гавдаланарди. Ўғлининг хоҳиш-истагидан хабар топган ота-она бундай фикрни унчалик маъқуллашмади. Бироқ шаштидан қайтмас йигит Россиядаги олий ҳарбий билим юртида таҳсил олиб қайтди.

Турли лавозимларда хизмат қилган офицер О.Содиқов мана олти йилдирки, Қуролли Кучлар Академиясида ҳарбий география фани катта ўқитувчисидир.

– Биламизки, азал-азалдан жанг олиб бориш санъатини мукаммал ўзлаштиришда ҳар бир жойнинг географияси, табиий ўзига хослиги, рельефи, иқлимининг ўрганилишига алоҳида аҳамият берилган. Чунки ҳарбий хизматчи, айниқса, командир мазкур маълумотлардан воқиф бўлиши, уларни таҳлил қила олиши ҳамда улардан унумли фойдалана билиши керак, – дейди устоз офицер.

Ўз касбининг устаси бўлган офицер Содиқовдан ҳарбий география сир-асрорларини ўрганган Академиянинг кўплаб тингловчилари юртимизнинг турли гарнизонларида хизмат қилмоқдалар. Уларнинг ғалабалари, хизматдаги муваффақиятларидан билим берган ўқитувчи, қолаверса, ҳамкасб сифатида қувонади, у. Ахир устоз қувончи шогирд камолида-да.

Бир қиз ва уч ўғилнинг отаси, меҳрибон ўғил, ўз устида тинимсиз ишловчи ва изланувчан инсон, масъулиятли ва ишончли ҳамкасб, камтарин катта ўқитувчи, давлат мукофоти соҳиби, Ватан ҳимоячиларига сабоқ бераётган юрт посбони – офицер Орзумурод Содиқовга хизматларида муваффақиятлар тилаб, хайрлашар эканман, қуйидаги савол билан мурожаат қилдим:

– Фарзандларингизни сизнинг йўлингиздан боришини истармидингиз?

– Мен касбим, фаолиятим билан доим фахрланаман. Чунки, бу ўта шарафли ишдир. Болаларим ҳарбийликни танлашса, бундан фақат хурсанд бўлардим. Ахир айтадиларку, от изини той босар...

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИДЕТ ЗИМНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

ПО СИГНАЛАМ БОЕВОЙ ГОТОВНОСТИ

Для лейтенанта Шерзода Раббимова, этим летом окончившего учебу в Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище, начало зимнего периода обучения стало серьезным испытанием на командирскую зрелость. Командир группы артиллерийского подразделения при отработке действий по сигналам учебной тревоги в составе батареи сумел проявить себя с лучшей стороны.

Конечно, молодой офицер добился этого успеха прежде всего за счет опоры на младших командиров и солдатский актив. Так, дневальным в ночь испытания стоял призванный этой весной из Ферганы рядовой Нодир Сатторов. Полгода напряженного ратного труда не прошли даром –приняв по телефону установленный сигнал и подтвердив его получение, воин все сделал согласно требованиям уставов и наставлений.

Младшему сержанту Азамату Клычеву понадобилось считанное время для вскрытия оружейной комнаты, выдачи личному составу оружия и подачи команды на вынос боеприпасов. Словом, опыт и умение с первых же мгновений после получения сигнала настроили всех воинов на успешное решение поставленных задач.

Впрочем, и новобранцы осеннего призыва не растерялись в этой ситуации. Рядовые Нуриддин Джураев, Сардор Махкамов и Камол Джураев сноровисто выносили ящики, умело устанавливали светомаскировку в спальном помещении. Таким образом, правильная расстановка опытных воинов на самых главных по значимости участках помогла молодому офицеру с честью выдержать это непростое испытание.

Если в первые дни зимы дело ограничивалось построением и разбором отдельных недостатков по элементам, то ближе к концу недели воины уже выдвигались в парк боевых машин, где готовили орудия к совершению марша в район боевого предназначения. Здесь особенно пригодился опыт командира орудия рядового по контракту Холбозора Кучкарова. Уроженец Камашинского района Кашкадарьинской области этой осенью был оставлен в части после срочной службы, поэтому для него было особенно важно доказать своим командирам, что выбор был сделан правильно.

Старшему наводчику рядовому Фарходу Омонову, занявшему свое место у рампы прицела, не терпится поскорее выехать на полигон для выполнения боевых стрельб. Однако всему свое время. Надо сначала до автоматизма довести навыки в действиях по сигналам боевой готовности, при переводе орудия из походного в боевое положение, научиться четко и умело выполнять многие другие нормативы.

Этот воинский коллектив полон желания доказать соперникам по соревнованию, что молодо – это не всегда зелено. Наглядным примером является успех лейтенанта Алишера Хамдамова, ставшего недавно «Лучшим командиром группы» в округе. Отрадно, что лавры сослуживца не дают спать спокойно честолюбивому молодому офицеру, мечтающему повторить этот успех, а потом и превзойти его. Здоровый дух соперничества является отличной гарантией роста боевого мастерства.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



ДЕЙСТВОВАЛИ УВЕРЕННО

Первые дни нового учебного года в подразделении, где служит старший лейтенант Б. Илхомов, начались с отработки действий личного состава по сигналам боевой готовности. Военнослужащие сразу проявили высокий настрой на неустанное совершенствование своей выучки.

– Взвод, подъем! Тревога! – прозвучала команда дежурного по подразделению младшего сержанта Б. Анарбаева.

В мгновение ока все пришло в движение. И пока младший командир докладывал в установленном порядке дежурному по части, личный состав уже действовал в соответствии с боевым расчетом.

Без излишней суеты расположение покинули посыльные для оповещения офицеров и сержантов. Вслед за ними получили оружие, снаряжение и их сослуживцы, убыв к месту построения подразделения, где им предстояло выполнять последующие задачи.

А тем временем водители уже направлялись в парк боевых машин, где под руководством младшего сержанта Б. Ильясова должны были оперативно подготовить технику к выезду.

К чести водителей, ни одна машина не дала сбоя. Двигатели взревели с первых же попыток запуска. И зимние холода не сумели разладить четкий ритм работы настоящих профессионалов.

Когда все было готово к выходу в заданный район, старший лейтенант Б. Ильхомов остановил занятие. Начался детальный разбор первого этапа действий личного состава.

С лучшей стороны были отмечены четкие и грамотные действия дежурного по подразделению младшего сержанта Б. Анарбаева, младшего сержанта Б. Ильясова. Порадовали своим старательным отношением к делу и подчиненные младшего сержанта Ш. Очилова рядовые М. Турсунов и А. Тошбаев, которые уверенно ориентировались в сложной обстановке и были примером для сослуживцев.

Конечно же, не обошлось и без отдельных недостатков. Их разбору старший лейтенант Б. Ильхомов посвятил большую часть времени. А затем личный состав подразделения продолжил занятие.

Темп боевой учебы взят высокий, настрой очень серьезный. Верится, что воины не снизят его, а, наоборот, с каждым днем будут наращивать усилия для выполнения поставленных задач, тем самым укрепляя боеготовность Вооруженных Сил страны.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ЯНГИ МАВСУМ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Ватан ҳимоячилари хизматида ўта масъулиятли кунлар бошланди. 1-декабрь куни Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмалари шахсий таркиби янги 2006-2007 ўқув йилини катта мақсад ва режалар билан бошлаб юборишди.

Жумладан, офицер Шокир Дўсчанов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам янги қишки ўқув мавсуми кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ўқув мавсумининг биринчи куни бўлиб ўтган митингда ҳарбий қисм шахсий таркиби, Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Марказий ҳарбий округдан офицер Исомиддин Рўзиев ва бошқалар қатнашишди. Улар шахсий таркибни бошланган янги ўқув мавсуми билан табриклаб, посбонларга янгидан-янги зафарлар тилашди.

– Қишки ўқув мавсумига ҳарбий қисм шахсий таркиби жиддий тайёргарлик кўришди, – дейди офицер Илҳом Бегимқулов. – Ўқув-моддий базаси, ҳужжатлар, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, яқинда жанговар сафларга қўшилган ёш аскарлар билан малакали офицер ва сержантларимиз жанговар тайёргарлик ва бошқа машғулотлар бўйича назарий ва амалий сабоқларни олиб боришди.

Ўтказилган саф тайёргарлиги кўриги ҳам юқоридаги фикрларни исботлаб турибди. Ҳар бир ҳарбий хизматчи қишки ўқув мавсумига пухта ва аниқ тайёргарлик кўрган. Посбонларнинг ташқи кўриниши, ҳужжатлари, аслаҳа-анжомлари, қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар жанговар шай ҳолатга келтирилган. Ўтказилган савол-жавоб жараёнида ҳам посбонларнинг назарий жиҳатдан янги мавсумни бошлашга қанчалик тайёр эканликлари текширилди.

Митингда сўзга чиққан, Сурхондарё вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Собир Холмуродов ўз фикрини қуйидагича билдирди:

– Мен ҳозир қаттиқ қаяжондаман. Жанговар сафларга яқинда қўшилган бўлсак-да, мен ва сафдошларим ҳарбий хизмат, умуман армия ҳақида етарли маълумот ва кўникмага эга бўлдик. Мана бугун янги ўқув мавсумини бошладик. Яъни, биз ёш аскарларнинг ҳар томонлама тобланиб, маҳорат ва тажрибамизни оширишимизга, ўзимизни мард ва жасур посбонлар эканлигимизни кўрсатиш, уни амалда исботлашимиз учун катта имконият деб биламан. Ва, сафдошларим билан қўйилаётган жанговар вазифани ўз вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажаришга, бу билан юртимиз тинчлигини, осойишталигини сақлашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланаман.

Сўзга чиққанлардан офицерлар – Холмирзо Муҳаммадиев, Эркин Қодировлар, кичик сержант Отабек Маматсолиев, тиббий хизмат кичик сержанти Нодира Икромовалар ҳам посбонларни янги ўқув мавсуми билан табриклаб, юқори натижаларни қўлга киритиб, мавсумни ёруғ юз ва улкан зафарлар билан якунлашларини тилашди.

Ўқув мавсумининг биринчи куни ўтказилган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти кўргазмали қуроллар, видео техникалари ёрдамида олиб борилди. Унда оддий аскарлар Зафар Қурбонқулов, Санжар Жалолов, Шуҳрат Турсунбоевлар фаол иштирок этишди.

Ҳарбий қисм паркида техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича ўтказилган машғулотларда ҳам посбонлар фаол иштирок этиб, офицер ва кичик командирлар томонидан тушунтирилган назарий ҳамда амалий билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришди.

Ҳарбий қисмнинг жанговар тайёргарлиги бўйича ўтказилган ўқув машғулотларида шахсий таркибнинг тез ва аниқ ҳаракат қилиши, ўз вақтида белгиланган жойга йиғилиши, посбонларнинг ўзига бириктирилган ҳудудни ёқи постни тезкорлик билан эгаллашлари текширилди. Марказий ҳарбий округ масъул офицери И.Рўзиевнинг таъкидлашича, ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳамда техникаси ҳар қандай жанговар вазифани бажаришга шайдир.

Ҳа, янги ўқув йили: «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифадир» шиори остида ўтмоқда. Биз ушбу мавсумни кўтариңки руҳда бошлаган посбонларимизга улкан зафар ва ютуқлар тилаб қоламиз.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

МЎЛЖАЛ ТЎҒРИ, НИШОН АНИҚ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Амин Ҳамроевни сафдошлари, қуролдош дўстлари ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби, ўз ишининг устаси, ишончли ва малакали ҳамкасбдир, у. Вазифаси гранатомётчи бўлмиш Ватан ҳимоячиси офицер Нодиржон Жўраев командирлик қилаётган мотоўқчилар взводининг етакчиларидан. Ўқув йилининг назорат ва якуний синов машғулотларида юқори натижаларни кўрсатиб келаётган кичик сержант бошланган янги ўқув йилини кўтаринкилик билан қарши олди. Албатта, бу сафар ҳам пешқадамлар сафидаги ўрнини мустаҳкамлашни режалаштиргани боис, бутун диққат-эътибори ҳар томонлама билимини оширишга қаратилган.

Дарвоқе, жорий йилда самарқандлик посбон ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Ўз касбига, фаолиятига сидқидилдан ёндашуви, қўйилган ҳар қандай жанговар вазифани аъло даражада бажариши ва бу борада сафдошларига ўрнак бўлаётгани боис кичик сержант Амин Ҳамроев Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланди.

Маълумки, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар муносиб тақдирланган, раҳбарият томонидан рағбатлантирилган кишининг ўз вазифасига муносабати янада ўзгаради. Демакки, қилинган эътирофдан руҳланган ҳолда билдирилаётган ишончни оқлашга бор куч ва билимини сафарбар этади.

Ҳарбий хизматчи учун ҳам бундай эътибор жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу омил унинг жанговар шайлиги, руҳияти ва интилишларига, ўз устида ишлаш ва доимий изланиш борасидаги саъй-ҳаракатларига бевосита таъсир қилибгина қолмай, янги марраларни забт этишда далда, куч бўлиб хизмат қилади.

Демак, турли шароит ва вазиятларда нишонларни аниқ мўлжалга олувчи ва бехато яксон этувчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг «нишон»и аниқ. Бу ҳам бўлса, янги ўқув йилининг синов машғулотлари ва имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишидир. Ўйлайманки, бу сафар ҳам тайёргарликнинг барча турлари бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этилади.



Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШЛАР ТАРИХИДАН

(қадимги даврдан XIV асрнинг биринчи ярмигача)



Бизнинг буюк аждодларимиз эрк ва озодликни ҳамма нарсадан устун қўйган, ўз юртини душманлардан ҳимоя қилиш учун ҳар доим ҳушёр туришган. Ҳарбий тактикани мунтазам ошириб боришган. Бобокалонларимизнинг энг ажойиб жанговар фазилатларидан бири – ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик бўлган. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Абу Муслим, Муқанна ана шундай улуғ аждодларимиздандир.

ШИРОҚ

Саклар қабиласидан чиққан оддий чўпон Широқ милоддан аввалги 519 йилда ўзига хос ҳийла тактикасини қўллаб, Доро I бошчилигидаги эронликлар қўшинини енгган. Широқ қабиласи, уруғдошлари озодлиги йўлида ўзини минг қийноқларга солиб бўлса-да, у душман ишончини қозонди. Душман қўшинини чўл ичига олиб кирганда ғанимлар ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун Широққа кўп нарсалар ваъда қилишади. Бироқ, ватанпарвар, ҳалол ва жасур Широқ халқ тинчлиги ва осойишталигини ҳар қандай бойликдан юқори қўйди...

Эрон шоҳи Доро I сакларга қарши катта қўшин билан йўлга чиқади. Бу хабарни эшитган саклар, массагетлар, дербиклар, хоразмликлар ва чочликларнинг оқсоқоллари кенгашга тўпланиб, маслаҳат қилишди. Ўша пайтда демократик тамойиллар асосида ўтадиган оқсоқоллар кенгашида нафақат зодагонлар, балки оддий фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин эди.

Оддий чўпон Широқ кенгашга кириб, ўз режасини маълум қилади. Оқсоқоллар унинг гапларига диққат билан қулоқ солиб, фидойилигига тан беришади. Широқ бир ўзи душманни даф қилажагини айтиб, бу йўлда ҳалок бўлишини ва шунинг учун оиласи таъминотини оқсоқоллар ўз бўйнига олишларини илтимос қилади, лекин Широқ ўз режасини уларга айтмайди. У чодирдан чиқишда қулоқ ва бурунларини ханжари билан кесиб, қонга бўялган ҳолда форслар манзилгоҳига йўл олади.

У Доро I ҳузурига кириб, ўзининг форслар подшосига садоқатини изҳор қилади ва юртдошлари айнан шунинг учун уни оғир жазога маҳкум қилганликларини билдиради. Широқ интиқом олиш ниятида эканлигини айтади. Эрон шоҳи унинг гапларига ишонса ҳам, барибир уни синовдан ўтказишга қарор қилади. Бу синов жуда маккорлик билан ишланган бўлиб, форс подшоси ҳузурига асир олинган бир сак мўйсафидини олиб келишади ва Широқнинг қўлига қилич тутқазишади. Широқ бу одамни ўлдириши лозим эди.

У форс ҳукмдори Доро I га қараб қуйидагиларни айтади: «Бизнинг урф-одатимизга кўра, катталарга нафақат қўл кўтариш, ҳатто қаттиқ гапириш гуноҳи азимдир». Ана шунда форслар бу йигитнинг номусли эканлиги ва бир сўзли эканлигига ишонишади. Широқ уларга етти кунлик озиқ-овқат ва сув ғамлашни айтиб, уларни Қизилқум чўлига бошлайди. Етти кундан сўнг озиқ-овқати тугаган ва ташналикдан мадори қуриган лашкар алданганлигини сезади.

Широқ ўлими олдидан душманларга виқор билан тик қараб шундай жавоб беради: «Мен ғалаба қилдим! Азиз юртдошларим бўлмиш саклар нинг сиз туфайли чеккан жабру ситамлари ҳисобига сизлар энди очлик ва сувсизликдан ўлиб кетасизлар!»

Широқнинг бу жасорати халқ тилида достонга айланади. Ўзбек халқининг ватанпарварлиги ва фидойилиги намунаси сифатида Широқнинг қаҳрамонлиги тарихга кирди.

ТЎМАРИС

Милоддан аввалги VII – IV асрларда Ўрта Осиёда қадимги аждодларимиз хотин-қизларни жуда ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром билан қарашган. Чет эл босқинчиларига қарши жангларда аёллар ҳам эркаклар қатори сафда бўлишган. Тўмарис ана шундай жасур аёл эди. Шунинг учун ҳам у ҳақдаги ривоятлар ҳанузгача эл оғзидан тушмайди.

Милоддан аввалги 529 йилда Эрон шоҳи Куруш катта қўшин тўплаб, Ўрта Осиёга юриш қилади. У шунда биринчи бор массагетлар билан тўқнашади. Маликa Тўмарис массагетлар йўлбошчиси бўлиб, урушни, қон тўкилишини истамаган. Аммо, Эрон шоҳи Куруш эса аксинча, бойликка, шон-шуҳратга ўч бўлиб, доимо урушга интилган.

Массагетлар билан бўлган дастлабки жангда Тўмарис ўғли Спарангиз қўмондонлигида босқинчилар қўшинини тор-мор қилади. Жасур массагетларни очиқ жангда енгиш қийинлигини билган форслар маккорлик йўлига ўтишади. Улар массагетлар май-шароб нималигини билмаслигини пайқаб, бир жойда ичимликларга тўла мешларни қолдиришади. Умрларида шароб ичмаган массагетлар бу нарсадан татиб кўриб, маст бўлишади ва ҳушёрликни унутишади. Форслар ухлаб ётган массагетларни қириб ташлаб, Спарангизни асир олишади.

Массагетлар саркардаси ўзига келгач, қўлига кишан солиниб, душманга асир ҳолда ётганини кўради. Эрон шоҳи тантана билан унга қарайди ва таслим бўлишини таклиф этади.

Спарангиз ундан қўлини ечишини илтимос қилади. Куруш ижозат бергач, қўллари кишандан бўшатилган йигит номуси зўрлигидан ёнида турган соқчининг ханжарини тортиб олиб, ўзига уради. Қонга бўялган Спарангиз асирликдан, тутқунликдан ўлимни афзал кўради. Бундан ҳайратга тушган форслар эҳтиром билан уни дафн этишади.

Ўғлининг ўлимини эшитган Тўмарис ларзага тушади, аммо ўзини йўқотмайди. Ўз ўғли учун ўч оламан деб халқини қурбон қилишни истамайди. Ақл-идрок билан иш тутиб, Курушга элчи юборади.

– Эй, Куруш! – дейди элчи Тўмарис номидан, – сен қозонган галабанг ила ғурурланиб юртингга кетабер. Ягона ўғлимдан жудо бўлсам ҳам сени кечираман. Тинчгина уйингга қайт. Акс ҳолда, Қуёш номи билан қасам ичаманки, сени қон билан тўйдираман. Агар урушни истасанг, Амударёдан ўтабер. Сенга халақит бермайман. Очиқ майдонда тенгма-тенг жанг қиламиз. Сўзим ва ҳукмим шу!

Эрон лашкарлари сукут сақлаб, унинг сўзларини тинглашади. Куруш маслаҳат кенгашини чақиради. Нима қилиш керак? Куруш амалдорларидан бири Лидия подшоси Керз эди. Куруш бир вақтлар Керзнинг ҳам мамлакатини бостириб олиб, ўзини асир қилган ва унинг беҳисоб бойлигини ўзига олган эди. Керз малика Тўмарис таклифига кўниб, орқага қайтишни маслаҳат беради. Аммо, очкўз амалдорларнинг кўпчилиги Амударёдан ўтиб, жанг қилишни талаб қилишади. Очкўз, бойликка тўймас Куруш дарёдан ўтишга фармон беради.

Шу тариқа массагетлар подшоҳи бўлган Тўмарис милоддан аввалги 529 йилда Эрон шоҳи Курушни Амударё бўйидаги шиддатли жангда енгади. Массагетлар бу жангда номус, эрк ва адолат учун жанг қилишиб, босқинчиларни она тупроғидан ҳайдаб чиқарадилар.

СПИТАМЕН

Панжикент ҳокими, сўғдлар лашкарбошиси Спитамен милоддан аввалги 329–327 йилларда Александр Македонский бошчилигидаги қўшинларга катта талафот етказган. Юнонмакедон босқинчиларига қарши курашда урушнинг партизанлик усулини қўллаган...

Жаҳон ҳарбий санъатида ном қозонган Александр Македонский қисқа муддат ичида улкан Эрон салтанатини забт этиб, Сўғдиёна ва Бақтрияга қарши ҳарбий юришни бошлади. Александр истеъдодли лашкарбоши сифатида, машҳур македон фалангасини ташкил этди. Оғир қуроллар билан қуролланган ва ўзини қалқонлар билан пана қилган жангчилардан иборат зич маҳобат бир бутун бўлиб, силжиб борганда ҳамма жанглар муваффақиятли ҳал қилинар эди. Александр уруш олиб боришнинг пухта тактик усулларини қўллаб, улкан зафарларга эришди ва у ўз йўлида ўзига муносиб қаршилик кўрсатадиган рақибни учратмади.

Лекин у Ўрта Осиё тупроғида Спитамен раҳбарлигидаги халқ ҳаракатининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Бу ердаги аҳоли ўз маҳаллий жойларини яхши билганлиги учун Македон армиясини майда тўқнашувлар билан ҳолдан тойдиришга қарор қилади. Фалангa услубига қарши партизан уруши тактикасини қўллайди. Натижада Александр Ўрта Осиё ерининг ҳар бир бўлаги учун жанг қилишга тўғри келди, ҳар бир шаҳар ёки манзилгоҳ қалъага айланиб, душманга қаттиқ қаршилик кўрсатарди.

Айнан Ўрта Осиё Александр қўшинини ҳолдан тойдиради, ҳужумкорлик руҳини сўндиради. Босқинчиларга қарши умумхалқ урушига раҳбарлик қилган Спитамен, йирик отрядларга дуч келишдан тийингани ҳолда айрим отрядларга ҳужум қилиб, тинимсиз партизан уруши олиб борди. Антик муаллифларнинг хабарларига кўра, Ўрта Осиёда яшовчи жанговар халқларда ҳарбий қуроллар, истеҳкомлар ва жанг олиб бориш санъати анчагина юқори ва грекларга номаълум усулларда бўлган. Хусусан, Курций Руф қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Спитамен македонлар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб... панагоҳга бекинади, қулай жойда пистирма қуради. Ҳар бир отда иккитадан қуролланган чавандозлар бўлади, кутилмаганда улар навбат билан ерга тушиб отлиқ душманларга тўсқинлик қиладилар... Аскарлар эпчиллиги отларнинг чаққонлигига ўхшаб кетади... Душманларга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужум қилади».

...Искандар қўлига ўтган Смараканса (Самарқанд)ни қайтариб олиш учун Спитамен қаттиқ кураш олиб борди. У Искандарнинг «Искандар Эсхата» («Узоқ Искандария») деб номланган мудофаа қалъаси қурдираётганлигидан фойдаланиб Самарқандга ҳужум бошлади. Искандар қурдираётган қалъада қўшинларининг кичик бир қисмини қолдириб, қўшинларнинг асосий қисми билан Самарқандга йўл олади. Искандар келаётганини эшитган Спитамен қўшинлари чўлга чекинади.

Спитаменни таъқиб қилиб борган Искандарнинг қўшинлари йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқларни ҳаробага айлантиради. Бироқ, ўлка аҳолиси босқинчиларга бўйсунмадилар. Уч йиллик курашдан кейин Спитамен хоинлик қурбони бўлди.

АБУ МУСЛИМ

Ўрта аср лашкарбошилари сафида ниҳоятда улуғланган Абу Муслим ҳарбий салоҳияти билан замондошларини доғда қолдирган. У 18 ёшида араб босқинчиларига қарши кўтарилган қўзғолонга бошчи бўлиб, 40 мингдан зиёд қўшинга қўмондонлик қилган. Унинг ҳарбий тактикаси халқ оғзида афсонаю ривоятларга айланган.

Абу Муслим араб халифаси ноибини тормор қилган, халифа пойтахтини ҳам эгаллаб, уммавийлар сулоласига барҳам берган. У Хитой императорининг Ўрта Осиёни эгаллаш учун юборган катта қўшинини 751 йилда тор-мор қилиб, саркардаси Гао-Сяни асирга олган буюк лашкарбоши эди. Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу насаби ҳақида ҳар хил хабар берилади.

Масалан, улардан бирида ёзилишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбат берилади. Маълумки, Гударз Сиёвуш замонасида қора кийимда жанг қилган. Абу Муслимнинг исми Иброҳим, лақаби Абуисҳон бўлиб, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим ҳам қора кийимда жанг қилган.

Хуросон амири Насри Сайёр ўз рақиби Кирмонийга қарши жангга чиққанда, Абу Муслим ҳам Кирмонийга қарши ҳужум қилади. Бу воқеа ҳақида Насри Сайёр Марвонга, яъни уммавийларнинг сўнгги ҳукмдори Язид бинни Умарга «...бошқа бир киши пайдо бўлдики, у саррожлар ўғлидир, на асли бору, на дини. Хуросон фосиқлари унинг атрофига тўпланган», деб беэътибор хабар юборади.

Дарҳақиқат, саррожлик билан топган маблағининг бир қисмини уммавийлар томонидан солинган оғир солиқларга, бошқа бир қисмини эса қулликдан қутулишга тўлаб юрган Абу Муслим қалбида ҳукмдорларга нисбатан исёнкорона руҳ туғилган эди. Мана шу руҳ аббосийлар томонидан юборилган тарғиботчилар таъсирида янада кучайиб кетди. Улар Абу Муслимни ўз томонларига тортдилар, ўзлари билан уни бир неча марта Макка сафарига олиб бордилар, Иброҳим имом билан таништирдилар.

Иброҳим Имом Абу Муслимдаги кучли истеъдодни сезиб, бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳарбий ҳаракатлар тақдирини унинг қўлига топширади. Ана шу пайтларда Абу Муслим эндигина ўн тўққизга тўлган эди.

Абу Муслим уммавийларга қарши ташвиқотни Хуросон аҳолисининг юқори табақасига мурожаат қилишдан бошлайди. У Марв шаҳридан уч фарсах ғарбда — Харқон канали соҳилида жойлашган Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Дастлаб араб зодагонлари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар Абу Муслимни қўллаб-қувватлайдилар. Уммавийларга қарши ташвиқотнинг садоси тез орада Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тоҳаристон вилоятлари бўйлаб кенг тарқалади. Гўё мамлакат аҳолисининг барча катта-кичиги арабларга қарши қўзғалгандек бўлади. Аҳоли отда, эшакда ёки пиёда, қуролли ва қуролсиз ҳолатда Абу Муслим қароргоҳи томон йўл олиб, унинг атрофида тўплана бошлайди.

Сафизанж қишлоғи ҳар томонлама мустаҳкам бўлса ҳам, аммо Абу Муслим бу жойда узоқ тура олмайди, чунки тўпланаётган кучлар учун қишлоқ ва унинг атрофи торлик қилади. Шу боисдан у Мохувон қалъасига кўчиб ўтади.

Абу Муслим қароргоҳи атрофида Ҳирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нио, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чағониён, Тоҳаристон, Хутталон, Кеш ва Насаф вилоятларидан 100 минг нафар лашкар йиғилган эди. Уларнинг деярли ҳаммаси қора рангли либосда эдилар. Етарли лашкарий куч тўплангач, 747 йилнинг саратонида Абу Муслим аҳолини уммавийларга қарши очиқ курашга даъват этади.

Бу даврда Хуросонда Насри ибн Сайёр ноиблик қиларди. У Абу Муслим лашкари билан тўқнашишга журъат қила олмайди. 748-йилнинг бошида у Хуросон пойтахти Марв шаҳрини қўзғолончиларга жангсиз бўшатиб бериб, ўзи Нишопурга чекинади. Бироқ орқасидан таъқиб қилиб борган қўзғолончилардан қақшатқич зарбага учрайди. Шуни таъкидлаш жоизки, Насир ибн Сайёр бошлиқ Хуросон қўшинининг Абу Муслим лашкаридан енгилиши уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесил ҳал қилган эди.

749 йилда Абу Муслим бошлиқ қўзғолончилар халифаликнинг марказий вилоятларига йўл оладилар. Қисқа муддат ичида Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинига бир неча бор қаттиқ зарба берилиб, улар тор-мор келтирилади. Сўнгра халифалик пойтахти Дамашқ шаҳрига юриш қилинади. Пойтахт қўлга киритилиб, Халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Аббосийлар хонадонидан бўлган Абулаббос Саффох (749-754) халифалик тахтига кўтарилади.

Шундай қилиб, Араб халифалигида давлат аббосийлар қўлига ўтади. Бу янги сулоланинг ҳокимият тепасига чиқишида, шубҳасиз, ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ва саркардаси Абу Муслимнинг хизматлари ниҳоятда буюк эди. У Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини бирлаштирди.

Абу Муслим аббосийлар ҳукмронлиги учун ҳаракат қилиш билан баробар Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўз маҳаллий ҳокимиятини, мустақил давлатини барпо этишга ҳам интилди. Бунинг учун у аббосийлар ҳокимиятининг раҳбарлигига алавийлар (ҳазрати Али авлодлари)ни қўйишга интилди. Бундан кўзланган мақсад алавийлар аббосийларга нисбатан соддадил, ҳукмронликда тажрибасизроқ эдилар. Бинобарин, Абу Муслим кейинчалик истаган вақтда пайт топиб, алавийларни ҳукмронликдан қувиб, ўз маҳаллий ҳукмронлигини тиклаши мумкин эди. Аммо, аббосийлар алавийларни халифа ҳукмронлигига яқинлаштирмаслик учун барча чора-тадбирларни кўришди.

Абу Муслим ўз мақсадига эришиш учун Маккага сафарга чиқади. Бу сафар орқали у ана шу атрофлардаги араб аҳолисини ўз мақсадига эргаштириш ва халифат тахтига алавийлар авлодидан ҳукмдор қўйишни кўзлайди.

Халифа Абу Муслимни жуда яхши эҳтиромлар билан кутиб олади. Бироқ, бу «эҳтиром»лар ортида ўта тубан мақсад яширин эди. Халифа ҳузурига кираверишда Абу Муслимнинг қурол-яроғини дарвозабонлар олиб қолишади. Сўнгра Абужаъфарнинг ишорати билан халифанинг қуролли кишилари унга ташланадилар. Абу Муслимнинг жасадини ўзи ўлдирилган гиламга ўраб, ўша хонанинг бир бурчагига кўмадилар. Ташқарида эса Абу Муслимнинг мингта қуролланган йигити саркарданинг чиқишини кутиб турар эдилар.

Халифанинг фармони билан мингта халтага мингтадан олтин солдириб тайёрлаб қўйган эди. Абу Муслимнинг ҳаялламай қолганидан шубҳаланган минг йигит халифа саройини ўраб олиб, унинг чиқишини талаб этадилар. Шу пайтда Абужаъфарнинг одамлари халифалик ҳоҳишларига қарши хатти-ҳаракатлари учун Абу Муслим ўз жазосини олганлиги ва унинг боши учун ҳар бир йигитга минг тилладан пул берилишини эълон қилиб, халталарни бирма-бир йигитларга ташлайдилар. Аскарларнинг бир қисми минг танга тиллага сотилиб, ўз саркардасини унутади, қолганлари қасос олиш учун халифа саройига ҳужум қилади ва ҳалок бўлишади. Бу машъум воқеа 755 йилда рўй беради.

Бу совуқ хабар тез фурсатда Хуросон ва Мовароуннаҳрга тарқалади. Бу ерларда ғазабга тўлган халқ аввал Сунбод раҳбарлигида, кейин Ҳошим бинни Ҳаким – Муқанна раҳбарлигида қўзғолон кўтаради.

МУҚАННА

Муқанна Марвга яқин Коза қишлоғидан бўлиб, исми ибн Ҳаким эди. Бухоро тарихчиси Наршахийнинг хабар беришича, у ҳамиша юзига кўк парда тутиб юрган. Шунинг учун уни «Муқанна», яъни «юзи пардали одам», «ниқобли одам», деб атаганлар. Муқанна ўз тарафдорларини араб босқинчиларидан ажратиш учун оқ кийимда юришга даъват этган. Халқ ҳаракатининг «оқ кийимлилар қўзғолони» деб номланиши мана шундан.

Абу Муслимнинг лашкарида сарханг (полковник) сифатида хизмат қилган Ҳошим ибн Ҳаким ўзи ардоқлаган қўмондонининг хоинона ўлдирилишидан ғоят ғазабга келади. У ўзини Абу Муслим вориси деб эълон қилади ва арабларга қарши қўзғолон кўтаради.

У ажнабийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши қўзғалишга даъват қилиб, Мовароуннаҳр вилоятларига ўз тарғиботчиларини юборади. Унинг тарғиботи Нахшоб ва Кеш шаҳарларида айниқса яхши самара беради. Оқ кийимлиларнинг сафи тобора кенгайиб боради. Уларга бевосита раҳбарлик қилиш мақсадида Муқанна Сўғдга томон отланади. Уни Марвдан Сўғдга ўтказмаслик учун халифалик маъмурлари таъқибни кучайтирадилар. Амударё соҳилини суворийлардан иборат катта ҳарбий куч кечаю кундуз муттасил қўриқлаб туради.

Бироқ Муқанна ўз яқинлари билан омонэсон Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшоб ва ундан Кеш шаҳрига етиб боради. У Кеш яқинидаги тоғ тепасида бунёд этилган Сом қалъасини ўз қароргоҳига айлантиради. Кўпгина қишлоқларнинг кадиварлари, шаҳар ҳунармандлари ва айрим зодагон деҳқонлар унга эргашади. Тез орада бутун Қашқадарё водийси Муқанна тарафдорлари қўлига ўтади. Шундай қилиб, оқ кийимлилар ҳаракати кенгайиб, катта халқ қўзғолонига айланади. У айниқса Мовароуннаҳрнинг маркази Сўғдда авж олиб, Элок (Оҳангарон) водийси ва Шошга ҳам ўзининг таъсирини ўтказади. Қўзғолончилар нияти мамлакатдан арабларни қувиб, ҳокимиятни ўз қўлига олиш, мустақил давлат тузишдан иборат бўлган. Бу шубҳасиз, уларни ягона ҳаракатга бирлаштирган эди.

Оқ кийимлилар қўзғолонига зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 775 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга сафарбар қилади. Аммо Жаброил қўзғолончилардан енгилади. У катта талафотлар бериб, зўрға Самарқандаги араб қўшинларига етиб келиб қўшилади. Ўн минг аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Укаба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Гарича бошлиқ ўн тўрт минг кишилик қўшин Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада Нахшоб ва Чағониён водийлари қўзғолончилар қўлига ўтади.

Қўзғолон 776 йилдан бошлаб Бухоро воҳасида кучайиб кетади. Наршах қалъаси қўзғолончиларнинг қўрғонига айлантирилиб, унда «оқ кийимлилар»нинг каттагина қисми тўпланган эди. Ўша йили Наршах қалъаси яқинида оқ кийимлилар билан Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз ва Самарқанд ноиби Жаброилнинг бирлашган қўшинлари ўртасида тўрт ой мобайнида жанг бўлади. Қўзғолонга бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад, Кушқифазл деган жойдан Хиштрий ҳамда Богий номли ва Ғиждувондан Гирдак исмли паҳлавонлар бошчилик қилади.

Араблар билан бўлган жангда оқ кийимлиларнинг қўли устун келади. Аммо сон жиҳатдан кўп бўлган араб қўшинлари Наршах қалъаси девори остидан узунасига 50 газли чуқур қазиб, уни қулатгач, қалъага бостириб кирадилар. Қалъа ичида давом этган шиддатли жангларда қўзғолончилар енгилиб, Наршах қўрғони ишғол этилади. Қўзғолон бошлиқларидан Ҳаким ибн Аҳмад ва Хиштрийлар ўлдирилади.

Наршахдаги қўзғолон бостирилгач, араблар асосий кучни оқ кийимлилар қўзғолонининг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга ташлайдилар. 777 йилда оқ кийимлиларга узилкесил зарба бериш учун ҳарбий куч тўплаш мақсадида халифа Маҳдий Нишопурга келади. Хуросон ноиби Маоз ибн Муслим ва Хирот амири Саид Хароший бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилади.

Қўзғолончилар Сирдарё воҳасида яшовчи туркий қабилаларни арабларга қарши ёрдамга чақирадилар. Ўзаро бўлиб ўтган жангда араблар қўшини мағлубиятга учрайди. Натижада Маоз Хуросон ноиблигидан истеъфо беради. Ўрнига Саид Хароший тайин этилади ва унга қўзғолонни бостириб, Муқаннани қўлга тушириш топширилади. Оқ кийимлилар ва туркий қабилалар Самарқандда арабларга қарши икки йил жанг қиладилар. Ниҳоят, қўзғолончилар енгилиб, Самарқанд шаҳри босиб олинади.

Наршах ва Самарқандда оқ кийимлилар енгилгач, маҳаллий зодагон деҳқонлар сотқинлик қилиб, арабларга ёрдам бера бошлайдилар. Улар Саид Хароший қўшинлари билан бирга Муқаннага қарши Кешга томон юришда қатнашадилар. Курашнинг охирги босқичида Кеш водийсида тоғлар орасида жанглар жуда қизиб кетади. Муқаннанинг Сом қалъасидаги қароргоҳи қамалга олинади. Узоқ давом этган қамалдан сўнг курашдан тинкаси қуриган муқанначилар енгиладилар.

Ўн тўрт йилдан ошиқроқ давом этган «оқ кийимлилар қўзғолони» ўша даврда жаҳоннинг энг йирик давлати ҳисобланган Араб халифалигини ларзага келтирди. 14 йиллик ҳақ ва озодлик, мустақиллик йўлидаги жангу жадал курашлардан толиққан, енгилган Муқанна ҳукмрон табақа қизғунлари қўлига асир тушгандан кўра ўлимни афзал кўради ва ўзини ёниб турган оловли тандир қаърига отиб, душманларни лол қолдиради. Мазкур қўзғолонлар бундай кейин арабларни маҳаллий халқ билан ҳисоблашишга мажбур қилди....

НАЖМИДДИН КУБРО

Шоир, файласуф олим ва тариқат пешвоси, мўғул босқинчиларига қарши қўлида қурол билан кураш олиб борган улуғ шайх Нажмиддин Кубронинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абулжаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий ал-Хоразмий бўлиб, у 1145 йилда Хива шаҳрида туғилган. Дастлаб Хоразмда таҳсил олади. Кейин Миср, Табриз, Эрон, Бағдод, Нишопур, Тус, Шому Ироқ шаҳарларидаги атоқли олимлардан илм ўрганади.

Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида шоирлар ва олимлар ўз асарларида кўплаб маълумотлар қолдирганлар. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам «Насоим ул-муҳаббат» асарида у ҳақда қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Шайх Нажмиддин Кубро куниятлари Абулжаноб ва отлари Аҳмад ибн Умар ибн Хивақий ва лақаблари Кубро, аларга Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик овонидаки, зоҳир улуми таҳсилига машғул эрмишлар. Ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар, ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш... ва аларни Шайх Валитарош дебтурлар. Анинг учунки, муборак назарлари ҳар кимга тушса, валоят мартабасиға етар эмиш».

Нажмиддин Кубро тарихда буюк аллома-гина эмас, балки ўз Ватани озодлиги йўлида мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам мангу қолди. 1220 йили мўғул босқинчилари Ўтрорни, кейин Бухоро ва Самарқандни вайронага айлантириб, Хоразм томон юрдилар ва Хоразм халқининг бошига мудҳиш кунларни солдилар.

Юрт устини қора булут босганда Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад ўз давлати ва фуқароларини ҳимоя қилиб, душманларга зарба бериш ўрнига мамлакатини ташлаб қочиб кетади. Унинг ўғли шерюрак Жалолиддин Мангуберди, дўсти Темур Малик ва улуғ шайх Нажмиддин Кубро ўзларининг сўнгги нафаслари қолгунча Ватан озодлиги учун кураш олиб борадилар. Нажмиддин Кубро 1221 йили Чингизхон тўдаларига қарши жангда мардонавор курашади ва шаҳид бўлади.

Бу ҳақда тарихчи Абдулғозий Баҳодирхон «Шажараи турк» номли тарихий асарида шундай ёзган: «Урганчни олиб, маҳалла-маҳалла ўт қўюб, тамом халқни саҳрога чиқардилар. Токи юз минг кишини аҳли ҳунар турур, деб олдилар. Жувон хотун ва ёш ўғлонларни тағи банди қилмоқ учун олдилар. Андин ўзга халқни лашкарига қисмат қилди. Ҳар бир кишига йигирма тўрт киши тегди ва ҳукм қилдиларким, ўлтурунглар. Мўғуллар ўлтурдилар. Ҳазрати Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлиб эрди. Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб кетсунлар деган таклиф бўлди.

Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, яхшиликда мен бу қалъанинг тамоми бирлан ошно ва дўст-ёр эрдим. Эмди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин, мен бора билмасмен деди. Ул маҳалда мўғуллар Ҳазрати Шайхнинг маҳалласига қуюлиб келдилар. Ҳазрати Шайх бир неча мўғулларни ўз қўллари бирлан жаҳаннамга юбордилар. У шундай жангга шайланган эдики, хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдириб, қўлига найза олиб, душман қаршисига чиқади. Ғанимларга қараб тош ота бошлайди, бир нечтасини найза билан уриб йиқитади.

Аммо ,мўғуллар унинг устига камон ўқи ёғдирдилар. Бир ўқ келиб кўкрагига тегади. Етмиш беш яшар мўйсафид, илоҳий илҳомдан маърифат топиб, қалбларни нурлантирган шайхи кабир ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дейдиларки, унинг қўлидан байроқни тортиб ололмай, бошини танидан жудо қиладилар. Шунда ҳам байроқни ололмайдилар. Ниҳоят, унинг бармоқларини кесиб, байроқни олганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Улуғ шайх ва донишманд инсоннинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам ҳайратга солган. Мана қанча йиллар, асрлар ўтди, унинг бу жасорати авлодлар дилида, қалбларида яшамоқда.

Нажмиддин Кубродан кўплаб кароматлар зоҳир бўлган. Жумладан, мўғул лашкари Хулагу сардорлигида Хоразм устига етиб келганда кеч кириб қолади. Хулагу лашкарига дам бериб, «шаҳарни эрталаб оламиз» дейди. Лекин мўғуллар уйқудан уйғонганда Урганч йўқ эди, ҳайвонлар ва қушларнинг овози эшитилардию, бироқ одамлар кўринмас эди. Мўғуллар ҳайрон бўлиб турганда, уларнинг мулласи «Туслик аллома» бундай дейди: «Хоразмни фақат хоразмлик кўра олади, шунинг учун қаердан бўлса ҳам бир хоразмликни топиб келинглар». Бир балиқчини дарё қирғоғидан тутиб келтирадилар. Балиқчи дейди: «Хоразмни Шайх Нажмиддин ёширган». Хулагу балиқчини Шайх олдига юбориб, унга Хоразмдан чиқиб кетишни маслаҳат беради. Аммо Шайх рози бўлмайди. «Мен бу ерда ўзимнинг энг бахтли кунларимни ўтказдим, шаҳар бошига фалокат тушганда, уни ташлаб кетиш пасткашликдир», – дейди.

Хоразмликлар кучлар нисбати тенг эмаслигига қарамай, қатъият ва жасорат билан жанг қиладилар. Мўғуллар Урганчни эгаллаш учун 100 минг кишидан ортиқ қўшин, оғир ишларда ишлатиш учун юз мингдан асирларни ташлаган эдилар. Урганчда кўча жанглари бир ҳафтадан ортиқ давом этади. Ўша давр муаллифларининг ёзишича, мўғуллар Урганчда Хоразмга қарши уруш бошлангандан кейин йўқотган аскарларига қараганда 2-3 баравар кўп аскар йўқотдилар. Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир гузари учун қаттиқ жанг бўлди. Мўғуллар ҳужумни ниҳоятда кучайтириб, шаҳарни эгалладилар. Шаҳар аҳолисининг барчасини шаҳар ташқарисига ҳайдаб, улар орасидан ҳунармандларни танлаб олиб, Мўғулистонга жўнатдилар. Барча эркаклар ва болаларни қиличдан ўтказдилар.

Бироқ, босқинчилар бу билан қаноатланиб қолмадилар. Амударёдаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирадилар. Гўзалликда тенги йўқ шаҳар, қадим маданиятимизнинг энг нодир ёдгорликлари, ўша давр фанининг барча соҳаларига оид кўп минг сонли китоблар сақланаётган кутубхоналар сув остида қолади. Мўғул босқинчилари ўз ваҳшийликлари билан келгуси авлодларни ўша билимлардан маҳрум қилдилар.

Лекин, Нажмиддин Курбо енгилмади. Йиллар ўтди, халқимиз бу маданиятни янгидан бунёд этди, мўғул босқинчиларидан нишона ҳам қолмади. Шайх Нажмиддин Курбо эса халқимиз қалбида мангу қолди. Унинг порлоқ юлдузи ҳамон нурларини таратмоқда. Муборак ҳоки-поклари Урганчнинг муқаддас тупроғида сокин ором олмоқда.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар (мунозара) пайтида «Нажмиддин Кубро» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган «Марказий Осиёда миллий озодлик учун курашлар тарихидан» номли видеомаъруза намойиш этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 21 декабря. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ДЕВЯТНАДЦАТОГО ТУРА

1. Вы выехали для обгона и неожиданно увидели встречный автомобиль. Если вы не уверены в том, что сумеете завершить обгон, вы должны:

а) продолжать обгон до его завершения, подавая звуковой сигнал и включив фары;

б) слегка увеличить скорость и быстрее завершить обгон;

в) снизить скорость и вернуться на ранее занимаемую полосу.

2. Всегда ли водитель должен подавать предупредительный сигнал при маневре?

а) Только в том случае, если сзади движется другое транспортное средство;

б) только в том случае, если его транспортное средство оборудовано световым указателем поворота;

в) только на дороге с интенсивным движением;

г) только в том случае, если он не может ввести в заблуждение других участников движения.

3. Разрешается ли следовать к месту стоянки или ремонта с недействующим рулевым управлением?

а) Разрешается при буксировке на жесткой сцепке;

б) разрешается со скоростью, обеспечивающей безопасность движения;

в) запрещается.

4. Как должен действовать водитель автомобиля при обгоне его другим транспортным средством?

а) Не изменяя полосы движения, подать сигнал указателя правого поворота;

б) не препятствовать обгону повышением скорости движения или иными действиями;

в) снизить скорость движения, подать звуковой сигнал.

5. Как должен поступить пешеход при приближении транспортного средства с включенным проблесковым маячком, специальным звуковым сигналом?

а) Как можно быстрее перейти проезжую часть;

б) воздержаться от перехода проезжей части;

в) перейти проезжую часть, если он находится на пешеходном переходе.

6. С какой скоростью вне населенных пунктов разрешается движение транспортных средств, осуществляющих перевозки тяжеловесных или негабаритных грузов?

а) Не более 40 км/час; б) не более 60 км/час; в) не более предписанной ДАН при согласовании условий перевозки.

7. Где запрещается остановка транспортных средств?

а) В местах с интенсивным движением транспортных средств и пешеходов;

б) на мостах, эстакадах в путепроводах;

в) в местах с видимостью дороги менее 100 метров, хотя бы в одном направлении;

г) в местах, где транспортное средство закроет от других водителей сигналы светофора или дорожные знаки;

д) во всех перечисленных местах.

8. Механическое транспортное средство с неисправным рабочим тормозом можно буксировать:

а) на жесткой сцепке, если фактическая масса буксирующего будет вдвое превышать фактическую массу буксируемого, или методом его частичной погрузки;

б) только на жесткой сцепке;

в) любым способом, если за рулем буксируемого транспортного средства находится водитель;

г) только методом частичной погрузки.

9. При каких условиях запрещается эксплуатация механических транспортных средств?

а) Перебои в работе двигателя;

б) шум в коробке передач;

в) не прошедших государственный технический осмотр в установленном порядке.

10. Чем определяется число пассажиров при перевозке в кузове грузового автомобиля?

а) Указаниями администрации; б) срочностью перевозки;

в) числом оборудованных для сидения мест; г) решением водителя.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ВОСЕМНАДЦАТОГО ТУРА

1. 1,6 мм.
2. Задние колеса.
3. Разрешается в кабине грузового автомобиля и в легковом автомобиле.
4. Запрещается.
5. Вне населенных пунктов ближе 100 м, а в населенных пунктах ближе 50 м от железнодорожных переездов.
6. Габариты транспортного средства по ширине, а также влияние прицепа и смещение его к центру поворота.
7. Плавно тормозить, не выключая сцепления, и не проводить резких поворотов рулевым колесом.
8. 50 км/час.
9. Водитель, к которому транспорт приближается справа.
10. На тротуаре или обочине.

ДЛЯ ВАС ОФИЦЕРЫ-АРТИЛЛЕРИСТЫ!

ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ КОНКУРСА

Согласно приказу начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил в период с 1 января по 1 ноября 2006 года Управлением артиллерии Объединенного штаба Вооруженных Сил совместно с редакцией газеты «Ватанпарвар» проводился конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии. Недавно подведены его итоги, названы победители.

В этом году в конкурсе приняли участие офицеры-артиллеристы из соединений, частей и подразделений Вооруженных Сил, показав в целом хороший уровень знаний по основным положениям боевых уставов артиллерии, Правил стрельбы и управления огнем артиллерии, Курса подготовки артиллерии и других руководящих документов. В частности с лучшей стороны отмечаются офицеры-артиллеристы одной из частей Юго-Западного особого военного округа.

Однако наряду с положительными результатами был выявлен и ряд серьезных недостатков. Так, некоторые участники конкурса продемонстрировали слабые знания в расчете огневых возможностей артиллерии, стрельбе и управлении огнем в горах. Офицеры-артиллеристы некоторых частей Юго-Западного особого, Ташкентского, Центрального военного округов нерегулярно принимали участие в конкурсе. Начальники отделов артиллерии упомянутых округов недобросовестно отнеслись к организации конкурса, несмотря на неоднократные требования вышестоящего командования.

По итогам работы жюри победителем конкурса назван офицер Мирсодык Расулов (ЮЗОВО). Второе место присуждено офицеру Шавкатбеку Мамажонову (ВВО), а третье место занял офицер Шобек Юсупов. Среди военнослужащих, отмеченных за активное участие в конкурсе, также офицеры Турсунбой Жумаев, Хабибулло Эшчанов, Нажмиддин Курбонов, Шерзод Юсупов, Бахреддин Башанов.

Соответствующим приказом начальником Объединенного штаба Вооруженных Сил поставлена задача спланировать и провести и в 2007 году конкурс по решению задач по стрельбе и управлению огнем артиллерии. Условия конкурса, как и прежде, будут публиковаться в газете «Ватанпарвар».

Майор А. НУРОВ.

НИМА? КАЧОН? ҚАЕРДА?

АВТОМОБИЛЛАР ТАРИХИДАН

Биринчи юк ташувчи (юк тортувчи эмас) автомобилни ўз устахонасидан Глазго портига пароход қозонларини ташиш учун 1870 йилда Джон Юл яратган. Бу автомобилда икки цилиндрли пар билан ишловчи двигатель саккиз метрли ёғоч шассига ўрнатилган. Тўла юк билан автомобиль соатига 1,2 километр тезликда юра олган. Шундай секинлик билан юрсада, Юл ўз автомобилини фойдали деб ҳисобларди. Чунки, аввалларги 40 тоннали пароход қозонларини портга олиб бориш учун тўрт ишчига 40 фунт тўланса, бу автомобиль учун бор-йўғи 10 фунтли ёқилғи сарфланар эди.

Биринчи бензин билан ишловчи «Панар е Левассер» юк ташиш автомобили 1894 йилда Парижда тайёрланган. Машинанинг узунлиги 2,98 метр, юк ташиш платформаси эса 1,5 метр эди.

Биринчи дизелли юк ташиш автомобили 50 от кучи қувватига эга бўлиб, у 1923 йилда Карл Бенцнинг Штутгарт шаҳридаги заводида ишлаб чиқарилган.

Сотув учун тайёрланган биринчи юк автомобили 1896 йилда Даймлер заводида ишлаб чиқарилган. Каталог бўйича харидорларга 4, 6, 8 ва 10 от кучи қувватига эга, 1500, 2500, 3750 ва 5000 килограмм юк ташишга мўлжалланган автомобилларнинг тўртта модели таклиф қилинган. Машиналарга икки цилиндрли двигателлар ўрнатилган бўлиб, улар тезлиги соатига 12 км.га етказишлари мумкин эди.

Электр стартёр билан ишловчи биринчи автомобиль Буюк Британияда «Арнольд ва ўғли» фирмаси томонидан 1896 йил ноябрида ишлаб чиқарилган. Электр стартёрни эса Даусинг исмли инженер-электрик ихтиро қилган.

Замонавий автотранспорт тарихини бошлаб берган **биринчи муваффақиятли бензин билан ишловчи автомобиль** Карл Бенц томонидан 1885 йилда Германияда, Мангейм шаҳрида яратилган. Бир цилиндрли, уч ғилдиракли машинанинг оғирлиги 230 кг бўлиб, унга 3/4 от кучига эга бўлган двигатель ўрнатилган эди. 1886 йилнинг 29 январида Бенц ўз кашфиётига патент олади, 3 июлда эса биринчи марта уни оммага намойиш қилиб, соатига 15 км тезлик билан юришга эришади. 1886-1887 йил қишида Бенц 1,5 от кучига тенг қувватли, кейинчалик эса 2 от кучига тенг двигатель яратиб, Монакода 1888 йилда ўтказилган саноат кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлади.

Худди шу вақтларда Готтлиб Даймлер биринчи тўрт ғилдиракли бензин билан ишловчи автомобиль яратади. Бир цилиндрли двигатель от аравага ўрнатилади, аммо Даймлер тез орада бундай машинанинг келажаги йўқлигини тушунади. Ўзининг 1889 йилда яратган кейинги моделида у катта ўзгаришлар қилди – бу икки цилиндрли двигателга эга биринчи автомобиль бўлиб, V формуласи бўйича ўрнатилган эди. Машина соатига 17,5 км тезликка эга бўлиб, ўша вақтлар ўлчовига кўра кам бузилар эди.

Карл Бенц ва Готтлиб Даймлер томонидан ташкил этилган концернлар 1926 йилда «Даймлер-Бенц» номи билан бирлаштирилган бўлса-да, икки буюк кашфиётчи ўз ҳаётларида бирон марта бир-бирлари билан учрашмаган, алоҳида-алоҳида ўз ишларини давом эттирган эканлар.

Биринчи автомобиль кўргазмаси Парижда 1894 йилнинг 11 декабрида очилган. Унда дунё бўйича автомобиль ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 9 та фирма ўз маҳсулоти билан иштирок этган.

Биринчи оммавий электр стартёрли автомобиллар 1902 йилда Бельгияда ишлаб чиқарилган «Декампс» машиналари бўлган.

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

Бугунги кунда дунё аҳолисини ташвишга солаётган энг катта муаммолардан бири ОИТС билан касалланганлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганидир. Интернет манбаларида келтирилишича, ҳозирга қадар жаҳон бўйича ОИТС вируси билан хасталанганлар сони қирқ миллионга етган. Энг ачинарлиси эса ушбу бедаво касалликка чалинаётганларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил қилар экан.

Шу боис ОИТС касаллигининг олдини олиш ва аҳолини огоҳликка чақириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун мамлакатимизда ҳам бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Чирчиқ гарнизони Офицерлар уйида Саломатлик институти Тошкент вилоят филиали, Чирчиқ шаҳар Саломатлик маркази, шаҳар марказий шифохонаси, халқ таълими бўлими, «Маҳалла», «Соғлом авлод» жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «ОИТСни тўхтатинг, ватдани бажаринг!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳардаги мавжуд барча касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва лицей ўқувчилари билан биргаликда марказий шифохона тизимидаги муассасалардан шифокор ва ҳамшираллар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Тадбир аввалида Саломатлик маркази бош шифокори Қарши Абдураҳмонов сўзга чиқиб, ОИТСнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида маълумот берди.

– Касалликлар хавфли ёки хавфсиз, юқумли ёки юқумсиз бўлиши мумкин. Ҳар қандай касалликнинг давоси бор. Лекин шундай дардлар ҳам борки, ҳозирги кунга қадар уларга даво топилмаган. Бу касалликлар олдида тиббиёт ҳам, инсоният ҳам ожиз. ОИТС эса шулар жумласига киради. Бу касаллик асосан носоғлом турмуш тарзи оқибатида, яъни гиёҳвандликка берилиш ва фоҳишабозлик туфайли инсон организмига юқади. Бизни ташвишлантираётган муаммо эса айнан ёшларнинг билиб-билмай берк кўчага кириб қолаётганидадир.

Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсадимиз ҳам айнан ОИТС касаллиги ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ёшларга тушунча беришдир. Бундан ўзингиз учун етарлича хулоса чиқариб оласиз, деган умидламиз.

Ёшларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна кўринишлари йиғилганлар эътиборига тақдим этилди. Бу саҳна кўринишларини томоша қилиб ОИТС ва гиёҳвандликнинг доимо ёнма-ён юришини, қачонки гиёҳвандликнинг пайи қирқилгандагина бу касалликка барҳам берилади, деган хулосага келасиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакант лавозимларига олий маълумотли кимёгар, физик ва биолог мутахассислигига эга ва ҳарбий кафедрада ўқиган 35 ёшгача, мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган Фавқулодда вазиятлар тизимида хизмат ўташга лаёқатли Ўзбекистон фуқаролари танлов асосида хизматга чақирилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 4-уй Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Маълумотлар учун телефонлар: 135 01 25, 150 32 16, 134 94 74.

МИНИСТЕРСТВО ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА КОНКУРСНОЙ ОСНОВЕ ОБЪЯВЛЯЕТ НАБОР НА ЗАМЕЩЕНИЕ ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ

Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан объявляет набор на конкурсной основе на замещение вакантных должностей граждан Республики Узбекистан по специальностям химик, физик и биолог с высшим образованием, офицеров резерва, со стажем не менее 5 лет и в возрасте до 35 лет.

Адрес: г.Ташкент, ул.Кичик халка йули, 4. Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Телефоны для справок: 135 01 25, 150 32 16, 134 94 74.

Инсон ва замин

РУҲИЙ ТЕТИКЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Бизгача етиб келган тарихий манбалардан маълумки, қадимги Шарқ халқлари вужуд соғломлигига ҳам, руҳ баркамоллигига ҳам катта эътибор билан қарашган. Улар киши мижозини яхши билишган, таомни ҳам шунга кўра истеъмол қилишган. Руҳият тарбиясига ҳам катта аҳамият беришган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки руҳ баркамоллиги вужуд соғломлигининг асосидир. Аслида, Шарқ тиббиётининг юксак даражада ривожлангани сабаби ҳам руҳ тарбиясига бўлган эътибор самарасидир.

Буюк аллома Суқрот «Руҳни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди», деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Чунки руҳан тетик одам осонликча хасталанмайди. Шу боис беморни даволашда инсон вужудининг касалликка қарши имкониятларини сафарбар эта билиш муҳим аҳамиятга эга. Буни, тиббиёт таъбирича, «тирик организмни тирик ҳужайралар билан даволаш», дейилади. Бу усулдан фойдаланишда мижознинг ўрни алоҳида. Шарқ табобатида мижознинг иссиқлик, совуқлик, намлик, қуруқлик хусусиятлари доимо эътиборга олинган.

Курраи заминимиздаги ҳар бир яралмишда ўзига хос ҳикмат бор. Жумладан, Ер юзида бир юз эллик минг турдан ортиқ ўсимлик ва гиёҳ бўлса, уларнинг ҳар бири муайян хасталикни даволаш хусусиятига эга экан. Фақат инсон бу мўъжизалар сирини ҳали тўлиқ англай олган эмас. Оддийгина мисол: ловиянинг тузилишига эътибор беринг – худди буйракка ўхшайди. Энг муҳими эса, буйракдаги тошларни эритиш, танадан ҳайдашда ловия пўстлоғининг дамламасидан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Ёнғоқни шаклан инсон мияси билан таққослаш мумкин: қаттиқ пўстлоғи – бош суяги, юмшоқ пўстлоғи – мия пардалари, мағзи эса миянинг айни ўзи. Буюк бобомиз Ибн Сино ёнғоқ мағзи ақлни пешлаш хусусиятига эга эканлиги боис, уни кўпроқ истеъмол қилиш кераклигини таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас. Бугунги кунга келиб яхши маълум бўлганидек, инсон организмида йод моддасининг етишмаслиги ақлий заифликни келтириб чиқаради. Ёнғоқ мағзи эса йод моддасига бой экани билан ажралиб туради.

Инсон вужудида муҳим бир аъзо борки, миттигина бўлишига қарамай, ҳаёт учун бениҳоя зарур. Танамизда касаллик аломатлари пайдо бўлса, биринчи бўлиб қураш бошлайдиган бу аъзо буйрак усти безидир. У ҳудди саримсоқ бўлагига ўхшайди. Саримсоқнинг инфекцияларга қарши энг яхши муолажа воситаларидан бири эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, саримсоқпиёз биоқувватни бир неча баробар оширади, умрни узайтириш хусусиятига эга.

Аслида, ўсимликлар ҳам тирик организм. Улар ҳам ўзига хос тарзда эшитади, кўради, нафас олади, кўпаяди, қайғуради ва ҳатто, нола чекади. Эътибор берганмисиз, ўсимликнинг синдирилган шохидан суюқлик чиқади – демак, у йиғлайди. Вақтида сув берилмаса, сўлийди. Ўсимликлар ҳам худди инсон каби қуёш нуридан баҳра олади, шабнамда ювинади, ўзига биоқувват йиғади. Шунинг учун дориликка гиёҳ тераётганда яхши гаплардан гапириш, кўнгилда эзгу ният, муҳаббат бўлиши зарур. Уларни ҳеч қачон қўполлик билан юлиб, кесиб олмаслик керак. Чунки набототда ҳам ўлимолди қўрқуви бор. Агар шу ҳолга тушса, ўсимликнинг қуввати, шифобахшлик хусусияти йўқолар экан. Аждодларимиз буни яхши билишган. Шу боис дориворларни яхши дуолар билан йиғиб, тоза, бежирим халтачаларга жойлашган.

Шифобахш ўсимликларнинг кимёвий усулда олинган дорилардан кўра фойдали эканини нафақат қадимги Шарқ, замонавий Ғарб тиббиёти ҳам эътироф этаётир. Бунга биргина мисол. Америкалик биокимёгар А.Сент-Дурди ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида табиий ўсимликлар таркибида биофлавоноид деб аталувчи бирикмалар борлигини кашф қилди. Ҳатто бу кашфиёти учун Нобель мукофотига ҳам сазовор бўлган. Энг аҳамиятлиси, биофлавоноиднинг шифобахшлик хусусияти С витаминига нисбатан ҳам ўн баробар кўпроқдир. А.Сент-Дурди витаминларни ўрганиш натижасида лимон ширасидан олинган С витаминининг фаоллиги тоза С витаминидан кўра юқори эканини аниқлади.

Юқорида тилга олинган кашфиётнинг аҳамияти шундаки, бирор препарат – дори истеъмол қилинганда, у организмдаги турли тўсиқларни енгиб ўтиб, керакли ҳужайрага тезроқ етиб бориши, таъсир қилиши лозим. Айнан шу жиҳатдан табиий биофлавоноидларга тенг келадиганини топиш амри маҳол.

Табиий С витамини эса керакли ҳужайраларга етиб бормайди. Маълум бўладики, ҳар қандай доривор моддани ўз «йўлбошловчи»си бўлиши шарт. Акс ҳолда улар бемор дардига малҳам бўла олмайди. Биофлавоноидлар эса айнан шундай «йўлбошловчи»дир. Улар инсон вужудидаги 13 триллиондан ортиқ ҳужайра орасидан касалмандини дарҳол топади ва айнан шуни даволайди. Улар ҳужайрада пайдо бўлган чиқиндиларнинг чиқиб кетишига ҳам шароит яратиб беради. Натижада ҳужайралар зўриқмасдан, бир меъёрда ишлайди.

Кимёвий усулда олинган дориларни истеъмол қилганда эса бу ҳолат кузатилмайди, чиқиндиларнинг чиқиб кетишига мутлақо шароит қолмайди. Уларни чиқариб юбориш учун ҳужайра катта энергия талаб қилади.

Ана шу мисолларнинг барчаси табиий ўсимликларнинг инсон ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Хитойда салсабил ва занжабилнинг шифобахш хусусиятларини намойиш қилувчи иккита музей фаолият кўрсатмоқда. Демак, хитойликлар наинки бу икки ўсимликнинг, умуман наботот оламининг тиббий хусусиятларини ўрганишга катта аҳамият қаратишларидан далолат беради.

Шайх Саъдий «Гулистон» асарининг муқаддимасида инсоннинг ҳар бир нафасида икки неъмат мавжудлигини, бир нафас учун икки марта шукр айтиш вожиблигини таъкидлайди. Яъни, нафас олиниши – бир неъмат, ҳудди шу нафаснинг қайтиб чиқиши – иккинчи неъмат.

Ҳаёт – соғломлик кезларида энг кам эсланадиган, хасталикка дуч келганда эса, у ҳақда ғамхўрлик энг юқори чўққига кўтариладиган буюк мўъжизавий неъмат. Ана шу неъматнинг барқарорлиги, биринчи навбатда, руҳий тарбияга боғлиқ. Бу – мутафаккир боболаримиз чиқарган хулоса. Шайх Саъдийнинг фикри бунинг яна бир далилидир.

С. ПУЛАТОВ тайёрлаган.

СИРЛИ ИЧИМЛИК

Осетия халқининг энг севимли ичимлиги бўлган «кайф» сутдан тайёрланар эди. Кайф кишига ҳузур бағишловчи неъмат бўлиб шифокорлар бир сўз билан «жуда шифобахш» деган хулосага келганлар.

«Кайф»ни кашф этган осетияликлар уни тайёрлаш технологиясини сир тутишган. 1908 йили Москва касалхоналари учун «кайф» ичимлиги зарур бўлиб қолади. Уни тайёрлаш ҳақида буйруқ олган сут саноати ходимлари яқингинада чорвачилик мактабини тамомлаб келган 20 ёшли Ирина Сахарована Осетияга «кайф» ичимлигини тайёрлаш сирларини ўргатиб келишга юборадилар. Ирина Осетия князи Бек Мирзаникига меҳмонга боради. Князга ўзининг нима учун Осетияга келгани сабабини айтади. Уни хўп сийлайдилар, гап ичимликка келганда эса мезбонлар лом-мим демайдилар, «кайф» ачитқисини турли баҳоналар қилиб бермайдилар. Ирина завод мутахассиси Васильев билан извошда ортига маъюс қайтаркан, йўлда уларни бир тўда отлиқлар ўраб оладилар ва Иринани ўғирлаб кетишади. Васильев полиция ёрдамида меҳмонни қутқаргач, бу ишни Бек Мирза уюштиргани аниқланади. Тергов давомида Осетия князи Иринадан узр сўрайди.

– Бир шартим бор, – дейди қиз, – агар уни бажарсангиз кечиришим мумкин. – Менга «кайф» ичимлигининг қандай тайёрланишини айтасиз.

Қамалишидан кўра, сирни очишни афзал билган князь рози бўлади. Ачитқини қўлга киритган Ирина Сахарованинг матонати билан янги технология жорий қилингани учун ҳам бу неъматни «Кайф Ирина», кейинчалик эса қисқартириб, «Кефир» деб атайдилар. Шу-шу бўлди-ю, 1909 йилда кефир дунёга келди.

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

18 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Рум амфор долиа сирлари».
«Болалар сайёраси»:
9.20 «Балто». Мультсериал.
10.10 «Оналар мактаби».
10.30 «Одами эрсанг»
10.50 «Бизнес янгиликлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Дил таронаси».
11.25 «Рангин дунё».
11.50 Т. Мурод. «От йиғлаган томонда». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 1-қисм.
13.05 Олтин мерос.
13.10 «От йиғлаган томонда». Спектакль. 2-қисм.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 «Дил таронаси».
15.15 «Ватанпарвар».
16.15 «Олтин бешик».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Муқаддас қадамжолар».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 «Оҳангларга айланган умр». 1-қисм.
18.20 «Уч». Телесериал. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.05 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Сардор». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал премьераси (Корея).
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.30 ТВ-дорихона.
20.40 UzEX.
20.45 Ракурс.
21.00 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Сеними, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 Ҳайвонот дунёси: «Мушуклар». 2-қисм (рус.).
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 «Ўзганинг чиптаси».

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 18 декабрь куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Спортимиз маликалари».
20.35 «Гурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

19 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Уйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Балто». Мультсериал.
10.30 «Остонаси тиллодан».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қор ёғар, ёғар». «O'zbektelefilm».
12.25 «Оҳангларга айланган умр».
12.45 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 «Дил таронаси».
15.15 «Интеллектуал ринг».
16.00 «Муқаддас қадамжолар».
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Ақл ва идрок».
17.00 «Ахборот».
17.15 ИИВ хабарлари.
17.30 «Фарз ва қарз».
17.50 «Ёшликда ўргансанг ҳунар»
18.10 «Оҳангларга айланган умр».
18.30 «Уч». Телесериал. 7-қисм.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Йилнинг муҳим воқеалари». Қарши – 2700. 1-қисм.
22.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал (Якунловчи қисм).
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Сардор». Телесериал.
18.40 Интилганга толе ёр.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 JOKER
телелотереяси.
20.15 Наво-SMS.
20.30 CINEMANIYA.
21.00 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Туризм ҳақида».
11.05 «Интервью».
11.20 «Узганинг чиптаси».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Бунёдкор».
22.50 «Зўраки миллионер».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Миллий эстрада оркестрининг концерти.
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
9.50 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.00 «Мониторинг».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.30 Кураш. Республика турнири.
20.00 «Вести».
20.20 «Гурур». Сериал.
21.10 «Баҳодирлар ўйини».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Автоспорт. Ралли бўйича жаҳон чемпионати. Йил якунлари.
22.50 Еврофутбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Балто». Мультсериал.
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 «Сизнинг адвокатингиз».
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Оҳангларга айланган умр».
12.45 «Сарой жавоҳири».
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 Ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари.
15.15 «50x50». Ток-шоу.
16.05 «Йилнинг муҳим воқеалари». Қарши – 2700. 1-қисм.
16.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Саломатлик» дастури.
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Агар Сиз»
18.25 «Уч». Телесериал. 8-қисм.
19.05 «Омад зарлари». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Йилнинг муҳим воқеалари». Қарши – 2700. 2-қисм.
22.00 «Сарой жавоҳири». Фильм ҳақида фильм. 1-қисм.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
9.10 ДаврА.
9.40 Ракурс.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Ватанпарвар.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ватаним!
13.20 ТВ-дорихона.
13.30 CINEMANIYA.
14.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.00 Япония. Тадбиркорлар.
15.50 Ёшлик наволари.
16.00 Давр.
16.15 Хазина.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Эврика.
17.25 Болалар табассуми.
17.30 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
17.45 Давр-репортаж.
17.55 Бурч ва шараф.
18.00 «Сардор». Телесериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.25 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили: «Давр мавзуси».
20.40 Автопатруль.
21.00 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Ҳимоя».
9.55 «Бунёдкор».
10.40 «Зўраки миллионер».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Денгиз орзусида! 6500 метр чуқурликда».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 «Юғур Лола, юғур».
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
10.00 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Олам бўйлаб».
19.30 Кураш. Республика турнири.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Гурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Форт Боярд». Финал.
23.10 Еврофутбол.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Қувноқ стартлар».
2. «Балто». Мультсериал.
10.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.40 «Бизнинг қутубхона».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик кўриқхона».
12.35 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
13.00 «Сарой жавоҳири». Фильм ҳақида фильм. 1-қисм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Дж. Верди. «Риголетто». 1-қисм.
16.10 «Йилнинг муҳим воқеалари». Қарши – 2700. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Уч». Телесериал. 9-қисм.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик кўриқхона».
12.35 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
13.00 «Сарой жавоҳири». Фильм ҳақида фильм. 1-қисм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Дж. Верди. «Риголетто». 1-қисм.
16.10 «Йилнинг муҳим воқеалари». Қарши – 2700. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Уч». Телесериал. 9-қисм.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).

ИНСОНПАРВАР СИЁСАТ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган йиғилишдаги **«Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир»** номли маърузасида ижтимоий ҳимоянинг халқ турмушидаги теран моҳияти ва улкан аҳамияти алоҳида таъкидланди: **«2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади».**

Юртбошимиз ўз маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимизнинг гуллаб-яшнашига, турмушимиз фаровонлашувига хизмат этаётганини қайд қиларкан, бу борада олдимизда турган муҳим масалаларга ҳам эътиборни қаратдилар.

Дарҳақиқат, ўтган ўн беш йил мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз кўрсатган туб ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Аммо фаровонлик билан бир қаторда турмушимизда айрим муаммоларни ҳам бошдан кечирганимиз бор гап. Бироқ бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги бундай жузъий муаммолардан қатъи назар, мустақилликнинг илк йилларидан **«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари»** тамойили асосида юритилган сиёсат натижасида бугунги кунга келиб мамлакатимизда фаровон ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишга мустаҳкам замин яратилди. Зотан, Бош Қомусимизнинг асосий модда бобларида ҳам халқ манфаатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциямизнинг 2-моддасида: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»**, деб белгиланган бўлса, 14-моддасида: **«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши»** қайд этилган. Мамлакатда ижтимоий адолат принципларининг ўрнатилишида давлат бош ислоҳотчи эканлиги мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган ислоҳотлардан маълум. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бош тамойилидан бири ҳам айнан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ. Чунончи, **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**, **«Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»**, **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги сингари қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари аҳоли ижтимоий ҳимоясининг қонуний асосларини белгилаб берди. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган, кекса ёшдаги фуқароларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини давлат томонидан моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш мунтазам йўлга қўйилди.

Келажак авлод камолоти давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади. Айниқса, бу борада таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар салмоқлидир. **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, **«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»** асосида мамлакатимиз таълим тизимида туб бурилишлар содир бўлди. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, таълим тизимида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, **«2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»**ги Президент Фармони таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришда тарихий воқеа бўлди. Ушбу дастурга биноан беш йил давомида республикадаги мавжуд 9748 та мактабларнинг умумий ҳолатига кўра, уларнинг 2069 таси жорий, 3769 таси капитал таъмирланиб, 2313 таси капитал реконструкция қилинади, 325 таси эса янгидан бунёд этилади. Бу салмоқли рақамларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётган ижроси минглаб ўқувчи-ёшларнинг назарий ва амалий жиҳатдан қулай жаҳон андозаларига мос ўқув даргоҳларида таҳсил олишларига, самарали билим эгаллашларига кенг имконият яратиб бераётир.

Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги кенг кўламли бу ўзгаришлари жорий йилда ёрқинроқ намоён бўлди. **«2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**, деб эълон қилинишининг ўзи ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасини англатади. Мазкур йилда **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорга мувофиқ, ёлғиз пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, Республиканинг чекка, экологик жиҳатдан ноқулай туманларида истиқомат қиладиган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Дастур бўйича республикамизнинг туғруқ мажмуаларини, гемотология марказларини, шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг 12 та вилоят филиалларини ҳамда Республика онкология марказини замонавий технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Умуман, тиббиётдаги барча ислоҳотлар аҳоли ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган бўлиб, амалий жиҳатдан бугунги кунгача қилинган ишларда уларнинг улкан самарасини кўриш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимига доир дастурларни амалга ошириш давомида бугунги кунга келиб замонавий типдаги 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Республиканинг чека ҳудудларидаги шифохоналар ҳам малакали ходимлар билан таъминланди.

Мамлакат ижтимоий тизимидаги асосий вазифалардан яна бири аҳолининг иш билан бандлик масаласидир. Янги иш ўринлари яратиш, моддий манфаатдорликни ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш бўйича жорий йилда залворли қадамлар ташланди. **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент Фармони қўшимча иш ўринларининг ташкил этилишига, моддий манфаатдорликнинг ошишига асос бўлди.

«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, қорамол боқаётган деҳқон-фермерлар сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратди. Қарорда қишлоқ жойларда эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бепул сигир бериш, имтиёзли микрокретитлашнинг самарали механизмларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмагида кўп болали, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол ҳадя этилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида эришилган ютуқлар ҳам аҳоли ижтимоий ҳаётининг фаровонлашиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ҳамда 7-сентябрдаги **«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»**ги қарорлари аҳоли ижтимоий ҳимоясига кўрсатилган эътибор тобора кучайтирилаётганидан далолатдир.

Жорий йилда 2 минг нафар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилди. 23 минг нафар ёлғиз кишига ижтимоий хизмат кўрсатилди, кам таъминланган ва кексаларга қарийб 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Президентимизнинг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузасида таъкидланганидек, **«Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб сал кам 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд қийим-бош билан таъминланди.**

Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди».

Ўтган давр мабойнида жами 161 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилган бўлиб, улардан 18 таси янгидан барпо этилган, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси реконструкция қилинди.

2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинишида ҳам аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги назарда тутилгани шубҳасиз. 2007 йилда давлат бюджетининг 54,1 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани, кам таъминланган, кекса, ногирон, ёш болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бериладиган нафақалар учун бюджетнинг 7 фоизи ажратилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амал қилган фармойиши келтирилган: **«Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб берилсин. Агар фуқароларнинг бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин».**

Соҳибқирон бобомизнинг буюк давлатчилик тизимини барпо этишда қўллаган элпарвар фармойишлари асрлар оша бугунги кунда давлатчилигимизнинг энг инсонпарвар анъаналари сифатида давом этаётгани ғоятда қувонарлидир.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ,
«Инсон ва қонун» мухбири.

НУРОНИЙЛАР – ЮРТ ФАЙЗИ

Ёши улуғларни ўзбек халқи оқсоқол, мўйсафид, отахон, бобожон, дея ҳурмат қилишади. Уларнинг ҳаётда ўз ўрни бўлганидек, хонадонларимизга файзу баракот олиб киради, рўзғоримизнинг одил ҳакамларидирлар.

Эрталаб турганингизда ҳамма ёқни қор босганидек, кексалик ҳам тўсатдан бостириб келади. Бамисоли жасорат тугаб, ҳаёт ўз қадр-қимматини йўқота бошлаганга ўхшайди, ҳаёт ташвишлари яна кучайгандек бўлади. Киши кўпроқ хотиралар билан яшайдиган бўлади. Қуш қариса, қанотларининг қадрига етганидек, инсон ҳаёт қадрига ета бошлайди. Агар йигитлик даври елиб ўтса, қарилик чопиб ўтади.

Ўзбек халқида нуронийларимизнинг оқил-донолиги, меҳрибонлиги, адолат юзасидан иш кўришлиги ҳақида кўплаб нақлларимиз бор. Уларнинг дилини ранжитмаслик, ҳурматини сақлаш фарзлигини ёшларимиз доим ёдда тутмоқлари керак. Ўзбекистонда бирор қария йўққи, нафақа олмаса, эътиборда бўлмаса. Улар фарзандларига қарам эмаслар. Аксинча, уларнинг фарзандларига доим ғамхўрлик қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан мадад бўлишларини кўп эшитамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларга ҳаёт сабоқларини ўргатишда ҳам қарияларимизнинг ўрни муҳим. Ўз қадрини билган ёшлар албатта ота-оналари билан кенгашиб иш кўрадилар.

Айрим оилаларда баъзан турли тушунмовчиликлар келиб чиқишига дуч келамиз. Шундай пайтларда мен ёшларимизга оғир-босиқ бўлишликни тилардим. Чунки отангиз ёки онангизнинг олдида овозингизни кўтариб гапиришингизнинг ўзи одобсизликдир. Ота-оналарингиз бошқа шароитда ва муҳитда яшаганликларини эсдан чиқармасангиз ўзингизга фойда. Уларнинг дунёқарашлари ўз даврларига монанд, ҳозирги ёшларнинг фазилатларини ўзларига у қадар сингдира олмасликлари тайин. Бу воқелик ҳар бир жамиятда мавжуд. Кексаларимиз ёшларга сабри чидамай, баъзи ишларни бажаришга ўзлари уриниб кўришади, аммо кучлари етмайди. Кучлари тилларига кўчади, холос. Уларнинг ўгитларини тўғри тушунган ва қабул қилганлар хато қилмайдилар, албатта. Нима бўлганда ҳам, ота-оналарингизнинг дилларини оғритмасликка ҳаракат қилсангиз, ишларингизнинг унуми, ривожи бўлади.

Тўғри, бугунги техник асрда ёшларимизнинг дунёқарашлари бирмунча юксак. Улар янгича фикрлашади, янги ғоялар билан яшайдилар. Аммо доно халқимизда қари билганни пари билмас, деган пурмаъно нақл бор. Ёшларимизнинг ана шу нақлни дилларига жо этишларини истардим.

Мамлакатимизда қарияларга эътибор юксаклигини фахрланиб гапириш мумкин. Қарияларни қадрлаш йили эълон қилинганлигининг ўзи бизнинг руҳимизни кўтарди. Чунки ёш болалар сингари кексалар ҳам ғоят нозиктаъб, ширин сўзга маҳтал бўлишади. Бугунги қариялар асосан уруш йилларини бошдан кечирган одамлардир. Улар босиб ўтган машаққатли йўллар ёшларга доимо маёқдир. Таассуфки, уларнинг сони кундан-кунга камайиб бормоқда. Кириб келаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам қарияларимизга эътибор янада ортишига ишонаман. Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борада қилаётган ишлари таҳсинга сазовор. Жойларда ўтказилаётган байрам ва тантаналарда, учрашувларда кексаларга бўлган эъзоз-эътибор кўнглимизни кўтаради. Менимча, ҳам шундай. Қарияларимиз фақат маълум саналардагина эмас, ҳамиша эъзозда бўлишлари керак. Фарзандларимиз камолини кўриш учун чеккан машаққатларимиз роҳатини мана шундай фаровон ва дороломон кунларимизда, ўғил-қизларимизнинг эришаётган муваффақиятларида, деб биламан. Бу кунларнинг қадрига етиш кераклигини ёшларимизга доим уқтириб борсак, улар ўтган кундар қадрига етишлари аён.

Кексаликка етказганига шукр, дейлик. Аммо ёшлик шижоати барқ уриб турган билаклардаги куч-ғайрат қадрига ҳам етмоқлик, уни фақат ва фақат эзгу ишларга сарфламоқ бугун барча йигитларимизга насиб айласин.

Исомиддин ЭРБЎТАЕВ.

САЛОҲИЯТИМИЗ – ЮКСАК, ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ – КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун бу жараён ва унда эришилаётган ютуқларимиз ҳақида бемалол сўзлашимиз мумкин. Бугун Ўзбекистоннинг «қора олтини»га, газига жаҳон бозорида эътибор катта. Энг муҳими кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар соҳага сармоядорларнинг қизиқишини оширмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг нефть ва газ бўйича 2005–2020 йилларга мўлжалланган геологоразведка ишлари стратегик дастури бунда муҳим аҳамият касб этяпти. Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

– «Газпром» Россиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган энг йирик компаниясидир. Ушбу ҳамкорликнинг муваффақиятлари бизни қувонтиради. «Газпром» Россияда, МДҲ нинг бошқа мамлакатларидаги конларни ўзлаштиришда катта имкониятларга эга. Ўзбекистон эса нафақат газ соҳасида катта салоҳияти, балки минтақамиздаги мамлакатларда қазиб олинадиган газни ташиш борасида ҳам улкан имкониятларга эга, – деди давлатимиз раҳбари қабул чоғида.

Дарҳақиқат, бундайин ҳамкорлик ҳар иккала томон учун манфаатлидир. Тилга олинаётган компания Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, Марказий Осий газини мамлакатимиз орқали ташиш каби устувор вазифаларни кўзлаган, мазкур ҳамкорликдан. Биз эса дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи улушига тўғри келадиган мазкур йирик компания билан ҳамкорлик натижасида газ қазиб олишни, газ савдоси ҳажмини кенгайтириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнини янада шакллантиришга муваффақ бўламиз. Масалан, Шоҳпахта конини ўзлаштириш борасидаги келишувимизга асосан 2004 йилда бу ердан 200, 2005 йилда 500 миллион куб метр газ қазиб олинган. Якунига етаётган йилимизда эса бу кўрсаткич 1 миллиардга етиши кутилаётир. Ҳамкорликларимизнинг бундайин самаралари ҳақида узундан-узоқ тўхталиш мумкин.

Мавзуни бежиз муҳим табиий бойликларимиздан бири бўлган газга қаратмадик. Ўзбекистонда асосан табиий газ конлари учраши сабабли ҳам хорижий сармоядорларнинг, айниқса, Россия, Хитой, Европа компанияларининг соҳага қизиқиши кучаймоқда. Шунинг учун ҳам тилга олинаётган 15 йиллик стратегик дастурда республикамиз бўйича газ захиралари ҳажми 1,015 триллион куб метрга ошиши кўзда тутилган. Дастур ижросининг дастлабки беш йилида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси 150га яқин истиқболли объектларда чуқур бурғулаш ишларини олиб боришни режалаштирган. Кенг қамровли ва истиқболли режаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида эса 2010 йилга бориб газ қазиб олиш йилига 65 миллиард куб метрга етиши кўзда тутиляпти. Шунингдек, прогнозларга кўра, 2014 йилга бориб Ўзбекистон қўшни мамлакатларга 20-22 миллиард куб метрга яқин газни экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлиши мумкин экан.

«Узбекистан тудей» газетасида ёзилишича, энергиядан оқилона фойдаланиш, саноат эҳтиёжи учун зарур қувватнинг муайян қисмини қўмир ёрдамида олишимиз сабабли тилга олинаётган табиий ресурсдан фойдаланишимиз 2010 йилга бориб йилига 5 миллиард куб метрга камаяркан. 2020 йилгача эса бу кўрсаткич 32 миллиардга етиши кўзланмоқда. Буни нега таъкидлаяпмиз? Сабаби Ўзбекистон Марказий Осиёда энг йирик газ истеъмолчиларидан бири саналади. Аниқроғи қазиб чиқарилаётган газнинг салкам 80 фоизи мамлакатимиз ички эҳтиёжи учун сарфланади. Бу рақамлар тили билан айтганда, йилига 50 миллиард куб метр, дегани. Айнан шу мақсадлар йўлида ҳукуматимиз соҳага 760 миллион доллар сармоя жалб этишни режалаштираётганини газета ёзади. Янаям аниқроқ қилиб айтганда, табиий газнинг транспортировкасида тежамкорликка эътибор берилиб, бу борадаги чора-тадбирлар учун шу маблағнинг 300 миллиони сарфланаркан. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу саъй-ҳаракатлар экспорт салоҳиятимизни оширади. Демакки, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги янада ошади, дегани, бу.

Бугун фахримиз, ғуруримизга айланган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси йигирма биринчи асрга Марказий Осиё минтақасида энг улкан ёнилғи энергетика ресурсларини ишлаб чиқарувчи сифатида қадам қўйди. Юқорида фақатгина Россиянинг компанияси мисолида ҳамкорликка эътибор қаратгандик. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий холдинг компаниямиз кириб келаётган янги йилда Хитой компаниялари билан ҳамкорликлар кўламини кенгайтиради. Буни Хитой Эксимбанкининг 2007 йилда 12 та лойиҳа учун 385 миллион доллар кредит ажратиши мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин. Жанубий Кореянинг компаниялари эса 2006–2010 йиллар давомида Ўзбекистондаги нефтгаз лойиҳаларига 1,122 миллиард доллар сармоя киритилиши кўзда тутилган. Хусусан, Кореянинг «КОГАЗ» газ корпорацияси Устюртда 2006–2009 йилларда амалга ошириладиган ишлар учун 1,022 миллиард доллар сармоя ажратиши режалаштирилган.

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон газига қизиқиш ортиб, рақобат кучаяр экан, бу ишлаб чиқарувчининг манфаатдорлиги ҳам ортади, дегани. Масалан, 2007 йилнинг 1 январидан газни экспорт қилиш баҳоси ошади. Россиянинг «Газинвест» компанияси директори Владимир Волокотининг айтишича, 2012 йилнинг охиригача Ўзбекистондан 87 миллиард куб метр газни сотиб олиш режалаштирилаётган экан. Шунингдек, Украинанинг «Нафтогаз Украини» компанияси, Қозоғистоннинг «КазТрансгаз» компанияси ва бошқа хорижий компаниялар Ўзбекистон газига харидор бўлишмоқда.

Буларнинг бари яқин истиқболда Ўзбекистон газ саноатининг изчиллик билан ривожланишини, мазкур соҳадаги улкан салоҳиятимиз жаҳонга янада бўй кўрсатишини, пировардида Ватан обод, халқ фаровон бўлиб бораверишини таъминлайди.

Шерзод ҚУРБОНОВ.





(Давоми. Боши 1-бетда).

Мақоламиз аввалида эса сизга таниш бўлган, Шарқ шоиралари сафидан муносиб ўрин эгаллаган назм гулшани маликалари ҳақида тўхталишга қарор қилдик.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ

Бобурийлар сулоласидан бўлмиш Аврангзебнинг қизи Зебуннисо бегим 1643 йили Деҳлида таваллуд топган. Онаси Дилрасобону Гулбадан бегимнинг авлодларидан. Маърифатпарвар шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихчи ва тазкиранавис олимларнинг асарларида қимматли маълумотлар учрайди. Отаси Аврангзеб қизида шеър ва шоирликка майл сезгач, ўша даврнинг машҳур олими Мулло Муҳаммад Саид Ашраф Исфаҳонийни унга муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим бу олимнинг тарбиясида забардаст шоира, олима, созанда ва хаттот бўлиб вояга етади. Шоира ўзбек, форс, араб тилларининг сарфу наҳви – (морфология ва синтаксис)ни ўзлаштирган. Хусрав Деҳлавий, Навоий, Бобур асарларини синчиклаб ўрганган. Ҳиндистон олимлари, шоирлари ва санъат аҳлига ғамхўрлик қилиб, илм ва санъатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ўша замоннинг кўп олимлари шахсан Зебуннисо бегимдан маош олганлар. Шунинг учун тарихчилар унга юксак баҳо бериб, отаси ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни шоира илм ва одоб билан қозонган деб таъкидлайдилар.

Шоира ижодининг шаклланиши ва камолга етишида адабий муҳитнинг таъсири кучли бўлган. Айниқса, Зебуннисо бегимнинг Бедил билан мушоиралар қилиши икки буюк истеъдод шеъриятига барҳаётлик бағишлади.

Шоира мураккаб, зиддиятли бир даврда яшаб, ижод этди. Мамлакатдаги нотинч ҳаёт, салтанат учун курашнинг авж олиши шоира дунёқарашини тубдан ўзгартирди. У инсоннинг гўзаллиги келтирган фойдали ишида, меҳнатида, қадр-қиммати эса унинг мақсадида деган. Зебуннисо бегимнинг асосий машғулоти шеърият, мусиқа, илм бўлиб, у бутун ҳузур-ҳаловат, тақдир ва бахтни, ҳатто кишилар орзу қилган жаннатни ҳам китобда – илмда, деб билган. Шоира лирик шеърлар билан бирга одоб ва ахлоққа оид «Зеб ут-тафосир» («Гўзал тафсирлар»), «Зеб ун-нашот» («Нашъалар зийнати») ва тасаввуф фалсафасига доир бир қатор рисолалар ҳам ёзган. Шеърлари Марказий Осиёда, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Ғазаллари ўзбек халқининг севимли қўшиқларига айланган.

БУЮК МОМОЛАРИМИЗ – СУЮК МОМОЛАРИМИЗ

Лайли зотидан эсам-да,
дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур,
лекин йўлим тўсгай ҳас...
Шаҳ қизи бўлсам-да,
қилдим фақр йўлини ихтиёр
Бас менга бу зебу зийнатким,
отим Зебуннисо.

Мақоламиз орқали сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган яна бир ҳассос шоирамиз бу –

УВАЙСИЙ

«XIX асрда етишган уч забардаст шоиранинг бири ва энг машҳури Увайсийдир», дея ёзган эди таниқли адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов ўзининг «Ўзбек шоиралари» китобида.

Исми Жаҳон бўлган миллатимизнинг юксак иқтидорли шоираси 1779 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. У оилада хат-саводини чиқариб, акаси Охунжон ҳофиздан шеърият илмини ўрганган ва тез орада шоира сифатида танилган.

Увайсий арузни, муаммо (шеърда фикрни яширин ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Шоира Қўқонда Умархон саройида бўлиб ўтадиган адабий мунозара ва мушоираларга қатнашган ва ўз замонидаги машҳур шоирлар қаторида муҳим ўрин эгаллаган. Шунингдек, саройда Нодира ва бошқа хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган.

Увайсий мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида қалам тебратган иқтидор соҳибидир. Ижодининг ғоявий мавзу доираси теран ва кўп қиррали. Шоиранинг тўрт девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл қўлёзмалари топилмаган. У ўз асарларида юксак одамийликни, вафо ва садоқатни улуғлайди. Шеърларидаги бетакрор ташбеҳлар ҳар қандай назм мухлисини ҳайратга солиши табиий ҳол. Айниқса, шоиранинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади.

Бу на гумбаздур эшиги,
туйнутидан йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар
манзил айлабдур макон.
Туйнутин очиб, аларнинг
ҳолидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуғлиқ
турарлар, бағри қон.

Увайсийнинг асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан халқнинг севимли мулкига айланган. Шоира ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Шунингдек, унинг лирик шеърларидан ташқари «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Ҳусан» каби лиро-эпик асарлари ва «Воқеоти Муҳаммад Алихон» каби тарихий достонлари мавжуд. Унинг гўзал туйғуларга уйғун ғазаллари эса мақом ва халқ оҳангларида куйланиб келинади.

Ўқувчиларимиз суҳбатимиз давомида ўзбек халқининг улуғ шоираси Нодира бегим ҳақида тўхталишимизни кутишаётган бўлса ажабмас. Бироқ биз мақоламизни ўзга бир шоира аждодимиздан давом эттиришга қарор қилдик. Хўжандда туғилиб Жиззахда яшаб ижод қилган бу шоира

МУАЗЗАМХОН

Қаю мажлис ароким шарҳи
аҳволим баён қилсам,
Кўзидин қон тўкар ҳар ким
эшитса достонимни.
Муаззам, бир қаландарман,
жаҳонда ҳеч нишоним йўқ,
Нишон деб сафҳага чектим
рақам назми равонимни.

Услубнинг равонлиги, фикрнинг аниқлиги, ифодани таъсирли ташбеҳларда ўқувчига етказиш шоиранинг ижодига хосдир. Муаззамхоннинг девон тартибида тузилган 1000 мисрадан ортиқроқ ғазаллари ва шеърлари бизгача етиб келган. Отаси Мирсаид ўз замонининг ўқимишли кишиси бўлиб, у ҳамма болаларини, жумладан қизининг ҳам хат-саводли, билимли бўлишига эътибор беради. Болаларида адабиётга завқ-шавқ уйғотади. Улар билан адабий баҳслар ўтказиб, муаммоларни ҳал этади, шеърий чистонларни (топишмоқлар) ечади. Ана шундай адабий ўтиришларнинг бирида бир чистонни ечолмай қоладилар. Шунда, отаси билан акаси орасидаги баҳсни кузатиб турган ёш Муаззамхон ийманибгина «Бундай эмасмикан», деб чистонни тўғри ечиб беради. Шундан сўнг отаси унинг ўткир зеҳнига қойил қолиб, бўлажак шоиранинг тарбиясига алоҳида эътибор беради. У шеър машқ қила бошлайди. Бироқ ўн олти ёшида турмушга чиққан шоира ижод неъматларини сир сақлаб келади. Аммо, ўткир истеъдод соҳиби шеърларининг тез орада Жиззахда донғи чиқиб, бу овоза Тошкентгача тарқалади.

Муаззамхон ўзбек ва форс классик адабиётининг йирик арбоблари ижоди билан чуқур танишган ва аруз вазнини мукаммал ўзлаштирган шоиралардир. У юқорида келтириб ўтганимиздек, шеърларини келажак авлодларга мерос, нишона бўлиб қолишини орзу қилган. Шоиранинг бу эзгу нияти рўёбга чиқди, десак янглишмаймиз. Унинг ажойиб ғазаллари авлодлар учун абадий ёдгор бўлиб қолди.

Хоразм санъатининг ўзига хослиги барчамизга маълум. Бу ўзига хослик хоразмлик шоирларнинг ижодида ҳам яққол кўзга ташланади. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган назм гулшанининг ушбу камтар бекаси ёзган шеърлар ҳам ҳали-ҳануз шўхшодон қўшиқларга мавзу бўлиб келмоқда. Ушбу суюк момомизнинг тахаллуси

ОЖИЗА

Асл исми Анабиби бўлган шоиранинг бу тахаллус билан шеърлар битишига кўзининг туғма кўрлиги сабабчи бўлган. Ногирон қизчанинг зеҳн ва хотираси кучлилигини ҳисобга олган ота-онаси уни Хива шаҳридаги Бибижон халфага шогирд қилиб берадилар. Қизчадаги ёқимли ва ширадор овоз уни ўн ёшидан бошлаб қўлига соз олиб тўй-томошаларда ашула айтишига сабаб бўлади. Кўзлари ожиз бўлганлиги учун халқ уни «Анабиби Қори», дея атайдилар. Ёши улғайиб ўзидаги иқтидор юзага чиққани сайин у энди қўшиқ сўзларини ўзи ижод қилиб куйга сола бошлайди. Хоразмда санъаткор аёлларни халфалар деб аташларидан хабарингиз бўлса керак. Бу унвонни олиш учун эса зўр санъаткор бўлмоқ лозим. Ожиза ушбу унвонга лойиқ бўлиш билан бирга, гўзал шеърлари билан шоира сифатида юртга танилади. Шоиранинг

Ман сиздан айларам бир яхши савол,
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?
Муборак айлагай Ватаннинг боғин,
Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз?..

ёки

Кеча-кундуз йўлларини қарийман,
Келмади-келмади, нечун келмади?
Рўмол олиб хуни гирён йиғлайман,
Келмади-келмади, нечун келмади?

каби сатрларига кўзингиз тушган заҳоти бу содда, қалбга яқин мисраларни яқин бир асардирки халқ қўшиғига айланиб, ҳамон давраларда куйланаётганлигига амин бўласиз.

(Давоми бор).

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

«ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДА!

Маълумки, юртимизда 10 ноябрда бошланган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» 10 декабрга қадар давом этди. Барча ташкилот ва муассасаларда бўлгани сингари Мудофаа вазирлигига қарашли объект ва ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини кучайтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида бу борадаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, барча ҳарбий объектларни ҳамда ҳарбий хизматчилар яшаб турган уй-жойларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш; газ, энергетика ва сув билан таъминлаш тизимининг, иситиш асбобларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратиш; ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини доимий соз ҳолатда сақлаш шулар жумласидандир.

Ойлик доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлдик. Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари хизмати бошлиғи лейтенант Баҳодир Бегимов қисм шахсий таркиби билан назарий машғулот ўтаётган экан. Сўнгра амалий машғулотларга навбат келди. Унда ўт ўчириш воситасининг қўлланилиши, тўғри фойдаланиш қоидалари ва самарадорликни ошириш усуллари намойиш этилди.

Шунингдек, офицер Баҳодир Бегимов қўл остидаги муддатли ҳарбий хизматчилар – Ўткир Маърупов (ҳайдовчи), Ҳамза Авазов (катта ўт ўчирувчи-қутқарувчи) ва Содир Гадоев (ўт ўчирувчи-қутқарувчи) билан бирга ўт ўчириш машинаси, унинг таркибий қисмлари ва амалда қўлланилиши ҳақида ҳарбий хизматчиларга маълумот берди.

Машғулотлар давомида муайян объектда ёнғин содир бўлганда энг аввало, нима қилиниши лозимлиги, ортиқча саросимага берилмаган ҳолда имкон қадар ўз хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғиндан зарар етганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хусусида ҳам батафсил гапирилди.

Ҳа, сув балоси, ўт балосидан асрасин, дея бежизга айтишмайди. Чунки уларнинг қаршисида кўпинча одамзод ожиз қолади. Бироқ, уларнинг олдини олиш, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, асосийси, доим огоҳ бўлиш ўзимизнинг, ҳар биримизнинг қўлимизда.

Катта лейтенант Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ.

ГЛАВНОЕ – ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ РАБОТА

На личный состав противопожарных подразделений возложена важная и благородная задача – стоять на страже военных объектов, оберегать и защищать от огня жизни людей, оказывать посильную помощь командованию в организации противопожарной защиты на объектах воинских частей.

Инспекторский состав противопожарных подразделений в своей служебной деятельности занимается предупреждением пожаров путем осуществления своевременного контроля за выполнением противопожарных мероприятий по устранению недостатков, выявленных в ходе проведения пожарно-технического обследования объектов Министерства обороны.

Во время посещения одной из частей, где служит офицер Иноят Тухатамишев, установлено, что личный состав хорошо обучен правилам пожарной безопасности, здесь регулярно проводится разъяснительная работа по мерам пожарной безопасности. Разработан и согласован с местной пожарной частью план противопожарной защиты. Все объекты приведены в пожаробезопасное состояние. Еженедельно проводятся практические занятия с личным составом части по тушению условного пожара. На объектах созданы уголки пожарной безопасности. Еженедельно проверяются командованием части знание личным составом требований, норм и правил пожарной безопасности, их действий на случай возникновения пожара.

Пожарная команда, которой руководит сержант Александр Камалов с военнослужащими срочной службы М.Хамзаевым и О.Нархожаевым, ежедневно с особой тщательностью проводит проверки противопожарного состояния складов и помещений перед их закрытием после окончания рабочего дня.

Вот уже несколько лет по результатам итоговой проверки призовые места занимают пожарные команды, которыми руководят офицер Зокир Кенжаев, сержанты Александр Камалов, Кемал Абибуллаев, Фарход Шерматов и служащий ВС Эркин Жураев.

Согласно Программе боевой и специальной подготовки с личным составом противопожарных подразделений проводятся теоретические и практические занятия. Пожарная техника и первичные средства пожаротушения содержатся в постоянной готовности. Своевременно проводится техническое обслуживание пожарной техники, на объектах созданы нормативные запасы воды для целей пожаротушения, приведены в исправное состояние пожарные водоемы, гидранты и внутренние пожарные краны зданий и сооружений.

Немалая заслуга в организации и приведении объектов в пожаробезопасное состояние инспекторского состава противопожарных подразделений Министерства обороны. Следует отметить офицеров Рамазана Атажанова, Баходира Хамидова, Орзу Исмаилова, Садриддина Барноева, Дмитрия Кима и Голибжона Холмирзаева.

Хочется отметить и работу офицеров Уктама Хайитова, Гайбулло Юлдашева, Абдусодика Юсупбаева и Баходира Бегимова, которые в короткий период прохождения службы на занимаемых должностях освоили свои функциональные обязанности и добросовестно относятся к их выполнению.

И хотя месячник пожарной безопасности закончился, работа пожарных не останавливается, постоянно проводятся пожарно-профилактические мероприятия, ведется контроль за их выполнением и оказывается посильная практическая помощь в организации противопожарной защиты.

Полковник Джура ХАМРАЕВ, начальник отдела противопожарной защиты и спасательных работ КЭУ Министерства обороны.



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида бўлгани каби мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгашига қарашли Шаҳрисабз автомобиль мактабида ҳам 2006-2007 ўқув йилининг биринчи босқичи бошланди. 2005-2006 ўқув йили иккинчи босқичини муваффақиятли якунлаган мактаб жамоаси навбатдаги мавсумга ҳам ғоят жиддий тайёргарлик кўрди.

Ушбу автомобиль мактаби 1981 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. Кейинги йилларда бу ерда бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Бу албатта мактаб етакчисининг саъй-ҳаракатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Луқмон Абдураҳмонов бу ерда ишни оддий ўқитувчиликдан бошлаган. Фидойи муаллимнинг кўп йиллик тажрибага эгалиги, мактаб иши учун жонкуярлиги эътиборга олиниб, 2003 йилда етакчи этиб тайинланди. Кўп ўтмай бу вазифага муносиб номзод тайин қилинганлиги амалий ишларда ўз тасдиғини топди.

Автомобиль мактабининг ташкил этилганига йигирма йилдан зиёд вақт ўтган бўлса ҳам бу ерда ҳамон курсантлар учун ётоқхоналар мавжуд эмасди. Бундай ҳолат мактабдаги таҳсилга ҳам, бу ерда таҳсил олувчилар тарбиясига ҳам таъсир қилмасдан ложи йўқ. Узоқ туманлардан қатнаб ўқийдиган ёшларнинг шу яқин атрофдаги маҳаллаларда ижарада яшашлари тарбиявий ишларда бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Яшаш шароитлари кўнгилдагидек бўлмаган ёшларнинг билим олишга иштиёқлари ҳам у қадар баланд бўлмаслиги табиий. Ана шуларни эътиборга олиб янги ўқув мавсуми мактабда ёшларни бир қанча ижобий янгиликлар билан қарши олди.

Бу ерда амалга оширилган катта ишлардан бири курсантларнинг барча шароитлари бадастур ётоқхона билан таъминланишлари бўлди. Бундай шароит ўз навбатида таълим-тарбия жараёнига ўзининг янада кўпроқ ижобий ҳиссасини қўшади. Турли-туман адабиётлар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган кутубхона, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари хонаси курсантлар хизматида. Курсантларнинг бир жойда жамлиги уларнинг машғулотлардан бўш вақтларини сермазмун ўтказишларига ҳисса қўшади.

Шаҳрисабз туман кутубхонаси билан ҳамкорлик турли-туман қизиқарли тадбирларнинг уюштирилишини таъминламоқда. Маданий-маърифий тадбирлар мактаб ҳудуди яқинида жойлашган маҳаллалар билан ҳам ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бундан ташқари имкон қадар маҳалла учун ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади. Катта таъмирлаш ишларининг олиб борилганлиги машғулотларнинг юксак савияда олиб борилишини таъминлади. Чунки таъмирлаш билан бир қаторда замонавий техник жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилди.

Қилинган ишлар ҳақида гапириш осон, албатта. Узоқни кўзлаб бажарилган вазифалар аҳил жамоанинг фаолияти «излаган имкон топади» деган сермаъно фикрга ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади. Қаровсиз, ташландиқ жойлар, кераксиздек бўлиб қолган баъзи бинолар таъмирлашдан сўнг тадбир билан иш олиб бориш ҳамиша ўзини оқлашини амалда яна бир бор исботлади.

Айни кунларда Шаҳрисабз автомобиль мактабида машғулотлар қизғин кун тартиби асосида олиб борилмоқда. Мазкур мактабда таҳсил олган қатор ёшлар ўз иқтидорлари, эгаллаган касблари билан миллий армия сафларида ўз бурчларини сафдошларига намуна бўлиб ўтадилар, ўташмоқда. Булар ҳақида собиқ курсантларнинг ўзлари, улар хизматидан мамнун бўлган қисм қўмондонлигининг мактаб номига келган миннатдорчилик мактублари орқали билиш мумкин.

Мактабни бежизга тарбия ўчоғига қиёс қилмайдилар. Бу ерда тарбияси оғир ўсмирлар билан ҳам иш олиб борилади. Улар билан ўз касбининг моҳир усталари, тажрибали педагоглар шуғулланишади. Бу ҳар доим ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

– Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама соғлом, баркамол, етук ёшлар билан бутлашдек масъулиятли вазифада мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари автомобиль мактабларининг ҳам алоҳида ўрни бор, – дейди мактаб етакчиси Луқмон Абдураҳмонов. – Олиб бораётган барча ишларимиз замирида мамлакатимиз эртаси бўлган ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялашдек эзгу мақсад турибди.

Ўйлаймизки, Шаҳрисабз автомобиль мактаби фидойи жамоасининг бу борадаги фаолияти кўпларга намуна бўла олади.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

СТАТЬ ЧЕСТНЫМ С САМИМ СОБОЙ – ПЕРЕД БОГОМ, ДЛЯ ЛЮДЕЙ

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

(Продолжение. Начало в предыдущем номере).

Многие из инструкторов были профессиональными военными. Это чувствовалось по их военной выправке и уровню технического образования. Обучали по группам – обращению со стрелковым оружием нескольких систем, снайперской стрельбе, стрельбе из гранатометов и минному делу. Я был только в первой группе. Далее – занятия по тактике ведения боевых действий в горных условиях и небольшой курс по диверсионной работе в условиях населенных пунктов. Само собой, обязательные занятия по исламу и спортивной подготовке.

Каким Хаттаб был в жизни? У меня своя мерка людей. На мой взгляд, он был очень набожный. Но богословом я его не считаю. Артистичный оратор. Был ли хорошим военным тактиком? Наверное, нет. Солдатом – да. Нрава был веселого. Часто балагурил и любил незло подшучивать над подчиненными. Но никак не над собой. С этим было строго. Всегда был активен во время видеосъемок боевых действий. Мне кажется, не стань он боевиком, быть ему режиссером документального кино. Фильмы снимали и для отчетов спонсорам и для учебных пособий.

Любили ли боевики попадать в кадры? За редким исключением – нет. Все мы люди. И все не лишены страха наказания. Да, конечно, и закона. В кадр не боятся попасть только самые «отмороженные» из боевиков. Те, кто знает, что не даст захватить себя живьем. Пошел бы я на самоуничтожение? Нет.

Виделся ли я с Шамилем Басаевым? Да, несколько раз. Он всегда казался мне больше политиком, нежели идеологом. Кто из них был сильным религиозным идеологом – Басаев или Хаттаб? Знаете, это ошибочное мнение, что в группировке военный руководитель одновременно и идеолог.

Повторюсь – ни Хаттаба, ни Басаева глубокими знатоками ислама я не считаю и сейчас. Они глубоко верующие мусульмане. Кстати, Усаму бен Ладена тоже ошибочно считают главным идеологом «Аль-Каиды». Да, я согласен с вами, что он фанатик-салафит, знаток ислама и хороший оратор. Но не более того. У меня есть информация, кстати, ее знают и другие боевики, что идеологами самого Бен Ладена были и являются богословы-шейхи – арабы Абдуллох Мухонеир, Абу Хаяре Миерай, Абу Мусаб Сурий. Кто-то один из них, кажется, погиб. Так вот, именно они и «рулят» идеологией, и именно они – «мозговой центр», куда на правах спонсора и военного тактика входит и Бен Ладен. Именно идеологи улемы подсказали ему тактику втягивания американцев в «афганский котел» для планомерного выматывания и уничтожения. На это не «клюнул» Клинтон, зато после 11 сентября американцы залезли в «котел» двумя ногами. Кстати, террористические акты 2001 года – это только часть плана, и совершены они не по единоличному призыву Бен Ладена. Он только часть широкой джихадистской системы. Точно так же, как Хаттаб, Шамиль Басаев, Тахир Юлдашев или любой другой, кто придет им на смену. И все они только военные исполнители джихада. Да, высокооплачиваемые, но все же исполнители. И не они обосновывают джихад.

Есть ли у спецслужб стран антитеррористической коалиции возможность их физического уничтожения? Конечно! Но для каждого из названных мной лидеров условия их уничтожения должны иметь разный уровень подготовки и исполнения. Наверное, важно помнить о сплетении многих и многих интересов – политических, религиозных, финансово-коммерческих. Ведь все эти лидеры – часть крупного бизнеса, в том числе наркобизнеса. Пусть не в равной доле своего участия и распределения прибыли, но все же участники. Можно ли считать наркотики частью биологического оружия? Наверное, да. Ведь чем больше наркотиков попадет, за пределы Афганистана, тем больше вероятность разложения неисламской общественной системы. Мусульмане-то наркотики не потребляют.

Принимал ли я участие в боевых действиях на территории Чечни? Нет. Аллах миловал. Знаете, я вообще не военный человек. Скорее всего, мое желание стать боевиком – дань даже не юношеской романтике, а детству, в котором каждый из нас играл в войну и, наверное, не мог наиграться.

После обучения в Чечне – карантин в боевом лагере ИДУ и выполнение поручений, не связанных с прямым участием в боевых действиях. Одно из поручений – подготовка февральских (1999 г.) террористических актов в Ташкенте. Да, я был в некоторых арабских странах – Турции, Иране и Пакистане. Но, в основном, находился в Афганистане. Был и в Казахстане и Кыргызстане. Чем занимался? Организацией и содействием. Но никогда сам не принимал участия в боевых операциях. Одно время был телохом (телохранителем) Тахира Юлдашева. Охранял и членов его семьи. Хороший ли он семьянин? Я его таковым не считаю. Считаю ли себя хорошим семьянином? Нет. Знаете, трудно называть себя хорошим семьянином после того, как создал проблемы своей жене и трем детям, ввергнув их в условия, в которых они и сейчас находятся, то есть без средств к существованию и гражданского статуса. В глазах соседей они просто – семья боевика. Хочет ли жена вернуться домой в Узбекистан? Да. Я знаю, что многие уже вернулись, но еще больше хотят того же, но боятся. Боятся оттого, что не знают, что их ждет на родине. Вернулись те, кто поверил в гарантии Президента Каримова. И правильно сделали. Пусть некоторых из них все же наказали по закону, но, насколько я знаю, они и об этом не жалеют. Лучше отбыть тюремный срок на родине, изредка видя близких, родных, и знать, что они в безопасности, нежели гнить или погибать в Афганистане или Пакистане во имя идеалов призрачной халифатовской государственности под руководством Тахира Юлдашева.

Если бы я знал, что здесь не пытают и не издеваются, я бы при всех угрозах Тахира Юлдашева давно бежал от него и вернулся бы с семьей на родину. Да и не я один. Наверное, есть в этой тюремной системе свои издержки. Но ради того, чтобы оказаться на родине, можно и это пережить. Подвергался ли я пыткам и издевательствам? Нет, ни в пакистанской тюрьме, ни здесь, в ходе следствия, я не подвергался никаким пыткам или психологической обработке. Говорю об это искренне и могу подтвердить это многократно!

Откуда в ИДУ информация о пытках и издевательствах? Об этом постоянно говорил сам Тахир Юлдашев. Это постоянно внушают рядовым боевикам. Да я и сам читал об этом в интернете. Кстати, и ваши правозащитники постоянно говорят об этом, не ведая того, что многие боевики именно из-за подобной информации боятся возвращаться на родину».

(Продолжение следует).

Айдын ГУДАРЗИ.

ЕСЛИ БЫ Я ЗНАЛ, ЧТО ЗДЕСЬ НЕ ПЫТАЮТ И НЕ ИЗДЕВАЮТСЯ, Я БЫ ПРИ ВСЕХ УГРОЗАХ ТАХИРА ЮЛДАШЕВА ДАВНО БЕЖАЛ ОТ НЕГО И ВЕРНУЛСЯ БЫ С СЕМЬЕЙ НА РОДИНУ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Согласован проект резолюции

Совет безопасности ООН согласовал основные положения компромиссного проекта резолюции по Ирану. Решено, что санкции для Тегерана должны распространяться лишь на деятельность, связанную с обогащением урана, химической переработки облученного топлива, проектами, основанными на тяжелой воде, и производством средств доставки ядерного оружия, передает РИА Новости.



100 миллиардов на войну

Президент США собирается запросить приблизительно 100 млрд. долларов на дополнительные расходы на ведение войны в Ираке и Афганистане. Такая огромная сумма обозначает резкий рост стоимости войны в Ираке на фоне пессимистических настроений общественности и все более громко звучащих требований о выводе войск из Ирака.



Преступники похитили учащихся

На Гаити вооруженные бандиты похитили по меньшей мере 15 учащихся колледжей и увезли их в неизвестном направлении. По словам очевидцев, похитители, угрожая оружием, заставили остановиться автобус, перевозивщий к месту учебы подростков, и скрылись на нем.



Вымысел о распаде страны

Государственный бельгийский канал РТБФ выпустил в эфир двухчасовую передачу, в которой сообщалось о распаде Бельгии на Фландрию и Валлонию. Передача вызвала такой резонанс, что даже премьер-министр страны распространил заявление, назвав «безответственной» программу РТБФ, в которой «о распаде Бельгии сообщалось как о реальной новости».



Деление островов «поровну»

Министр иностранных дел Японии Таро Асо предложил «разделить поровну» территорию спорных островов Курильского архипелага и таким образом решить существующую в российско-японских отношениях проблему. Такое предложение прозвучало пока неофициально. В ответ на запрос ИТАР–ТАСС официальный представитель министерства заявил, что слова Таро Асо были неверно истолкованы.



Из тюрьмы досрочно

Американский врач, известный своей борьбой за легализацию эвтаназии, Джек Кеворкян, отбывающий длительный тюремный срок за убийство неизлечимо больного пациента, будет досрочно освобожден из заключения в июне 2007 года. Такое решение принял совет по помилованиям в департаменте исполнения наказаний штата Мичиган. С 1990 года доктор, по его утверждению, оказал помощь в совершении самоубийства по меньшей мере 130 пациентам.



Взятки от компании «Siemens»

Компания «Siemens» сообщила, что за семь лет на взятки было потрачено 556 млн. долларов. Коррупционный скандал в компании, которую обвиняют в том, что для получения выгодных контрактов она давала крупные взятки, набирает обороты. По результатам внутренней проверки «Siemens» сообщила, что объем взяточничества в компании как минимум в два раза больше того, что насчитала полиция, сообщает газета «Ведомости».



Почетный «Оскар-2007»

Итальянский композитор Энио Морриконе вошел в число лауреатов премии Американской киноакадемии. На торжественной церемонии награждения в феврале 2007 года он получит «Оскара» за вклад в развитие кинематографа. Об этом Reuters сообщили в оргкомитете премии. 78-летний композитор за свою 45-летнюю карьеру написал музыку более чем к 300 кинокартинам. Церемония вручения статуэток «Оскара» пройдет в Лос-Анжелесе 25 февраля 2007 года.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ҚАЛБЛАРДА УЙҒОНАР КАСБГА САДОҚАТ



Ғайрату шижоати билан ҳарбий қисмда обрў қозонган шартнома бўйича хизмат сержанти Улуғбек Камолов ҳамда унинг рафиқаси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Манзура Каримоваларни сафдошлари профессионал посбон сифатида яхши билишади. Миллий армиямиз сафларида ўн икки йилдан буён хизмат қилаётган ҳарбий либосли бу жуфтликнинг номини бугун кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

– Булар ҳақида ҳар қанча ижобий фикр билдирсанг арзийди, – дейди офицер И.Умаров. – Бир неча йилдан буён битта сафда хизмат қилаётган бўлсак, улар доимо ўқув мавсумида жамоанинг илғорлар сафидан жой олиши учун ҳаракат қилишади.

Сержант Улуғбек Камолов батальонда таъминот гуруҳи бошлиғи бўлса, рафиқаси оддий аскар Манзура Каримова катта планшетчи вазифасида хизмат қилади. Бундай олиб қараганда ҳар иккаласининг вазифаси ҳам ниҳоятда масъулиятли. Зукко, эпчил бўлган посбонлар ўз хизматларини муваффақиятли адо этиш баробарида ҳамиша командирларининг ишончини оқлаб келишган.

– Кўпчилик ҳарбий соҳа аёллар учун ниҳоятда машаққатли деб таъкидлашади, – дейди оддий аскар Каримова. – Шу боисдан бўлса керак, ота-оналар баъзида қизларининг меҳр қўйган соҳасини танлашига тўсқинлик қилишади. Тўғри, ҳарбийликнинг юки гоҳида йигитларга ҳам оғирлик қилади. Лекин қалб амри билан танлаган касбингнинг қийинчиликлари йўлингдан асло қайтара олмас экан. Боз устига, атрофингда сени қўллаб турувчи сафдошларинг кўмагини ҳис қилар экансан, ҳар қандай машаққат ортга чекинади.

Манзура опа ёшлигидан ҳарбийликка қизиқарди. Болалик давридаёқ негадир бу касб ушалмас орзудек туюларди унга. Чунки ўша пайтда Андижон вилояти Олтинсой туманидаги у туғилган мўъжаз қишлоқда ҳарбий либосли аёл у ёқда турсин, ҳаётини ҳарбийликка боғлаган кишининг ўзи йўқ эди. Улуғбек акага турмушга чиққач, у ўз орзуларига бироз бўлсада яқинлашгандек бўлди. Боиси Улуғбек аканинг укаси Ғайрат яқиндагина олий ҳарбий билим юртини тугаллаб, эгнига офицерлик либосини кийган эди.

– Ғайратни ҳарбий либосда кўрганимда, ички бир туғён мени ушбу муқаддас касбга янада меҳр қўйишга ундарди, – дейди Манзура опа. – Кўп ўтмай Улуғбек ака шартнома асосида хизмат қилиш нияти борлигини айтганда, қувончдан кўзимга ёш келди. Шунда ундан «Мен ҳам ҳарбий бўлсам бўладими?», дея секингина сўрадим.

– Албатта. Қанийди, сен ҳам хизмат қилишни хоҳласанг?! – дея у менга ишонқирамай қаради. Қарорим қатъийлигини билгач, иккаламиз бирга ҳужжат тайёрладик. Мана хизматимизни бошлаганимизга ҳам ўн икки йилдан ошди. Шунча йил юртим, халқим осудалиги йўлида хизмат қилганимдан фақат ва фақат фахр ҳиссини туяман.

Дастлаб офицерлар – Ҳасан Ҳайитбоев, Ҳусанбой Пардаев ва Тўлқин Исроиловлардан ҳарбийликнинг ҳадисини олган оддий аскар Каримова айни пайтда ўз вазифасини ниҳоятда пухта билади. Жанговар постда ҳаво сарҳадларимизни назорат қилар экан, бир он бўлса-да сергакликни йўқотмайди. Айни пайтда тажрибали посбон Мурод Якубов, Ҳусниддин Бобожонов ҳамда Сайёра Аҳмедова сингари юрт корига камарбаста бўлган ёш сафдошларига ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда.

Камоловлар оиласидаги ҳарбийча муҳит уларнинг фарзандларига ҳам ўз таъсирини ўтказган десак, хато қилмаймиз. Оиланинг тўнғичи, Гулираъно иқтисод йўналишига қизиқиб, ҳозирда Тошкент Банк иқтисодиёт коллежида таҳсил олаётган бўлса, опасидан фарқли ўлароқ, Ойбек ва Отабек ота-онасидек ҳарбий бўлишга аҳд қилишган.

– Мен Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига кирмоқчиман, – дейди ўн беш яшар Ойбек. – Ахир, йигитлар учун энг муносиб касб ҳарбийликдир. Келажакда офицер бўлиб миллий армиямиз ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Бу ҳарбий оилада улғаяётган ўспиринниинг фикрлари. Ота-онадаги ватанпарварлик, фидойилик тарбия орқали аллақачон болаларга ҳам сингган.

– Фарзандларимнинг биз сингари ҳарбий бўлишга интилаётганини кўриб хурсанд бўламан, – дейди Улуғбек ака. – Юрт ҳимоясига камарбаста бўлиш ҳар қандай киши учун ҳам шарафдир.

Ҳа, Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, юртимиз фуқаролари учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш, нафақат Конституциявий бурч балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ.
Муаллиф суратга олган.

К ВАШЕМУ СТОЛУ

РЫБНЫЕ МАФФИНЫ



Ингредиенты для 4 маффин: 300 г филе рыбы, 1 яйцо, сухари, немного сливочного масла, 1 помидор, тертый сыр, майонез, зеленый лук, соль, перец.

Способ приготовления: рыбу нарезать маленькими кусочками, посолить, поперчить, добавить яйцо, перемешать с сухими сухарями до однородной массы. Формочки для маффин смазать сливочным маслом, уложить в них рыбную массу, сверху положить кружок помидора, присыпать тертым сыром и запечь в духовке 15 минут. Вытащить,положить на каждый маффин по 0,5 ч.л. майонеза, присыпать зеленым луком и вернуть в духовку еще на 5 минут.

КОРОЛЕВСКИЙ КЕКС



Ингредиенты: 2,25 стакана муки, 1 ч. ложку соды, 1/2 ч. ложки разрыхлителя, 1/2 ч. ложки соли, 3/4 стакана порошка какао, 1 ч. ложка растворимого кофе, 2 стакана сахара, 1/3 стакана растительного масла, 2 яичных белка, 1 яйцо, 30 г шоколада (растопить), 1/2 стакана молока.

Способ приготовления: смешать муку, соду, разрыхлитель и соль. Отдельно смешать какао, кофе, добавить 3/4 стакана горячей воды, размешать и оставить остывать. Миксером на медленной скорости взбить сахар с растительным маслом, белками и яйцом до гладкой массы. Увеличить скорость и взбивать еще 2 мин. до загустения. Затем добавить смесь с какао, растопленный шоколад, ваниль, затем попеременно смесь с мукой и молоко. Вылить тесто в форму и выпекать 45 мин. Оставить в форме на 10 мин., перевернуть на блюдо и дать полностью остыть. Приготовить глазурь и облить кекс. Для глазури: 1/4 ч. ложки порошка кофе растворить в 2 ст. л. горячей воды. Добавить 3 ст. л. какао, 3 ст. л. кофейного ликера. Смешать, добавить 1 стакан сахарной пудры и вновь перемешать.

ТВОРОЖНЫЕ РОГАЛИКИ



Ингредиенты: 2 яйца, 200 г сахара, 500 г творога, щепотка соли, 3 пачки пекарского порошка, 1 пачка ванильного сахара, около 800 г муки.

Способ приготовления: начинка может состоять из любого вида варенья. Все ингредиенты перемешать и добавить сначала 600 г муки, а потом по необходимости добавлять. Тесто должно быть мягким и не прилипать к рукам. Разделить тесто на 2 равные части. Раскатать пласт толщиной 3 – 5 мм. Разрезать его «тортиком». На широкий край положить начинку и скатать рулетиком. Выпекать при температуре 200 град. около 20 – 30 минут. Сверху посыпать сахарной пудрой, перемешанной с лимонной цедрой.

КУРИНОЕ ФИЛЕ НА ТОМАТНОМ КОНКАССЕ



Ингредиенты: 3 помидора, 50 г сливочного масла, 2 ст. л. растительного масла, соль, перец, сахар, базилик, 2 куриных филе, сыр 50 г, 50 г сливочного масла, 2 ст. л. растительного масла, 1 сырое яйцо, сухари, соль, перец, чеснок, 250 мл 30 – 35% сливок, 1 стакан куриного бульона (из кубика), 2 ч. л. муки, 2 зубчика чеснока.

Способ приготовления: на сковороде растапливаем сливочное масло, добавляем растительное масло и выкладываем помидоры. Добавляем соль, сахар, перец, базилик. Тушим, пока не выкипит лишняя жидкость и сахар не начнет карамелизоваться. Разрезаем куриное филе, слегка отбиваем, солим, перчим, кладем в центр каждого кусочек сыра и заворачиваем в рулетик. Обваливаем сначала в яйце, затем в сухарях и обжариваем с обеих сторон. Обжаренное филе складываем на тарелку. В масло, где жарили филе, выливаем бульон и увариваем его наполовину. Затем некоторое количество бульона из сковороды добавляем в сливки (чтобы сливки стали теплыми, тогда они не свернутся в соусе), выливаем все это в сковороду, добавляем разведенную в воде муку и варим, пока соус не загустеет. Выкладываем в этот соус обжаренные помидоры, выдавливаем чеснок и осторожно перемешиваем. Филе можно просто нарезать на кусочки, посолить, поперчить и обжарить в любом масле.

МЕН БАХТЛИ ОНАМАН

Мунаввар опани Жойчи маҳалласида катта-ю кичик ҳурмат билан тилга олади. Опа Яккабоғ тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида рус тили ва адабиётидан ёшларга сабоқ беради. Коллежнинг энг зукко, тажрибали муаллимаси нафақат талабаларга, балки эндигина иш бошлаган ёш мутахассисларга ҳам устозлик қилади.

– Илк иш бошлаган кезларимда касбимга меҳрим баланд, нима қилиб бўлса-да энг нуфузли олий даргоҳда таҳсил олган мутахассис сифатида ўзимни кўрсатгим келарди, – деб эслайди муаллима Фотима Зикриллаева. – Билимлилик яхши албатта, аммо тажриба бўлмаса қийналиб қоларкансан. Сендаги бундай ҳолатни ҳамма ҳам пайқаб олишга қодир бўлмайди. Устозимиз Мунаввар опада ана шундай ҳолатларни ғоят нозиклик билан илғаб олиш хусусияти бор. Жамоада опа каби инсонларнинг бўлиши ёшларга дадиллик бағишлайди. Ҳар қандай мураккаб вазиятда яқин дўст, доно маслаҳатчининг қўллаб-қувватлаши ташаббускорликка кенг йўл очади.

Муаллимлик мўъжиза яратувчи касб. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Аммо ана шу мўъжиза замирида тинимсиз меҳнат, бедор кечалар, ёш инсонлар келажагига, тақдирига ўзини масъул билишдек олижаноб фазилатлар мавжуд. Маълумки, шиддатли давримиз таълим соҳасида ҳам қатор янгиликлар, ўзгаришлар бўлиши лозимлигини кўрсатди. Барча соҳада бўлгани каби таълимда ҳам ижчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараён мазкур соҳа мутахассисларидан янада фаолроқ, изланувчанроқ бўлишни талаб этади. Мунаввар Ибрагимова ҳам буни теран англаб етган давр билан ҳамнафас, пешқадам, минглаб фидойи замондошларимиздан биридир.

Аёлнинг қирқ жони бор деганлар хўб топиб айтганлар. Буни биргина Мунаввар опа мисолида кўрадиган бўлсак, масъулиятли муаллимлик касби билан бир қаторда уй ишлари-ю фарзандлар тарбиясига ҳам улгуриш, албатта, «қирқ жони бор» аёлгагина хос. Фарзандлар ҳақида гап кетганда уларнинг тўнғичи тўғрисида... келинг яхшиси бу ҳақда опанинг ўзлари гапирсин:

– Бахтиёрнинг офицер бўлишига қарши бўлганим рост. Онаманда, унинг мендан жуда-жуда олис юртларда юришини ўйлашнинг ўзи ҳам оғир эди. У мактабни аъло баҳоларга битиргач, дадаси икковлари пойтахтга йўл олдилар. Бошида ўқишга киролмапти, Тошкентни бир-икки кун томоша қилиб қайтиб келади, дейишди. Кейин эса ҳарбий билим юртига ўқишга киргани ҳақида эшитдим. Бундан қувонган бўлсам-да кўнглимда хижиллик бор эди. Дадаси Исроил ака раҳматли Бахтиёрнинг аҳди қатъий эканлигини, у шарафли касбни танлаганини, биз унга оқ йўл тилаб, қўллаб-қувватлашимиз лозим эканини бот-бот таъкидлардилар. Буни ўзим ҳам тушунардим. Фарзандларимнинг орзулари ҳам ўзлари каби мен учун қадрли-да. Мана, бугунги кунга келиб ўғлим офицер Бахтиёр Ибрагимов кўпчиликка бош-қош, каттагина жамоанинг етакчиси. Мен ўғлим билан фахрланаман. Маҳалланинг катта-кичиги у ҳақда ҳурмат билан гапирганда ич-ичимдан суюнаман. Она учун фарзандлари камолидан ҳам қутлуғроқ қувонч бўлиши мумкинми?

Ҳа, бугун Мунаввар опа ҳар қанча ифтихор қилсалар арзийди. Бу оилада вояга етган ўғил-қизлар ҳаммалари олий маълумотли зиёлилардир. Нодиржон ҳам акаси изидан бориб ҳарбийликни танлади. У ҳозир Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қашқадарё вилоят бошқармасида хизмат қилмоқда. Санобар, Манзура, Меҳри, Баҳодирлар ҳам эл хизматидалар.

– Мен бахтли онаман, – дейди Мунаввар опа. – Ориятли, ҳамманинг ҳурматига сазовор фарзандларим бор. Барча оналар каби фарзандларимни тез-тез кўргим келади. Айниқса, тўнғичим Бахтиёржонни. У Ватан хизматида – масъулиятли вазифада ишлайди. Тез-тез туғилган маҳалласига келиб кетишининг иложи йўқ. Унинг келиши оиламизда байрамга айланади. Келиб-кетиши маҳалладагиларнинг ҳам қувончига сабаб бўлади. Қаерда бўлса ҳам омон бўлса бас.

Фидойи муаллима, юртпарвар фарзандлар онаси, тўкис оила бекаси Мунаввар опага мустаҳкам соғлиқ, бунданда зиёд саодатли умр тилаб қоламиз.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Школа супружества: интервью по вашей просьбе

ПОЧЕМУ МЫ ВМЕСТЕ?

В редакцию приходит немало писем, в которых авторы рассказывают о семейных конфликтах, просят помочь наладить семейные отношения. Наш корреспондент познакомил с редакционной почтой врача-психотерапевта Анатолия Зотова и попросил его ответить на ряд вопросов.

– Анатолий Николаевич! Давайте нашу беседу начнем с главных вопросов, которые задаются во всех письмах: почему возникают семейные конфликты и как их избежать?

– На эти вопросы мне хочется ответить на примере одной семьи. Приходит ко мне на прием молодая женщина (назовем ее Нина) и говорит: «Вчера я случайно задержалась у подруги. Потом автобуса долго не было. В общем, домой добралась поздно. Думала, он там с ума сходит, приготовилась объясняться. А супруг как ни в чем не бывало! Только спросил: «Все в порядке?» – и спать отправился. Как, по-вашему, можно это объяснить?! Я спросил: «Вчерашний случай – нечто для ваших отношений необычное?» «Если бы, – ответила моя посетительница. – Мы вообще последнее время то и дело ссоримся. Я его, можно сказать, не вижу. Домой приходит не раньше 9 – 10 вечера! Садимся ужинать – молчит. Я мучаюсь, он тоже. Потом начинаем разговаривать. Оба испытываем облегчение. А через несколько дней все заново».

– Поженились они по любви?

– Это признают он и она. Дочь родилась. Виктор во всем помогал. Понимали друг друга. А потом как-то незаметно все поцило вверх тормашками. Где муж проводит время после работы, Нина знает. Руки у него золотые. Друзьям, знакомым помогает с ремонтом автомашин, радиотехники.

Нину родители воспитывали по строгим правилам, со множеством требований, ограничений и запретов. Можно сказать, что их конфликт был запрограммирован. Виктор неосознанно воспринял отцовский стереотип отношения к жене как к человеку менее интересному, менее значительному. Нина же, как большинство людей, чья воля с первых сознательных дней жизни подавлялась строгим воспитанием, неуверенна в себе, у нее повышенная потребность в тепле, в постоянных знаках внимания. А Виктор меньше всего способен дать ей это. В первые годы конфликт этот таился подспудно: захватывающая дух влюбленность, рождение ребенка, создание своего «гнездышка» – все это сплачивало супругов в единое «мы». А когда уменьшилось давление внешних трудностей и забот, обострилось глубокое внутреннее противоречие.

Виктор видел только фасад претензий супруги: «Мало бываешь дома». А ведь Нину ранило другое: «Мало меня поддерживаешь». Да и все ли хорошо представляют, что такое психологическая поддержка? Прежде всего это поддержка эмоциональная – способность супругов сочувствовать, сопереживать проблемам и трудностям друг друга, содействовать их устранению. Раз за разом встречались мы втроем у меня в кабинете. Напряжение стало понемногу спадать. Но, вернувшись домой, супруги по-прежнему запутывались в накопившихся обидах, пришлось договориться, что семейные проблемы будут обсуждаться только в моем присутствии. К счастью, эти двое нашли в себе достаточно воли и терпения, чтобы соблюдать данный договор. Не сразу, но семейный конфликт исчерпал себя. Виктор стал проявлять больше тепла, заинтересованности по отношению к жене. Он увидел, как чутко и благодарно реагирует Нина на проявление внимания с его стороны, и постепенно сам почувствовал, как это приятно – получать улыбку, добрый нежный взгляд в благодарность за проявленное тепло.

– В последнее время молодые люди, выбирая себе супруга (супругу), главным достоинством считают вовсе не деловые качества, не хозяйственность, даже не родительские задатки. Гораздо больше ценится способность оказывать моральную и психологическую поддержку, не так ли?

– Семейный дом – это место, где мы стремимся восстановить силы духовные, где мы ищем психологическую поддержку. Ведь в деловом, профессиональном общении мы находимся с окружающими в отношениях, которые психологи называют «я для других». Это неизбежно. Семья же дает нам возможность «отдохнуть», проявить, наконец-то, наше «я для себя», осуществить потребность в самовыражении. Семья – уникальное сообщество. Никакие другие отношения, кроме супружеских, никакая другая микрогруппа, кроме семьи, такого взаимопонимания и взаимообогащения не дают и дать не могут.

Беседу записал Сергей БУЛАЕВ.



Оппоқ қорда ўйнар ширин болажонлар,
Юраклардан тошар қувонч, ҳаяжонлар.

QUNDUZ VA DARAXTLAR

(Ertak)

Bahor kelishi bilan daryolar suvga to'lib, qirg'oqlarga toshib chiqibdi. Shunda qunduzlar to'g'on qurishga ahd qilishibdi. Ular daraht kesib ketish uchun o'rmonga yo'l olishibdi. O'rmonga kelgach, qayin daraxti oldiga borib, shunday deyishibdi:

– Qayinjon, qayinjon, biz seni ag'darib, to'g'on qurmoqchimiz.

Qayin daraxti ularga shunday javob beribdi:

– Meni ag'darmanglar! Mening shoxlarimdan supurgilar to'qishadi, mendan tayyorlangan qayinjon sharbatlari bilan bemorlarni davolashadi.

Buni eshitgan qunduzlar boshqa darahtlar yoniga ketishibdi. Qarashsa, qarag'ay turganmish. Ular qarag'ayga qarab shunday deyishibdi:

– Qarag'ay, qarag'ay, biz seni ag'daramiz, sendan to'g'on quramiz.

Qarag'ay ularga shunday debdi:

– Meni ag'darmanglar! Mening ichki po'stlog'imdan olinadigan toladan kovushlar, koptokchalar, savatlar to'qishadi.

Qunduzlar boshqa daraht izlagani ketishibdi. Yurib-yurib, ular eman darahtiga duch kelishibdi:

– Emanjon, emanjon, biz hozir seni ag'daramiz, keyin to'g'on quramiz, – deyishibdi unga.

– Meni ag'darmanglar, – debdi eman, – mening moyim bilan qayiqlarni moylashadi, to'g'rzyong'oqlarni tutatgani tutatqi olishadi.

Buni eshitib, qunduzlar ola'a yurishibdi. Yo'lda ular tog'terakka duch kelishibdi va undan so'rashibdi:

– Tog'terak, tog'terak! shamol bo'lmayapti, nega shoxlaringdagi barglaring qaltirashyapti?

– Ular boltadan qo'rqishyapti, – debdi tog'terak.

– Sen o'zi nimaga yaraysan? – so'rashibdi undan qunduzlar.

– O'tinga, – deb javob beribdi tog'terak.

– Ha-a, endi bildik, unda sen bizga yarar ekansan.

Qunduzlar shunday deb tog'terakni ag'darishibdi va daryo ustida to'g'on qurishga kirishibdilar.





ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Гўзал қизлар ҳақида суҳбат кетганда уларнинг оила юмушларига уддабуролиги, ҳаё-андишаси биринчи бўлиб тилга олинади. Юртимиз қизларига бу борада ҳавас қилса арзийди. Чунки улар оила учун зарур бўлган қайси бир касбни эгаллашни истасалар, барчаси муҳайё. Тикиш-бичиш, ширин таомлар ва пиширириқлар тайёрлаш, уй ҳамширалигини эгаллаш каби ойлик курсларни ҳар қадамда учратасиз.

Ҳафтамиз гўзали Гулҳаё Мадаминова ҳам мана шундай чаққон ва билимдон қизларимиздан.

У ҳозирда Тошкент шаҳридаги юридик коллежида таҳсил олиш билан бирга аёл киши учун зарур бўлган бир қатор ўқув курсларини ҳам тамомлаган.

– Аёл киши қайси бир ташкилотда хизмат қилмасин, у албатта оила юмушларини уддалаши шарт, – дейди Гулҳаё майин жилмайиб. – Менинг орзуйим прокуратура соҳасида хизмат қилиш. Шунинг учун коллеждан сўнг олий ўқув юртига кирмоқчиман. Мақсадим ҳар томонлама етук бўлиш.

Гўзал қизларнинг орзулари ҳам гўзал. албатта. Бунга сиз ўзингиз гувоҳсиз, азиз ўқувчи.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ПРОГРЕСС ОЧЕВИДЕН

В Ташкентском государственном техническом университете имени Абу Райхана Беруни прошла научно-практическая конференция, посвященная вопросам обеспечения интеграции образования, науки и производства в машиностроительной отрасли.

В этом направлении определенную работу ведут ученые Ташкентского государственного технического университета. Например, изобретенный ими агрегат по плавке алюминия, который работает на газе, получился более усовершенствованным, чем ныне действующий, выгодно отличается от них экономическим эффектом, экологической безопасностью. Фильтры по механической и биологической очистке питьевой воды, созданные учеными, широко используются на Узбекском металлургическом комбинате. Заслуживает внимания специалистов сельского хозяйства и новая технология по оголению хлопковых семян. В рамках конференции была организована выставка, на которой представлялись образцы новых изобретений, учебников, программ и пособий.

Б.ХИДИРОВА,
корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Саъдулла Ҳаким қаламига мансуб «Ватан» шеъридаги ватанпарварлик руҳи, мозийга теран назар ва Ватанни энг тоза гулга қиёслаш гўзал ташбеҳларда берилган. Самимий сатрлар дилингизга қўшиқ мавжини, тилингизга шукроналик туйғусини солса не ажаб.

ВАТАН

Дардлан бино бўлса ҳам асли
Сездирмагай дардларин Ватан.
Дардларига дармон бўлгали
Машраб қилар мардларин Ватан.

Пешонасин Темур силаган,
Камолини Бобур тилаган.
Чўлпон қони билан тўлаган
Чин фарзандлик ҳақларин Ватан.

Ҳақ таоло иноятидан,
Ислом нури ҳидоятидан,
Она халқим ҳимоятидан
Тоза гулим – настарин Ватан.

Кундай ёруғ юзларим ила,
Зурёд ўғил-қизларим ила,
Ёзай босган изларим ила
Умр баён дафтарим Ватан!

«КАМЕННЫЙ ГОРОД» – ТАШКЕНТ

В Ташкенте, городе двухтысячелетий, сохранились все основные типы монументальных общественных зданий мусульманского средневековья: мавзолеи, мечети, медресе. Они отразили колорит различных исторических эпох, представляя все известные виды купольных конструкций Среднего Востока.

Самые старые из сохранившихся мемориалов – это ансамбль Шайхантахур (XIV – XVвв.), мавзолей-ханака Зайнаддина-бобо (XII-XVI вв.), культовый комплекс Зангиата (XIV – XIX вв.). Шайхантахурский ансамбль, названный именем святого шейха Хавенди Тахура, включает три мавзолея: мавзолей Юнусхана, правителя Ташкента (XV в.), деда великого Бабура; древний шатровый мавзолей Калдыргач-бия (XV в.), правителя Моголистана; мавзолей самого Хавенди Тахура.

Строительство мавзолея связано с культом почитания предков у народов Средней Азии. Большинство мавзолеев сочетали функции намогильного сооружения и мавзолея – ханака (место духовного совершенствования). Таков и мавзолей шейха Зайнаддина Куи Арифони (XIII в.), сына главы багдадских суфиев, учение которого получило распространение при дворе Темура. По приказанию Темура было начато и строительство комплекса Зангиата в конце XIV века возведением двух мавзолеев: Зангиата и Амбар-биби. Святой шейх Айходжа, по прозвищу Зангиата, то есть «Черный», был уроженцем местности Шаш, последователем суфия Ходжа Ахмада Яссави. Его жена, Амбар-биби, была покровительницей материнства и плодородия. Этот комплекс включает также мечеть Намазгох, медресе и минарет. По праздникам, после зиарата, здесь проходили народные гулянья, шла торговля, выступали акробаты, фокусники, дервиши.

От эпохи шейбанидов сохранился ансамбль Хазрети Имам (XVI в.), состоявший из мавзолеев Каффаль Шаши, мечети Намазгох и медресе Баракхана с мавзолеем Суюниджхана. Хазрети Имам – Великий Имам, так именовали Абубакра Мухаммада Каффаль аль-Шаши, одного из первых имамов-проповедников мусульманского мира, ученого и поэта, жившего в Шаше в X веке.

Памятники средневекового зодчества Ташкента – это живая история и легенда, запечатленная в камне. Например, мавзолей Чупаната (XVIII в.) посвящен легендарному освоителю Ташкентского оазиса, который привел сюда посохом воду. Чупаната – это, скорее всего, «кадамжо» (просто святое место без реального захоронения). Мавзолей Ходжи Аламбардора (XIX в.) посвящен сподвижнику Каффаля Шаши в деле распространения ислама в области Шаш.

В Ташкенте представлены также все типы мечетей: жума, квартальная, намазгох. Центральная городская соборная Жума-мечеть собирала правоверных на пятничную молитву – хутбу. Сохранилась мечеть Джами (XV в.) в ансамбле Регистан на площади Чорсу. В каждой махалле была квартальная мечеть для ежедневного пятикратного намаза. В оформлении айванов квартальных мечетей особенно ярко проявился талант народных усто, их неистощимая выдумка в искусстве декорировки интерьеров, как в комплексе Хайрабад-ишан (XVIII в.).

Ташкентские медресе (высшие учебные заведения для мусульман) – Кукельдаш и Сеид-Абдулкасымшейха являются одними из самых древних в Центральной Азии наряду с медресе Улугбека в Самарканде. В них особенно нагляден художественный язык ташкентских зодчих – это строгий, сдержанный, суровый стиль, непышная декорировка зданий.

Справедливо сказано, что народ, не помнящий своего прошлого, не имеет будущего. Памятники древнего мусульманского зодчества должны быть не только объектом религиозного поклонения. Это историко-культурное достояние народа.

Не только архитектурные памятники XIV – XIX веков могут стать музеями. В заботе и сохранении нуждаются также и живописные древние руины – цитадели доисламских правителей Шаша. Это археологические памятники VI – V веков: Шаштепа, Чиланзарское и Юнусабадское Ак-тепа.

Древнее наследие Ташкента должно стать живым источником духовных средств для современного поколения, бесценным даром наших предков.

(По материалам печати).





Қисм кутубхонасида

БЕБАҲО ХАЗИНА БУНДА ЖАМ

Маънавиятли, маърифатли посбон ўзлигини англаган посбон. У кимга хизмат қилаётганини, кимни ҳимоялаётганини юрак-юрагидан ҳис қилади, англайди. Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига доимо содиқ қолади. Ҳарбий қисм ва бўлинмалардаги зиё масканлари – кутубхоналар юксак маънавиятли посбонларни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Табиийки, бунда ўша қисм қўмондонлигининг кутубхона шаклланувига эътибори, мудира ўз ишининг устаси бўлиши муҳим ўрин тутади. Қуролли Кучлар хизматчиси Дилафрўз Қаландарована ҳам шундай мудиралар сирасига қўшиш мумкин. Мудира ҳар бир байрам, тантанага бағишлаб китобхонлик кечаларини ўтказади. Ҳарбий хизматчиларни китоб мутолаа қилишга қизиқтиришнинг йўлларини излайди. Масалан, шаҳар кутубхонаси билан мунтазам алоқа ўрнатгани, ҳарбий хизматчиларнинг ранг-баранг адабиётлар билан таъминлашга уринаётганини таъкидлаш мумкин. Буни қарангки, биз зиё масканига ташриф буюрган кун шаҳар кутубхонаси мудираси Санобар Мирзаева ҳам шу ерда экан.

«Кўчма кутубхона тарзида китобларимизни олиб келиб, она юрт посбонлари ўқишлари учун имконият яратамиз. Мана, Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ҳам туркум адабиётлар келтирдик», дейди у. Дарвоқе, қисм кутубхонаси мудираси Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунга бағишлаб ҳуқуқий адабиётлар бурчаги ташкил қилаётган экан.

«Биласизми, ҳуқуқий мавзудаги адабиётларга ҳам қизиқиш кучли. Демократик ҳуқуқий жамият қурар эканмиз, посбонларимизнинг ҳам бу борадаги ислоҳотларга қизиқиши табиий. Кутубхонамизда 2800 дан зиёд китоб бор. Уларнинг аксарияти ўзбек тилида. Зиё масканига тез-тез сафарбарлик чақируви резерви батальонида йиғин ўтаётган фуқаролар кириб туришади. Сержант, офицерларимиз ўзлари китоб мутолаа қилиш билан бирга, оилалари, фарзандлари учун ҳам турли адабиётларни сўрашади. Ўзимизда йўқларини шаҳар кутубхонасидан топиб беришга ҳаракат қиламиз», дейди Д.Қаландарова.

Бош Қомусимизда ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ёзиб қўйилган. Йигитлик мактаби, ҳаёт мактабига айланган армиямизда ҳам ёшлар билим олишлари, ҳаётий тажрибалар тўплашлари учун кенг имкониятлар бор. Таъбир жоиз бўлса, кутубхоналар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳамза Солиҳов Бухоро давлат университетининг социология бўлимини тугаллаб, вилоят ҳокимлигида фаолият юритаётган экан. Йиғинда у кўплаб адабиётларни ўқиди. «Тўғриси қисм кутубхонаси бунчалар бой дея ўйламагандим. Нафақат бадиий, балки илмий адабиётларни ҳам ундан топса бўлади», дейди у. Унинг сафдоши Навоий давлат кончилик институтини тугатган Илҳом Худойбердиев ҳам энг фаол китобхонлардан бўлиб чиқди.

Кичик командирлар ичида китобхонликда кичик сержант Салоҳиддин Шодиевнинг олдига тушадигани топилмаса керак. У ҳарбий адабиётларни, мумтоз адабиётларни кўп мутолаа қилгани сабабли ҳам дунёқараши кенг, ҳарбий маҳорати юксак. «Китоб бебаҳо хазина. У билан ошно тутинган кишида инсонийликнинг энг сара фазилатлари шаклланади. Бурчга садоқатни, Ватанга муҳаббатни китоблардан ўргандим, десам муболаға бўлмайди», дея ҳаяжон билан сўзлайди кичик командир.

Ҳа, Конституциямизда ёзиб қўйилганидек, давлат жамиятимизнинг маданий, илмий, техникавий ривожланишига ғамхўрлик кўрсатади. Мамлакатимизда ҳар бир кишининг илмий, техникавий, маданий ютуқлардан фойдаланиши, баҳраманд бўлиши Асосий Қонунимиз билан кафолатлаб қўйилган. Турли адабиётлар ўқиб, ўрганиб, интеллектуал салоҳиятини, қобилиятини шакллантираётган посбонларни кузатар эканман, шулар хаёлимдан ўтди.

Майор Толмас ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

УЗБЕК КИНОСИ

СУҒДИЁНА



Кейинги пайтда ўзбек кинематографиясида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган истеъдодли режиссёр Баҳром Ёқубов яқинда яна бир янги ижод маҳсулини кино мухлисларига тақдим қилди. Ижодкорнинг аввалги, яъни «Сарвиноз», «Бахт учун миллион», «Фотима ва Зуҳра» фильмларидан фарқли ўлароқ ушбу картинаси ўзгача услубда яратилган. Бир муҳаббат қиссаси асосида ишланган фильмда инсоннинг руҳий оламига катта эътибор қаратилган.

Рустам – ёш шижоатли йигит анчагина даромадга эга бўлган фирманинг директори. Фильмдаги асосий қаҳрамонлардан яна бири Суғдиёнадир. Ота-онасининг кимлигини билмаган етим бу қизнинг болалик онлари меҳрибонлик уйида ўтади. Бу ердаги барча тенгқурлари сингари Суғдиёнанинг ҳам энг катта орзуси ота-онаси билан бирга яшаш эди. Аммо тақдир унга жиноятчи сифатида қамалиб чиққан кишини ота ўрнида рўбарў қилади. Қизалоқ ичкиликка муккасидан кетган бу инсонга меҳр қўйди. Чунки у Суғдиёнани болалар уйининг совуқ муҳитидан озод қилди, Кемтик қалб эгаси бўлган мурғаккина қизчага барча дугоналари каби ҳаёт шодликларидан завқланиб, эркин яшаш ҳуқуқини тақдим этганди. Уларнинг мазмунли ҳаёти узоққа чўзилмади. Боиси, ичкиликка берилган ота автоҳалокатга учраб, бир умрга ногиронлик аравачасига михланиб қолди. Энди у қизининг ёрдамисиз овқатланиш у ёқда турсин, ҳатто юз-қўлини юволмасди. Ҳаёт қийинчиликларига эрта дучор бўлган қиз отани ёлғизлатиб қўймади...

Суғдиёнанинг ҳаётига Рустам кириб келганидагина у ҳаёт гўзалликларини ҳис қила олди. Севгига ташна икки қалб, тақдир бир-бирларини учратганидан мамнун эди. Лекин оилавий тенгсизлик уларнинг беғубор севгисига улкан девор сингари гов бўлди.

Рустамнинг ота-онаси келиб-чиқиши тайини бўлмаган бу қизни хонадонларига келин қилишни ўзларига ор билишган бўлса, ўз ўрнида Суғдиёна ҳам отасини ёлғиз қолдиромасди...

Севги ўтида оташ бўлган Рустамнинг кўзига Суғдиёнадан бўлак ҳеч ким кўринмасди. У қандай қилиб бўлсада бу қиз ўзиники бўлишини истарди. Йигит кўп ўйлаб, охири бир қарорга келди. Севгидан кўзи кўр бўлган Рустам уларнинг ўзаро яқинлигига асосий гов бўлиб турган Суғдиёнанинг ногирон отасини йўқ қилишга бел боғлади. Ниятини амалга оширган йигит воқеа жойидан жиноят изларини йўқотди-ю, унутган пичоқ сирни ошкор қилди. Бу воқеадан хабар топган қизнинг севгиси энди нафратга айланди. Тақдир зарбаси олдида ожиз қолган қиз Рустамни жазолашнинг энг муносиб йўли «унга хиёнат қилиш лозим», деб ўйлади ва севгилисининг энг яқин дўсти Азиз билан дискотекага борди. Азиз ва Суғдиёнани бундай алфозда кўрган Рустам, севгилисини йўлдан қайтармоқчи бўлди. Лекин қиз йўлидан қайтмади. Шунда Рустам иккинчи жиноятга қўл уришга мажбур бўлди. Чунки телба ошиқ ўзига насиб қилмаган севгини ўзгага ҳам раво кўришни истамади...

Фильм мана шундай воқеалар асосида кадрга кўчган.

– Бу картинани тасвирга олишни анча пайтдан буён режалаштириб юрардим, – дейди режиссёр Баҳром Ёқубов. – Ниҳоят психологик драма услубдаги бу фильмни машаққатли меҳнат билан тасвирга олдик. Ҳаётий воқеалар асосида кадрга кўчган бу картина ғоявий мукаммаллиги билан ҳеч қандай хориж фильмларидан қолишмайди.

Карина ҚУРБОНОВА.

Кўнгилга ташриф

«ОНАМ АЛЛАСИДАЙ ҲАЗИН ВА МАЙИН...»

Мумтоз қўшиқларни тинглаш руҳингизга ҳаловат бағишлаб, бир лаҳза бўлса-да, қалбингизга сокинлик олиб киради. Қадимда табиблар беморни мусиқа ёрдамида ҳам даволаш мумкинлигини таъкидлаб ўтишган. Мурғак гўдакларимиз алла оҳангига монанд мақом қўшиқларини эшитишиб, мириқиб уйқуга кетадилар. Чунки бу қадим ва ўлмас оҳангларда кишини тинчлантира оладиган сеҳр мужассам. Қалбимизга қувват, руҳиятимизга ҳаловат бағишловчи мумтоз қўшиқлар ижрочиси Раъно Ўрозбоева билан миллий санъатимиз равнақи, санъаткорнинг заҳматли меҳнати, мухлислар муносабати хусусида суҳбатлашдик.



Раъно 1999 йилда «Камолот» мукофотига сазовор бўлган. Хонанда кўпроқ вақтини ёшларга бағишлайди, уларнинг тадбирларида фаол иштирок этади. Унинг пахтакорлар ҳузуридаги чиқишлари ёшларга ғоят манзур бўлганининг кўп маротаба гувоҳи бўлганмиз.

– Менга Раъно опадаги камтарлик, тўғрисўзлилик ва қатъият ёқади. У киши ёшлар ҳузурига кириб келганларидаёқ санъатимизнинг, мумтоз қўшиқчилигимизнинг куюнчак ижрочиси, сенъат сеҳрига ошуфта инсон эканликларини илғадим, – дейди Тошкент вилоят Педагогика институти талабаси Сирожиддин Жалолов. – Рости, барча тенгдошларим қатори мен ҳам эстрада қўшиқларини кўп тинглайман. Раъно опа ижросидаги қўшиқларни эшитиб, халқона наволаримизнинг сеҳри бўлакчалигини сездим. Бу ўлмас наволар менга азиз кишиларим ёдини, болалигимнинг бол тотган онлари ва туғилган гўшам тафтини эслатади.

Раъно Ўрозбоева ҳам санъат остонасига илк маротаба қадам қўйган кезларида эстрада йўналишида куйлаб кўрганди, лекин мумтоз оҳанглар сеҳри уни ўзига оҳанграбодек тортавергач, тўғри йўлни танлаб олди.

– Онаизорим менинг мақом куйлашимни, қўшиқчи бўлишимни астойдил истаганлар ва шу йўлдан кетишим учун имконият яратиб беришга интилганлар. Мени кўпроқ тушунгани ва қўллагани, олислаб кетсам, дуолари билан асрагувчи онамдан бир умр миннатдорман. Чунки азиз волидамнинг ёрдами билан бугун ўз эзгу орзуимга эришдим.

– Ёш эстрада хонандаларининг барчаси мақомдан бохабар бўлишлари, аниқроғи, шу йўналишда ижод қилишлари керакми? Сизнинг фикрингиз?

– Менимча, санъат йўлини танлаган ҳар бир ёш ҳаваскор мақомдан бохабар бўлишлари шарт. Негаки, ўзининг миллий санъати, унинг тарихини билмаган қўшиқчи ҳақиқий санъаткор эмас. Мақом қўшиқларини маромига етказиб куйлаган устоз санъаткорларни чет элларда ҳам севиб тинглашади. Мен доим ёшларимиз орасидаман. Миллий наволаримизнинг умри боқийдир, ёшлар эса санъатимиз дурдоналарини қадрлаб, куйлашларини истайман.

– Раъно, санъат йўлидаги устозларингиз кимлар? Уларнинг меҳнатлари ўз мевасини беряптими?

– Илм, санъат, қолаверса, инсонийликдан менга сабоқ берган устозларим Салоҳиддин Тўхтасинов, Қаҳрамон Комилов, Аҳмаджон Шукуров, Аҳмаджон Дадаевлардан миннатдорман. Улар туфайли мақомга дилимни янада яқинроқ боғладим. Насиб этса, меҳнатларини оқлайман, режаларим бисёр.

– Сиз севиб ижро этадиган қўшиқлар? Янги қўшиқ туғилиши жараёни қандай кечади?

– Ҳазинийнинг «Фарғона тонг отгунча» қўшиғини ҳар сафар куйлаганимда тўлқинланиб кетаман. Қўшиқ яхлитлигича дилимга яқин туради. Ватан, она-юрт ҳақидаги қўшиқларим кўп, аммо мақом куйласам кўнглим сел бўлиб оқади. Бирор янги қўшиқ яратсам, худди бир чўққини забт этгандек қувонаман, аммо олдинда тингловчиларга манзур бўлармикан, деган истиҳола ҳам бўлади. Онам болалигимизда бизга халқона оҳангдаги қўшиқларни оҳиста хиргойи қилиб берарди. Биз эса унинг ҳазин овозидаги майинликни, юраги тубидаги дардлари сизиб чиқаётганини болалик шуури билан илғай олмаганмиз. Онамиз бизга қўшиқ куйлаб бераётганига қувонганмиз, холос. Кейинчалик эса бу қўшиқлардаги жозиба мени батамом ўзига тортди.

– Қайси инсоний фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз? Санъаткор қачон мухлислар эътиборини қозонади?

– Инсонлардаги хушмуомалаликни ниҳоятда қадрлайман. Қандай вазиятда бўлмасин, ким бўлишидан қатъий назар тўғри муомала қила оладиган одам табиийки, яхши инсон сифатида тан олинади. Аммо бунга ҳар доим ҳам эътибор қилавермаймиз. Баъзида кийинишига, мансабига, топиш-тутишига қараб муомала қилишларини кўриб кўнглим ранжийди. Шундай пайтда шарттакилигим тутиб, камситилган одам менга бегона бўлса ҳам уни ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Санъаткорга келсак, унинг либоси камтарлик, кийиниши бачканаликдан йироқ бўлиши керак. Мақомчиларнинг кийиниши жиддийроқ, яъни миллий кўринишда бўлади. Эстрада хонандаларимизнинг кейинги пайтлардаги ортиқча ҳашамларга бурканиб олишлари томошабинга эриш туюлади. Ёшларимиз кўпинча хонандалар ёки сериаллар қаҳрамонларига тақлид қилишади, ахир. Санъаткор кўпроқ саҳнада намоён бўлар экан, ундан ҳар томонлама катта маданият талаб этилади.

Бўш вақтларимда ўз қўлим билан мазали таомларни тайёрлашни ёқтираман. Мумтоз адабиётни севганим боис Машраб, Ҳазиний, Бобур ғазалларини кўпроқ ўқийман, мутолаадан ором оламан, чарчоғим чиқади.

Ҳарбийларга ҳавасим келади. Кишини ўзига тортадиган кўркам либосидан тортиб, жиддий ва мулоҳазали қиёфаларигача мени доим ўзларига ром этишган. Уларнинг хизматларини қадрлайман. Чунки осойишталигимиз, ободлигимизда уларнинг ҳам ҳиссалари беқиёс.

Раъно Ўрозбоева шу кунларда Парижда ўзбек миллий санъатини намойиш қилмоқда. У устози Муножот Йўлчиева каби мумтоз қўшиқларимизни хорижий мамлакатларда ҳам тараннум этиш ниятида. Биз изланувчан ва иқтидорли Раънохонга устозлари изидан бориб, ўзбек миллий санъатини оламга ёйишда куч-қувват, сабр-тоқат ва омадлар тилаб қоламиз.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

Внимание, конкурс!

К 15-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В соответствии с планом по подготовке к празднованию 15-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил накануне 14 января 2007 года откроется и будет проводиться VII Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил.

Для участия в выставке художественного творчества могут быть представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам будут вручены денежные премии:

1-е место – 50 тысяч сумов;

2-е место (два) – по 30 тысяч сумов;

3-е место (два) – по 20 тысяч сумов и дипломы.

ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!

Работы вместе с анкетами авторов следует направить до 5 января 2007 года в Центральный музей Вооруженных Сил.



СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП ● ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ

XV Азиатские игры

«ЗОЛОТОЙ» ЗАДЕЛ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

С очень приятной вести для многотысячных болельщиков и наших читателей хотелось бы начать сегодняшний обзор XV Азиатских игр. Наша соотечественница Гузаль Хубиева (легкая атлетика) продолжила «золотой задел» Руслана Наурзалиева – Владимира Черненко, Севары и Зарины Ганиевых, которые принесли в копилку национальной сборной первые золотые награды. Узбекская атлетка на самой сложной дистанции (бег на 100 м) в упорнейшей борьбе завоевала медаль высшей пробы, доказав, что представительница Узбекистана на этой дистанции – лучшая на Азиатском континенте. А на дистанции 200 м Гузаль завоевала серебряную медаль.

Другие наши легкоатлеты – Леонид Андреев в своей дисциплине по прыжкам с шестом, Анастасия Журавлева (тройной прыжок), Виталий Смирнов (десятиборье) – удостоились серебряных наград.

Вадим Миньков на каноэ на дистанции 1000 м принес национальной сборной команде Узбекистана очередную, четвертую по счету, золотую награду. Алексей Бабаджанов (байдарка, 1000 м), Герасим Кочнев – Серик Мирбеков (каноэ, 1000 м) стали «серебряными».

Не повезло таэквондистам Рашиду Ахмедову (67 кг), Акмалю Иргашеву (84 кг) – они уступили соперникам. Визави А.Иргашева был представитель Катара, и, мягко говоря, судьи где-то «ошибались» в его пользу. А Евгения Каримова (72 кг) проиграла лишь в финальном поединке и удостоилась серебряной награды.

Завершили свои выступления борцы греко-римского стиля. Ими завоевано три медали: две «бронзы» и одно «серебро». Третьими призерами стали Дильшод Орипов и Геннадий Чхаидзе, а у Равшана Рузикулова «серебро». Олимпийский чемпион Александр Дохторашвили (76 кг) на этот раз решил испытать себя в весовой категории до 84 кг и, к сожалению, потерпел поражение от борца из Японии.

Бронзовые медали XV Азиатских игр также завоевали в командном зачете наши теннисистки – Ирода Туляганова, Оқгуль Омонмуродова, Альбина Хабибуллина, Диляра Саидходжаева, а в тяжелой атлетике – Андрей Мартемьянов (+105 кг).

Армейские боксеры мастер спорта международного класса старший лейтенант Дильшод Махмудов (64 кг) и мастер спорта Бекзод Хидиров (60 кг) потерпели поражение в полуфинале и стали бронзовыми призерами. Но другой армейский атлет служащий Вооруженных Сил Эльшод Расулов (75 кг) и наши соотечественники Баходир Султонов (57 кг), Жасур Матчанов (91 кг), Рустам Саидов (+91 кг) вышли в финал. А это значит, что, как минимум, серебряные медали у нас есть.

Итак, на сегодняшний день на XV Азиатских играх узбекистанцы завоевали 22 медали: четыре золотых, восемь серебряных и десять бронзовых.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

КОГДА ВЕРСТАЛСЯ НОМЕР

Стали известны имена новых победителей и призеров XV Азиатских игр. На высшую ступень пьедестала почета поднялись мастера кожаной перчатки Эльшод Расулов (75 кг), Баходир Султанов (57 кг), Рустам Саидов (+91 кг), а Жасур Матчанов (91 кг) стал вторым призером.

«Золотую» копилку национальной сборной пополнила и София Каспулатова (каратэ, + 60 кг). Продолжают спор за медали борцы вольного стиля, и уже в их активе «бронза» – Сослан Тишев (74 кг) и «серебро» – Олег Калагов (96 кг).

Также серебряную медаль завоевал Владимир Туйчиев (велотрек) и бронзовую награду – Екатерина Хилько (трамполин).



Футбол. Осиё ўйинлари – 2006

АЛАМЛИ МАҒЛУБИЯТ

Дохада ўтаётган Осиё ўйинларининг футбол турнири ҳам ҳал қилувчи паллага кирди. Аввал хабар берганимиздек, «А» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи босқич учрашувларида юз фоизлик натижага эришиб (3 ўйинда 3 ғалаба), чорак финалга йўл олган эди.

Футболчиларимиз ушбу босқичда ўз гуруҳида 2-ўринни эгаллаб, яхши кўрсаткичларга эга бўлган жамоа сифатида чорак финал йўлланмасини қўлга киритган Ироқ терма жамоаси билан учрашишди. Вакилларимизнинг ўтказилган учрашувларда кўрсатган чиройли, комбинацияларга бой жамоавий ўйини мухлислару мутахассислар эътиборига тушиб, жамоамиз қитъа ўйинларида ғолибликка асосий даъвогарлардан бири, деб эътироф этила бошлаганди. Аммо...

Худди 2003 йилги Осиё чемпионатида бўлганидек, терма жамоамиз яна чорак финалда баҳсларни тўхтатишга мажбур бўлди. Ироқликлар билан ўтган учрашув деярли тўлиқ ҳамюртларимиз устунлигида ўтди. Лекин шу куни омад жамоамиздан очиқчасига юз ўгирди ва бунинг устига... ўша ҳакамлар масаласи ҳам ўзини яна бир бор эслатди. Учрашувни бошқарган малайзиялик ҳакам очиқчасига рақибларимиз тарафини олди, дея олмаймиз. Аммо ироқлик ҳимоячиларнинг ўз жарима майдонлари ичида бир неча марта тўпни қўл билан ўйнаганликларини сезмаслик, тўпураримиз А.Гейнрихнинг оёқларига кетмакет берилаётган зарбаларни кўрмаганликка олиш, оддий ўйин вазиятларида юз берган кичик хатолар учун 2-ўйинчимизни майдондан четлатиш... Булар ҳакамнинг мухлислар орзиқиб кутган ўйинда кўрсатган кароматлари. Кўз тегдими, билмадик, аммо футболчиларимиз ҳам айнан шу ўйинда деярли юз фоизлик имкониятлардан фойдалана олишмади, ҳимоячиларимиз эса бир қанча қўпол хатоликларга йўл қўйишди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Биринчи бўлим ўрталарида ироқлик футболчилар саноқли қарши ҳужумлардан бирида ҳисобни очишди. 45-дақиқада эса кетма-кет ҳужумлардан сўнг яна ўша А.Гейнрих жамоамиз жонига оро кирди – 1:1. Иккинчи бўлимда эса юқорида тилга олинган томошалар содир бўлди, аммо ҳисоб ўзгармай қолди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган 30 дақиқа эса рақиблар учун омадли келди. Стандарт вазият натижасида гол киритишга муваффақ бўлган ироқликлар у ёғига «арабча» ўйин кўрсатиб, ўзлари учун зарур бўлган натижага эришдилар – 2:1.

12 декабрь куни эса ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Жанубий Корея терма жамоаси билан учрашган Ироқ футболчилари яна бир кутилмаган натижани қайд этиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар ва финал иштирокчисига айланишди. Иккинчи ярим финал учрашувида Осиё ўйинлари мезбони – Қатар футболчилари Эрон терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Демак, ўз гуруҳларида 2-ўринни эгаллаб, «кетаётган поезд»га илиниб олган жамоалар – Ироқ ва Қатар 15 декабрь куни бўлиб ўтадиган финал учрашувида Осиё ўйинлари чемпиони номини ўзаро баҳсда аниқлашади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

LONDON 2012

Единая команда на Олимпиаде-2012

Главные тренеры трех футбольных национальных сборных на Британских островах считают, что на Олимпиаде-2012 в Лондоне Великобритания должна выступить единой командой. Англия, Шотландия, Уэльс и Северная Ирландия выступают самостоятельно на европейских и мировых чемпионатах и не выставляли единой команды с 1972 года. Британская команда одержала победу в Олимпийском футбольном турнире в Лондоне в 1908 году и вновь была триумфатором Игр четыре года спустя в Стокгольме.



Самый «тяжелый» бой в истории

В швейцарском городе Базеле состоялась пресс-конференция, посвященная предстоящему 20 января 2007 г. поединку между чемпионом WBA в супертяжелом весе Николаем Валуевым и американцем Джамилем Маклайном. Этот бой станет не только первым чемпионским поединком в супертяжелом весе, проводимом в Швейцарии, но и самым «тяжелым» в истории бокса. «Общий вес боксеров составит почти 600 фунтов (272 кг), – заявил промоутер российского чемпиона Вилфред Зауэрланд. – Новый год начнется с настоящей сенсации в мире бокса». Права на трансляцию этого поединка уже купили более 50 стран, и они ожидают, что всего этот бой посмотрят в 70 странах на пяти континентах.



Кандидат на проведение чемпионата

Бразилия официально подала заявку на проведение чемпионата мира по футболу 2014 года, надеясь заполучить главный мировой турнир впервые с 1950 года. Президент Бразильской футбольной конфедерации Рикарду Тейшейра представил заявку страны в Токио, где в настоящее время проходит чемпионат мира среди клубов. ФИФА объявит о своем решении в ноябре 2007 года. Турнир 2014 года должен пройти в Южной Америке по принципу ротации континентов, исповедуемом ФИФА, отмечает Reuters. Однако, несмотря на то, что Бразилия является единственной латиноамериканской страной, подавшей заявку, это не означает, что чемпионат пройдет именно там. Напомним, что следующий чемпионат мира пройдет в 2010 году в ЮАР.



Шахматы – все же вид спорта

Несмотря на то, что потребуется еще несколько формальных шагов и согласований в министерствах и ведомствах Британии, главное свершилось – шахматы официально признаны видом спорта в Соединенном Королевстве. На сегодняшний день шахматы считаются спортом в 124 странах мира, однако пресловутый британский консерватизм долго не позволял сделать подобное в Британии. При этом шахматами в стране занимается более четырех миллионов человек, они являются вторыми по популярности после футбола. «Следующей целью британских энтузиастов шахмат будет признание игры в качестве олимпийского вида спорта», – подчеркнул президент Федерации шахмат Соединенного Королевства Джерри Уолш.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ, Ҳ. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-3119. Адади 22500.